

HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIKKI

2/2018



R-617



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

2
2018

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to 'rt marta
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Маколалар

Энг
№

F. Бобоёров. "Турон ҳукмдори хоқон" унвонли Самарканд тангалари (илк ўрта асрлар)	3
Г. Таниева. Бухородаги Эрназар элчи мадрасаси курилишига ким ҳомийлик киlgан?	19
A. Замонов. Бухоро хонлигининг йирик давлат ва жамоат арбоби Кулбобо Кўкалдош	30
M. Азимбаев. Туркистон генерал-губернаторлигида мадраса мутавалилари "тайинланишига" доир маълумотлар (архив хужжатлари таҳлили)	39
A. Йўлдашев. XX аср бошларида Туркистон маърифатпарварлик ҳаракати ривожида татар зиёлилари ва таълим муассасаларининг ўрни	46
M. Тўхтаева. Совет ҳукуматининг давлат сиёсати ва Ўзбекистонда XX асрнинг 30-40 йилларида таъсирий санъат	57
И. Ҳайдаров. 1945-1990 йилларда Ўзбекистон саноатига кадрлар тайёрлаш масаласи	68

Тарихиунослик ва манбашунослик

Ш. Мустафаев. Шайх Али Самаркандий Мовароуннахр ва Анатolia ўртасидаги маънавий-маданий алокалар воситачиси (усмоний манбалар асосида)	80
Д. Алимова. Ўзбекистон давлатчилиги тарихшунослигини ўрганиш муаммоларига доир	87

Илмий ҳаёт

"Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари" мавzuидаги халқаро илмий анжуман ҳақида.	
Ж. Тоғаев, Ж. Адилов	96

Alisher Navoiy
Duniodagi
O'zbekiston MK



СОДЕРЖАНИЕ

Статьи

Г. Бабаяров. Монеты Самарканда с титулом «Туранский правитель каган» (раннее средневековье)	3
Г. Таниева. Кто был спонсором строительства медресе Эрназарбия в Бухаре?	19
А. Замонов. Кулбобо Кукельдаш – крупный государственный и общественный деятель Бухарского ханства	30
М. Азимбаев. Некоторые сведения о «назначении» мутавалли в Туркестанском генерал-губернаторстве	39
А. Йулдашев. Роль татарской интеллигенции и учебных заведений в развитии туркестанского просветительского движения в начале XX века	46
М. Тухтаева. Государственная идеология советской власти и изобразительное искусство Узбекистана в 30–40-е годы XX века	57
И. Хайдаров. Проблемы подготовки кадров в промышленности Узбекистана в 1940–1990 гг.	68

Историография и источниковедение

Ш. Мустафаев. Шейх Али Самарканди – проводник духовно-культурного трансфера между Мавераннахром и Анатолией (по данным османских источников)	80
Д. Алимова. О проблемах историографического изучения государственности Узбекистана	87

Научная жизнь

О международной научной конференции «Формирование историко-культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии».	
Ж. Тогаев, Ж. Адылов	96

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Бахром Абдухалимов
Мирурзот Абусеитова
(Қозогистон)
Адҳам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсадик Исхоков
Марианна Камп (АҚШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шайн Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шоира Асадова
(маஸъул котиб)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз 5-тор кӯчаси.
Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва аҳборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди
20.11.2018.
Босишига руҳсат этилди
06.12.2018.
Қоғоз бичими $70 \times 100^{1/16}$.
Тайми гарнитура.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 6,25.
200 нусха.
Буюртма № 779.
Келишилган нархда.

«NISO-POLIGRAF» МСНJ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машъял маҳалласи,
Марказий кӯчаси, 1-й.

Мақолалар**Ф. БОБОЁРОВ****“ТУРОН ҲУКМДОРИ ХОҚОН” УНВОНИЛИ****САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ**

(илк ўрта асрлар)

Яқин йилларда бир қатор тадқиқотчилар томонидан исломдан олдин, тўғрироғи милодий VI–VIII асрларда бостирилган сұғдий ёзувли Самарқанд тангаларининг сезиларли бир қисмида қадимги туркча *x'γ'n* “хоқон” унвонининг ўрин олгани аниқланди. Бу эса нафакат Самарқанд ёки Суғд, балки Марказий Осиё тарихи билан боғлиқ бир қатор чигал масалаларнинг ўз ечимини топшишига олиб келди. Айниқса, исломдан олдинги Самарқанд тангаларининг битта типидаги сұғдий ёзувни *x'γ'n* “хокон” ўқиб, у тангани Турк хоқонлиги билан боғлаб тушунтиришимиз натижасида бу масалада янгича қарашлар билдирила бошлади. Айрим япон олимларининг Самарқанд тангалари устида изланишлар олиб боришлари ва бундай тангаларнинг яна бир қанча турида “хоқон” унвони учрашини аниқлашлари эса ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи хонадон томонидан қаочон ва қай мақсадда бостирилгани ва бунинг негизида қандай тарихий воқеликлар ётгани масаласини яна бир бор кўриб чиқишини кўндаланг кўйди.

Суғдшунос О. И. Смирнова 1960-йилларда ўнг юзида узун сочли ҳукмдор боши тасвири, орка юзасида эса Ҳ шаклли тамға ва унинг теграсидаги сұғдийча жумлани *twrk xwβ* “Хукмдор Турак” ёки “Қудратли ҳукмдор” деб ўқиган бўлиб, биз эса уларни *twrgnun xwb* “Турон ҳукмдори” ёки “Хукмдор Турнин” ўлароқ тузатиб ўқишишимиз натижасида исломдан олдинги Самарқанд тангаларининг қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ бир қатор саволларнинг ўз ечимини топшишига туртки бўлди. Куйида кўриб чиқиладиган Самарқанд тангалари ҳам аслида ушбу гурӯх тангалари сирасидандир.

1. “Хоқон” унвонли тангалар**I тип.**


Av

Rv

1



1. Av. Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. Rv. Марказда йашаклидаги исломдан олдинги Самарқанд хукмдорларига тегишли тамға ва унинг айланасида сүғдийча *xwβ* “хукмдор” (устда), *twrnyn* “Турон(нинг) / Турнин” (сўлда) ва *x'y'n* “Хокон” (ўнгда) сўzlари ўрин олиб, учала сўз биргаликда “Турон хукмдори Хокон” ёки “Хукмдор Турнин. Хокон” маъносидадир. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Топилган ери: Афросиёб (Самарқанд); Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгти ўййилликлари – VII асрнинг биринчи ярми?




2

2. Av. Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. Rv. Марказда йашаклидаги тамға ва унинг айланасида сүғдийча *xwβ* “хукмдор” (устда), *twrnyn* “Турон(нинг) / Турнин” (сўлда) ва *x'y'n* “Хокон” (ўнгда) сўzlари ўрин олган. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгти ўййилликлари – VII асрнинг биринчи ярми?

II тип.

1. варианти.



Av

Rv

3

3. Av. Тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон ёки қисиқроқ кўзли, бироз думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. Rv. Марказда йашаклидаги тамға ва унинг теграсида эса сүғдийча ёзувда соат мили йўналиши бўйлаб ёзилган (13-00’дан бошланувчи) *x'y'n twr(nyn)* [*xwβ*] “Турон хукмдори Хокон” ёки “Хукмдор Турнин. Хокон” сўzlари учрайди (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Ўлчови: ?; Оғирлиги: 18 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгти ўййилликлари – VII асрнинг биринчи ярми?

- ушбу тангадаги ёзувлар япон олимлари Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар томонидан куйидагича ўқилган: *x'y'n* “Хоқон” (сўл томондагиси), *prn* “күт” (ўнг томондагиси) (Hirano 2016: 12).

2. varyant.



Av



Rv



4

4. Av. Сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда Ҳ шаклидаги тамга ва унинг теграсида эса кўзгуда кўрилганда тўғри ўқиладиган (тескари ёзувли), соат мили йўналишидаги (10-30°дан бошланувчи) сүғдийча *x'y'n twr(nyn)* [xwβ] “Турон хукмдори Хоқон” ёки “Хукмдор Турнин. Хоқон” сўzlари учрайди (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Ўлчови: ?; Оғирлиги: 14 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўйиллликлари – VII асрнинг биринчи ярми?

- бу тангадаги ёзувни ўкишга уринган Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар унинг юкоридаги тангага ўхшашлигини, бироқ том ўлароқ ўкий олишмаганини айтиб ўтишган (Hirano 2016: 12).

III. Тип.

1. вариант



Av



Rv



5

5. Av. Сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. Хукмдорнинг сўл томонида сүғдий ёзувда *[x']y'n* “Хоқон” унвони акс этган (Ш. Хирано ва Ё. Ютакаларнинг ўкиши). **Rv.** Тўғрига юзланган хукмдор (малика) тасвири. Унинг сўл томонида Ҳ шаклидаги исломдан олдинги Самарқанд тамғаси, ўнг томонида эса сүғдийча ёзув ўрин олган бўлиб, уни Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар *xw(tyn)h* “Хотун” деб ўкишган (Ш. Хирано чизмаси). Бу ёзув бироз фарқлироқ ёзилган *[x']y'n* “Хоқон” сўзи ҳам бўлиши мумкин, бироқ *x'twnh* “Хотун” унвонининг янгилиш ёзилган варианти бўлиш эҳтимоли

юкорироқ. Ўлчови: ?; Оғирлиги: 21 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгти ўйилликлари – VII асрнинг биринчи ярми?

2. вариант.



Av

6

6. Av. Юкоридаги 4-тангага ўхшаш, тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалок юзли хукмдор боши тасвири. Унинг соч турмаги юкоридаги II тип (3-4) тангаларни кидан бироз фарқли ўлароқ тепа қисми юкорига тўғри тўлқинланган шаклда ёки тож кийгандек тасвирланган. Хукмдорнинг сўл томонидаги сүфдий ёзув яхши сакланган бўлиб, бундан бир неча йил олдин томонимиздан илк бор (*x*) 'y'n "Хокон" шаклида ўқилган эди (2015).

- Танганинг тескари томони (Rv)нинг фотоси билан танишиш имкони бўлмади.

2. Самарқанд тангалари бўйича олиб борилган изланишлар

I. тип тангалардаги сүфдийча ёзувни илк бор О. И. Смирнова *ywβ twknyn / mwrnyн ynš'n(h?)* ўлароқ ўқиган ва уни “Кутлуғ нишон (эгаси) γwβ ~” ёки “ywβ twkun” кут эгаси тарзида тушуниш кераклигини айтиб ўтган¹. М. Исҳаков эса олдинроқ О. И. Смирнова томонидан *ynš'n(h?)* деб ўқилиб, сүфдийча “нишон, аломат” сўzlари билан солиштирилган сўзни сўрок белгиси остида *у'y'n* “хокон” деб ўқиди ва ўзининг ушбу ўқиши тўғри бўлиб чикса, бу турдаги Самарқанд тангаларнинг “Қадимги турк тангалари туркуми”га киритиш кераклигига урғу беради². Унинг бу қараши ўз пайтида тангашунослар дикқатидан четда қолган ва шу тариқа ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи сулолага тегишлилиги масаласи ўз ечимини топмаган эди. П. Лурье О. И. Смирнова томонидан ўртага ташланган *twknyn / mwrnyн* ни *t/m-wn/z/r/k-n/z-c/y-n/H* деб ўқиш мумкинлигини ёзиб, *mwrzyn* вариантини сўрок белгиси остида сүфдийча *mwrzk* “small – кичик” (қар. Elam. PN *Maršukka <*Mr zu-ka,->*)? сўзи би-

¹ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. М: Наука, 1981. 21-22, 96-97-бетлар. №. 33-34

² Исҳаков М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (древность и раннее средневековье). Ташкент, 2008. 174-б.

лан боғлашга уринган. Шунингдек, у ушбу тангалардаги ёзувлардан бирини *twrz'k* “son of *Twr*” (“Турнинг ўғли”, *twr'k*, #1262, the name of a ruler of an earlier time? (“қадимгироқ даврдаги ҳукмдор исмларидан бири?”)) ўлароқ тушуниш кераклигини ҳам айтиб ўтган³.

3. Ёзув бичими (Орфографияси)

Ушбу Самарқанд тангаларининг ёзув тури милодий VI–VIII асрларда бир неча Суғд ҳукмдорликлари: Кеш, Нахшаб, Панч ва яна бир қатор суғдий тилли Марказий Осиё тангаларида бўлганидек ярим югурик (италик) ва югурик (курсив) ёзувлар туркумига киради. Айниқса, “хокон” сўзининг ёзилиш тарзи ушбу унвоннинг Чоч, Фаргона ва Тўхористон тангаларидаги ёзилиши билан деярли бир хил бўлса-да, бироқ Самарқанд тангаларининг I. тип 1. вариантида *x'γ'n* сўзининг иккинчи бўғинида ёнма-ён келган иккита '(alef) ҳарф белгиси учрайди. Бу эса ушбу сўзни *x'γ'n* (*Qağān*) деб ўқишга туртки беради (*қаранг*. 1. танга). Бизнингча, бу суғдий тилли аҳоли қадимги туркча “хокон” сўзини шундай талаффуз қилганилиги ёки танга босиш жараённада қандайдир бир сабаб (техник томондан ё бўлмаса ёзувда янглишув) билан боғлиқ.

Самарқанд тангаларининг I-II. типларида учровчи учинчи сўз I. типда *tvrnyn* ўлароқ аниқ ёзилган, II. типнинг 1. вариантида бироз ўзгарган, 2. вариантида эса анчагина ўзгаришга учраган. Ҳар икки вариантда ҳам биринчи ҳарф белгисининг *t-* ундоши эканлиги, 2. вариантда эса иккинчи ҳарф белгисидан бошка 3-6. ҳарфларнинг тўлиқ сакланиб қолгани, бироқ аслиятдан узоклашгани кўзга ташланади. Тўғрироғи, биринчи ва учинчи ҳарф белгиларининг орасидаги иккинчи белги -*w-* ундоши учун сигадиган жой бўлишига қарамасдан унинг тўлиқ ёзилмагани ва айрим излари қолгани кўриниб турибди. Аслида бунга ўхшаш ҳолатга I. тип танганинг 2- вариантида ҳам дуч келамиз (*қар. I-тип, 2*).

4. Тасвиirlардаги ўзига хосликлар (Иконография)

Тангаларнинг ҳар иккала типи ва вариантларида ҳукмдор тасвири-нинг кўз шакли ҳам йирик, ҳам бодомсимон ёки бироз қисик кўринишида чизилганилиги англашилиб турибди. Ялпи олганда, бу туркумдаги Самарқанд тангаларида куйидагича икки турда тасвиirlаш кўзга ташланади: 1) узун соchlари елкасигача тушган, кўз қисиқлиги анча-мунча сезилиб турадиган, думалоқ юзли ҳукмдор; 2) соchlари унчалик узун эмас, бир бўлаги кулокқача етмасдан кесилган, кўzlари бодомсимон ёки бирозгина қисик, думалоқ юзли ҳукмдор.

³ Lurje P. Personal Names in Sogdian Texts / Iranisches Personennamenbuch. Band II. Mitteliranische Personennamen. Vien, 2010. № 8. P. 251

Ўзининг шу каби ўзига хосликлари билан ушбу Самарқанд тангалари Чоч ва Фарғона водийсида бостирилган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларига яқин ўхшашликка эга (*қар.* 1-расм). Бу эса ушбу Самарқанд тангаларининг Турк хоқонлигига боғлик томонлари борлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, бу туркумга кирувчи тангалардан барчаси (Самарқанд, Чоч, Фарғона тангалари)нинг иконографияси хоқонлик даврига тегишли археологик топилмалар: Афросиёб (Самарқанд), Панжикент (Панҷ) ва Болалик-тепа (Тўхористон) каби сарой девор расмлари, Ан-цзя, Михо сингари Шимоли-Фарбий Хитойдан топилган Фарбий турк бошқарувчилари тегишли қабртош бўртма тасвирлари ҳамда Евросиёнинг кенг дала-даштларида кўплаб сакланиб қолган тош ҳайкаллар (балбаллар), коя расмлари, ёғоч, суяқ, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган қадимги турк тасвирлари билан яқин ўхшашликка эгалиги кўзга ташланади (*қар.* 4-расм).

“Бэй-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби илк ўрта асрларда яратилган хитой йилномаларида *Кан* (Самарқанд) бошқарувчисининг сочини ўриб юриши, ерли аҳоли эса сочини кестириши айтиб ўтилади⁴. Ёзма манбаларда бўлгани каби (хитой, юонон / Византия ва б.), археологик изланишларда аникланган Турк хоқонлиги даврига тегишли топилмалар (коя расмлари, тош ҳайкаллар, қабртошлар, суяқ, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган тасвирлар) да қадимги турклар, ҳам сочи ўрилган, ҳам сочи елкасигача тушган ҳолатда учраб, Самарқанд тангалари билан ялпи ўхшашликка эгадир (*қар.* 4-расм). Шу ўринда америкалик тадқиқотчи Ж. К. Скэфф айтиб ўтганидек хитой йилномаларидағи “Тү-кюэ (Ашина турклари) ўз устунлигининг ифодаси ўларок ўзларига бош этган ҳукмдорлардан улар (турклар)нинг урф-одатларига бўйсунишни исташлари” каби ҳолатнинг⁵ Самарқанд тангаларида ҳам ўз ўрнини топганини кўрамиз.

5. “Хоқон” унвонли тангалар бостирилишининг тарихий негизлари

Ёзма манбаларда бирорта имо-ишора учрамаслиги ва бу туркум Самарқанд тангаларида бирон-бир ҳукмдор исми ўрин олмагани учун ушбу тангаларининг том ўлароқ қайси ҳукмдор ёки ҳукмдорлар томонидан бостирилганини аниклаш кийин. Ҳолбуки, “Турк-хоқон”, “Тарду хоқон”, Жабгу-хоқон”, “Тун жабгу-хоқон” унвонлари билан Чочда бостирилган тангалар Фарбий Турк хоқонларининг хос тангалари эканлиги аниқ. Самарқанд тангаларидағи *twrnyn* сўзининг *twrn* (Турон) ва – *уп* (тегишли-

⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М.-Л.: Наука, 1950. 271, 281-б.

⁵ Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Ankara, 2002. Vol. 2. P. 364–372.

лик билдирувчи сұздийча сўз қўшимчаси) сўзларидан ўртага чиқкан деган кўз қарашимиз янада аниклик қозонса, ушбу тангалар билан боғлик бир неча саволларга ечим топилади! Бу ерда тангаларнинг ўзига хос томони – Марказий Осиёнинг исломдан олдинги сұздий ёзуви тангалари га хос куйидагича жиҳатни кўзда тутиш керак бўлади: сифат (*xwβ/xwβw* “хукмдор”) + ҳукмдор номи + унвон (оромийча = сұздийча / қадимги туркча) + танга бостирилган давлат / ўлка (топоним). Агар бундан келиб чиқиса, *xwβ twrnyň x'γ'n* жумласидаги *twrnyň* сўзи топоним (давлат номи) бўлиши эҳтимоли анча кучаяди. Тангалардаги сұздий сўзларни *xwβ twrnyň x'γ'n* “Хукмдор *twrnyň* хокон”, ё бўлмаса *xwβ x'γ'n twrnyň* “Хукмдор хокон *twrnyň*” деб оладиган бўлсак ҳам *twrnyň* сўзининг сиёсий-географик ном бўлиши эҳтимоли ортади.

Хўш, VI–VIII асрларда Самарқандда қандай тарихий воқеликлар юз берганди, бу воқеликларнинг тангалардаги “Турон”, “хокон” каби сўзлар билан қандай боғликлиги бор? “Бэй-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” йилномаларига кўра, VI аср 60-йилларида Самарқандни ҳам ўз ичига олувчи *Кан* (Суғд) *Ту-жюэ* (Турк хоқонлиги)нинг кўл остига ўтган, шу асрнинг 80-йилларида хоқонлик томонидан бу ер бошқарувига “тегин” (шахзода) жўнатилган эди⁶. Ҳар ҳолда у Суғдга хоқонликнинг ноиби ўлароқ тайинланган бўлса керак. Шунингдек, Турк хоқонлиги томонидан бошка бир қатор воҳа хукмдорликлари бошқарувида йўлга кўйилган тизим – ерли бошқарувчи сулолаларни ўз ўрнида қолдириб, уларни Ашина хонадонидан бўлган *тегин* ва бошка вакил (*тудун, тутуқ*)лар ёрдамида, ё бўлмаса уларга ўз кизларини узатиш орқали назорат килишга уринган анъана бу ерда ўз ифодасини топган деб қараймиз. Буни VI аср сўнгти йиллари – VII аср илк ўйилларидан бошқарувда бўлган Самарқанд хукмдорларидан иккитаси Фарбий турк хоқонларининг кизларига уйлангани тасдиклаб турибди. “Суй-шу” ва “Тан-шу” йилномаларида *Кан* (Суғд) бошқарувчиларининг асли *Чжаову* хонадонига бориб тақалиши айтиб ўтилиши билан бирга Самарқанд хукмдори *Ши-фу-би / Ша-ше-би* (Шишипир) Фарбий *Ту-жюэ* (турк) бошқарувчиси *Да-ту кехан* (Тарду хокон – 576–603)нинг кизига, бошка бир Самарқанд хукмдори *Гой-му-чжи* эса Фарбий турклардан *Тонг шэ-ху ке-хан* (Тун ябгу-хокон – 618–630)нинг кизига уйлангани тилга олинади⁷. Бу каби тарихий воқеликлар юкорида келтириб ўтилган тангаларнинг ё ушбу йилларда Самарқандга келиб, бу ер бошқарувини

⁶ Таюарэл A. Gök-Türkler. II. Ankara, 2003. S. 88

⁷ Бичурин Н. Я. Собрание сведений ... II. С. 281, 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903. Р. 132, 135

хоконлик номидан назоратда тутган Ашина хонаддони ноиблари томонидан турк хоконлари номидан бостирилган тангалар, ё бўлмаса ўша йилларда хоконларга куёв бўлган Самарқанд хукмдорлари томонидан худди шу мақсадда бостирилган тангалардир, деган карашни кучайтиради.

VII асрнинг сўнгти – VIII асрнинг илк ўйниликларида юз берган сиёсий воқеликлар Турк хоконлиги – Самарқанд алокаларининг сусайишига олиб келган бўлса-да, улар орасидаги устун (сюзерен) – қарам (вассал)лик муносабатлари сакланиб қолади. VIII аср бошларида араблар Самарқандга бир неча бор боскинчилик юришларини ўюштирган бўлиб, Тархун (700-710), Фурак (710-738) сингари Самарқанд бошқарувчилари турк хоконларидан ёрдам сўраган эдилар. Айниқса, араблардан енгилгач, уларнинг устунлигини тан олган бўлишига қарамай Фурак арабларнинг кўшин бошликлари билан учрашган пайтида уларга ўзини “Хоқоннинг қулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири” ўларок танитгани⁸ бунинг мисолидир. Фуракнинг иккита ўғли бўлиб, улардан бирининг исми туркча Бег-чўр / Бўгу-чўр (“Тан-шу”да *Мо-чжо*; араб манбаларида Баничур / Бейгчур) Шаркий турк хокони *Бек-чўр / *Бўгу-чўр Қапған (692-716) исми билан бир бўлса, иккинчи ўғли эса туркийча Турғар (“Тан-шу”да *До-хэ*; сұғдий ёзуви тангаларда *twry'r*; араб манбаларида Турхар) исмига эга эди⁹. Самарқанд бошқаруvida Фурак, Панч (Панжикент)да Деваштич (709-722) турган йилларда турк хоконлари Суғд ўлкасига бир неча бор ўз кўшинлари билан келиб-кеттганликларини кейинги йилларда кўлга киритилган археологик топилмалар ҳам кўрсатмоқда. Якин йилларда Панжикент сарой қолдикларидан топилган сұғдий ёзуви муҳрда *x'y'n* “хокон”, Самарқанднинг бошқарув марказларидан бири бўлмиш Кофир-қалъадан топилган бир неча муҳрда эса *x'itwnh* “хотун” унвонларнинг аникланиши бунинг далилидир (*қар*. 3-расм). Қисқаси, 720-йилларга тегишли Муғ тоғи сұғдий хужжатлари (“Деваштич архиви”)дан бир нечаси (B-17, B-17)да “хун” (турк)лар кўшини ва “хокон”дан келган “ёрлик” тўғрисидаги маълумотлар¹⁰ ушбу муҳрлар асосида яна бир бор ўз тасдигини топмоқда.

⁸ История ат-Табари / Перевод с арабского В. Беляева. Ташкент, 1987. 225-б.

⁹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений ... II. С. 311; Смирнова О. И. Сводный каталог ... С. 424; Камалиддинов Ш., Мухаммедов У. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний // ОНУ. 1997. № 34. 91-93-бетлар; Babayarov G. Sogd under Turkish Rule during 6th-7th c. (on Sogdian and Turkish symbiosis) // Ėrān ud Anērān. Studies Presented to B. I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. Venezia, 2006. P. 71-73.

¹⁰ Суғд тилидаги манбалар. Сўзбоши, таржима ва изохлар муал. М. Исҳоков, F. Бобоёрпов, А. Кубатин / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. Тошкент: Фан, 2014. 81-84-бетлар.

Демак, VI–VII асрларда “Турон” атамаси Турк хоқонлиги билан боғлик равишда учрай бошлаган. Шу ўринда бу атама хоқонликдан олдин ҳам туркийлар ўлкаси ёки турклар бошқарувидаги ўлка маъносида қўлланилганми-йўқми деган савол туғилади. Айтиб ўтиш керак, “Турон” атамаси туркийлар билан боғлик ўларок айнан қайси даврда ўргатга чикқанлиги борасида турлича қарашлар бор. Эроншунослар бу атама бошлангичда эроний халклар, аниқроғи Эрондан кунчикардаги ўлкалар – Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудларда яшаган шарқий эроний тилли халклар учун қўлланилган, деб карайдилар. Уларга кўра, ўз ўлкасини “Эрон” деб атаган гарбий эронийлар ўзларидан шимоли-шарқдаги қардошларини, аниқроғи, кўчманчи эронийлар яшайдиган ўлкаларни ялпи ном билан “Турон” деб аташган, кейинчалик, XI–XII асрларга келиб бу ерлар туркийлар томонидан эгаллангач, ушбу атама туркийларга нисбатан ишлатила бошлаган. Шунингдек, “Турон” атамаси узок даврлардан бери туркийлар ўлкаси маъносида қўлланилган, деб қаралган ҳоллар ҳам бўлган. Таникли эроншунос олим Р. Фрай “Авесто”да учрайдиган “тур” ёки “тура” этнонимини туркийлар билан боғлаб, бошлангичда ушбу этник атама шарқий эронийлар учун қўлланилган бўлса-да, анча қадимдан бери туркийларга нисбатан ишлатила бошлаган, деб ёзади. Унга кўра, “турк” этнонимининг ўзи ҳам ушбу “тур” сўзи негизида ўргатга чиккан ва илк ўрта асрларга келгач “турклар” маъносини билдира бошлаган¹¹. Turk / Türk атамасининг илдизи *tur-* / *tür-* бўлиб, унга қадимги туркча кўплек кўшимчаси “-lar”нинг бир тури бўлмиш -k кўшилиб (*tur+k = Turlar*) «Türk» этноними келиб чиқкан. Эҳтимол, муайян бир этнос учун қадимги турклар ўз тилларидағи кўплек кўшимчасида *Tur-k*, эронликлар эса *Tur-ān* (*ān* – эроний тилларда кўплек ясайдиган кўшимча) атамасини ишлатишган, бунинг негизида эса “Турклар яшайдиган ўлка” маъносида “Турон” топоними келиб чиқкан¹².

“Турон” атамасининг туркийлар билан қанчалик боғлиқлиги, бу атаманинг қайси даврларда, илк ўрта асрлардами ёки ўрта асрлардами, ё бўлмаса анча қадимдан бошлаб “Турклар ўлкаси” сифатида қўлланилганми мазмунидаги саволлар ўз ечимини топиши учун Самарканд танглари ва бошқа ёзма маълумотлар янада чукуррок ўрганилиши керак бўлади. Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда Қораҳонийлар бошқаруви ўрнатилгач, энди бу атама турклар ўлкаси маъносини

¹¹ Frye R. N., Sayələ A. Selçukluların avvel Orta Şark'ta Türkler. Belleten, cilt. 10. Ankara, 1946. S. 97-131

¹² Фрай Р. Наследие Ирана. М., 2002. 66–67-бетлар; Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Ташкент, 2006. 11-б.

олган, деб караш қанчалик тўғри? Шу ўринда ўз асарларини Қораҳонийлар келишидан олдинроқ ёза бошлаган Абу Райхон Беруний (973-1048) Хуросондаги Маздурон¹³ топонимини аслида “Марзи Турон” деб келтириши ва унинг “турклар чегараси” маъносиде эканлигига урғу бериши кизиқ¹⁴. Хатто, Қораҳонийлар келишидан бурун яшаб ўтган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. 997) ўзининг “Мафотиҳ ул-улум” (“Билимлар қалити”) номли асарида Беруний келтирган маълумотни ундан анча олдин қуидагича келтиради: “Жайҳун дарёсининг ҳавзаларини эронликлар Марзи Турон деб атайдилар, яъни туркларнинг чегараси маъносида, бироқ Хуросон аҳолиси уни Марзи Эрон, яъни Ироқ чегараси ўлароқ атайдилар”¹⁵. Айтиб ўтиш керак, бу ерда Ирок атамаси аслида ўрта асрларда Эрон учун ҳам қўлланилган. Мусулмон манбаларида “Ироқи араб” ва “Ироқи ажам” каби географик атамалар ўрин олган бўлиб, улардан кейингиси араб бўлмаган ўлкалар, кўпроқ Эрон аҳолиси учун ишлатилар эди.

Кези келганда “Турон” атамаси факатгина географик атама бўлмасдан, киши исми ўлароқ, туркий халқлар томонидан ҳам ўтмишда, ҳамда бугунги кунда қўлланилиб келаётганини айтиб ўтиш керак. VII аср ўрталарида Самарқандга элчи юборган Чагониён бошқарувчиси *twr'ntš* (Туронтош) исми сүғдий ёзуви Афросиёб (Самарқанд) деворий битигида сакланиб колган¹⁶. Шунингдек, “Турон” сўзи ўлка ва киши исми ўлароқ тарихий Турон ўлкаси – Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташиб ерлардан ташқари анча узоқда – Олтой тоғлари ва теварагида ҳам учраб, илк ўрта асрларга тегишли Иртиш дарёси ҳавзасидан топилган қадимги турк битигида *Alp-Turan* (Алп-Турон) исми ўрин олган. Бугунги кунда ҳам Олтой тоғлари яқинидаги бир шаҳар “Турон” деб аталади. Хитой йилномаларида эса *Ti-jüe* (Турк хоқонлиги) бошқарувчиларидан бири *Турон хоқон (*Дуланъ-хан*) ўлароқ тилга олинади¹⁷.

6. Хулоса

xwβ twrnyn “Турон ҳукмдори” ва *xwβ twrnyn x'y'n* “Турон ҳукмдори хоқон” сўзлари ўрин олган ушбу Самарқанд тангларидаги унвон ва ҳукмдор тасвири қадимги турклар билан боғлиқ бўлиб, ушбу танглар

¹³ Бу ер бугунги Туркманистоннинг жануби-гарбий худудидаги Сарахс тоб тизмалари-даги аҳоли масканларидан биридир.

¹⁴ Абу Райхон Беруни. Канон Мас'уда / Избранные произведение. V. Часть первая. Перевод и примечания Б. А. Розенфельда и А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1973. 466-б.

¹⁵ Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. 2009. № 14. 114-б.

¹⁶ Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975. 55-б.

¹⁷ Бичурин Н. Я. Собрание сведений ... I. 239-242-бетлар.

Турк хоқонлигига тўғридан-тўғрига бориб тақалади. Илк ўрта асрларда ёк “Турон” ва “Туркистон” атамалари деярли битта маънода кўлланила бошлаганидан келиб чиқилса, бу даврда Турк хоқонлиги учун қўлланилган номлардан бири “Турон” бўлгани ўз тасдигини топади. Устига-устак, ҳар қандай тангада ўрин оладиган сўзларнинг расмий макомга эга бўлишини кўзда тутадиган бўлсак, турк хоқонларининг ўз ўлкасини / давлатини “Турон” деб ҳам атаган бўлиб чиқади. Бошка томондан эса, чамаси ушбу тангалар Самарқанднинг ерли бошқарувчилари га тегишли бўлиб, ўз хўжайинлари бўлмиш турк хоқонлари номидан танга бостириб чиқарар экан улар билан боғлиқ сўзлар – “хоқон” ва “Турон” атамаларини кўллашни маъкул кўришган.

Демак, VI–VIII асрларда Самарқандда турк хоқонлари томонидан ёки улар номидан бостирилган сүфдий ёзуви мис тангаларда “Турон ҳукмдори хоқон” сўзларининг учраши ўз даврининг тарихий вокеликлари билан чамбарчас боғлиқ. Аслида туркийлар ўзлари яшайдиган ўлкаларни бошланғичда ўз она тилига мослаб “Турк эли” деб атаган бўлсалар-да, кейинчалик қўшнилари ва қўл остидаги ўзга этнослар таъсирида “Турон” ва “Туркистон” деб ҳам атай бошлаган дея оламиз. Қисқаси ушбу тангалардаги *twrnyn* сўзи *twrn* “Турон” ва сүфдийча тегишлилик қўшимчиаси – удан ясалган бўлиб (“Туроннинг, Туронга тегишли”), уни *xiw'* ва *x'y'n* сўзлари билан бирга “Турон ҳукмдори Хоқон” деб ўқилади. Чамаси бу ерда Турон, географик ва этносиёсий томондан “Турклар ўлкаси / давлати”ни англатган ва “Туркистон” атамаси сингари у Турк хоқонлиги учун ишлатилган. Бунинг негизида эса илк ўрта асрларда арман, сүфдий, форс каби туркийларга қўшни ёки улар билан ёнма-ён яшаган этносларнинг Турк хоқонлигини айрим ҳолларда “Туркистон” ёки “Турон” деб атаганлиги омили ётади. Бошка томондан эса Самарқанднинг ерли бошқарувчилари ўз ўлкасини “Турон” деб аташган бўлиб, уни тангаларда акс эттиришган, Турк хоқонлиги эса бу ерни ўз қўл остига олгач ушбу анъянани давом эттиришган, деб тахмин килса бўлади.

Оғиззат тинчларидек бозор даромади
(дев IV – NMQR нинжалар фов IV) қадетнег джо вицдалар

Эрсан Ҳодиёр боркесиунини тасвирини тутадиган тарихий изори
нисбадан жум тажрибада тутадиган тарихий изори
сюнниятни ташкидлабдишини тутадиган тарихий изори



а) Чочда зарб этилган Фарбий Турк хоқонлиги тангалари



б) Чоч Тегинлари (605-750) ва Чоч Тудунлари (640-750) сулолалари тангалари



с) Ашина сулоласининг Farhona тармоғи (630-750) тангалари



д) Суғд (Самарқанд, Панҷ) ҳукмдорликларининг туркий сулолаларига оид тангалар (VI аср иккинчи ярми – VII аср.)

1-расм. VI–VIII асрларга тегишли эски турк тангалари



1



2



3



4



5



6



7




8




9



2-расм. Эски турк бошқарувчилари тасвирлари: Афросиёб (Самарқанд, 1-2) ва Панжикент (3-4) деворий расмлари; “хокон”, “хотун” уйвонли Суғд (5-8) ва Чоч (9) тангалари (VI–VIII асрлар)



3-расм. VII–VIII асрларга тегишли эски туркча “хотун” (Кофири-калья / Самарқанд, 1-4) ва “хокон” (Панжикент 5а-б) унвонли муҳрлар



4-расм. Чочда бостирилган Farbii Turk хоконлиги тангалаидаги тасвиirlар (8-12, 16-20) Еттисув, Олтой, Мўгулистондаги топилмалар (1-7) билан якин ўхшашликка эга. Шимоли-Farbii Хитой (Ан-цзя, Михо) қабртошларида бўртма тасвиirlарда (13-15) эса турк-суғд амалдорлари акс эттирилган (расмларнинг асл ўлчамлари фарқ қилади).

Ғ. БОБОЁРОВ

“ТУРОН ҲУКМДОРИ ҲОҚОН” УНВОНЛИ САМАРҚАНД ТАНГЛАРИ (ИЛК ЎРТА АСРЛАР)

Илк ўрта асрларга тегишли Самарқанд тангаларининг бир қисми Фарбий турк ҳоқонлари билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқдир. Улар орасида ўнг юзида ҳукмдор боши тасвири, тескари томонида эса й шаклидаги тамға ва унинг атрофида сүғдий ёзувда *xw̪w / twrnyn / x'γ'n* «Туран ҳукмдори Ҳоқон» сўзлари ўрин олган тангалар ўз иконографияси, ёзув бичими (палеографияси) ва ўлчови (салмоғи, ўлчами, босилиш техникаси ва б.) айрича ажралиб туради.

Калим сўзлар: Самарқанд, илк ўрта асрлар, тангалар, сүғдий ёзувлар, тамға, рамз, эски турк унвонлари, ҳоқон, “Туран”, Фарбий Турк ҳоқонлиги, Сүғд, давлатчилик.

Г. БАБАЯРОВ

МОНЕТЫ САМАРКАНДА С ТИТУЛОМ «ТУРАНСКИЙ ПРАВИТЕЛЬ КАГАН» (РАННЕЕ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ)

Часть многочисленных типов монет, чеканенных в Самарканде в раннем средневековье, непосредственно связана с типами монет Западно-туркских каганов. Среди данных монет особо выделяются своей иконографией, палеографией и параметрами (вес, размер, техника изготовления и др.) монеты с изображением нагрудного портрета правителя на аверсе, а на реверсе тамга в форме й в окружении согдийской легенды, в которой заняло место выражение *xw̪w / twrnyn / x'γ'n* «Туранский правитель Каган».

G. BABAYAROV**THE COINS OF SAMARKAND WITH TITLES
“KAGHAN THE RULER OF TURAN”
(EARLY MEDIEVAL AGES)**

Among the most types of coins minted in Samarkand in the Early Middle Ages, mintages for some extent were directly or indirectly connected to the Western Turkic kaghans. These coins were distinguished with their iconography, paleography, and categories (volume, size, techniques of preparing) with the inscriptions of rulers face-portrait on the reverse part in the form of $\ddot{\gamma}$ surrounded by Soghdian legend, in which inscribed the statement as $xw\beta w$ / $tvrnyn$ / $x'\gamma'n$ “Kaghan the Ruler of Turan”.

Г. ТАНИЕВА

БУХОРОДАГИ ЭРНАЗАР ЭЛЧИ МАДРАСАСИ ҚУРИЛИШИГА КИМ ҲОМИЙЛИК ҚИЛГАН?

Бухородаги Эрназар элчи номли мадраса XIX аср бошида ёк кўпчиллик россиялик сайёхлар эътиборини тортиб келган. Бунинг ўзига яраша сабаби мавжуд. Мадрасанинг Россия императори Екатерина II маблаги хисобига бунёд этилганлиги ҳақидаги маълумотлар рус сайёхларида уни кўриш истагининг янада ошишига сабаб бўлган. XIX асрнинг охирида П. П. Шубинский берган таърифга асосан икки қаватли, 80 нафар талаба таҳсил оладиган Эрназар элчи мадрасасининг таъминоти унга вакф қилинган мулклар хисобидан қопланган.

Илмий адабиёт ва тарихий асарларда Бухородаги Эрназар элчи мадрасаси XVIII асрда Россия императори Екатерина II (1729-1796) томонидан қурилганлиги ва унинг бунёд этилиш тарихи Россияга бир неча бор расмий элчи сифатида ташриф буюрган бухоролик мохир дипломат, йирик савдогар ва элчи мулла Эрназар Максуд ўғли номи билан боғликлиги ҳақида кўп гапирилади.

Бизни қизиқтирган масала шуки, бу мадраса ҳақиқатан ҳам Екатерина II маблаги хисобига қурилганми ёки мулла Эрназар Максуд ўғли маблағи хисобигами, деган саволга жавоб топишдан иборат.

Аввало мулла Эрназар Максад ўғли шахси хусусида қисқача тўхталиш жоиз. Чунки унинг мадраса қурилиши учун етарли сармояга эга бўлганми ёки йўқлиги ҳақида аниқ хulosага келиш лозим бўлади. Мулла Эрназар Максад ўғлининг мадраса курдириш учун етарли миқдорда сармоя эгаси бўлганини куйидаги жиҳатлар тасдиқлайди. **Биринчидан**, у ўзининг таъбири билан айтганда, Бухоро, Хива, Ҳинд, Ҳурросон ва Россия империяси шаҳарларида 35 йил давомида савдо иши билан шуғулланган халқаро миқёсдаги йирик савдогар бўлган. **Иккинчидан**, маълумки, ўрта асрларда моддий имкониятга эга мусулмонлар ўз хисобидан муқаддас мозорлар, масжид, мадраса, хонақоҳлар фойдаси учун вакф ажраттган ёки курдириб савоб олишга ҳаракат қилган. Мулла Эрназар Максад ўғли ҳам, адабиётларда ёзилишича, зиёли, акли, тадбиркор ва ўз даврида Бухоронинг фозил кишиларидан саналган¹. Демак, у мад-

¹ Яковлев. Мулла, Ирназаръ Максютовъ, посланикъ Бухарский // Сибирский вестник. Ч-1. Спб., 1824. 7-10-бетлар.

раса қуриш учун ўз маблағини сарфлашга кодир юксак маънавият эгаси ҳам бўлган.

Энди Россия императори Екатерина II шахси хусусида тўхталсак. Унинг моддий имконияти хусусида тўхталишнинг ҳожати йўқ. Фақат унинг мадраса қурилиши учун маблағ эхсон қилишига нималар сабаб бўлганига доир айрим мулоҳазалар устида тўхталишга карор қилдик.

Бизнингча, Екатерина II бу мадраса қурилишига ҳомийлик қилишининг *иккита сабаби* мавжуд. Дастреб *биринчи сабаб* ҳакида тўхталсак. Екатерина II диний толерантлик асосида сиёsat юритиши Россия тараккиёти учун муҳим, дея хисоблаган. У Волга бўйига килган сафари вактида кўпмиллатли империя ҳудудида ижтимоий ҳавфсизликни саклаш учун диний толерантлик энг муҳим саналадиган йўл эканлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, 1730 йилдан бошлаб Россия ҳуқумати бошқа дин вакилларига, жумладан, мусулмонларга нисбатан муносабат масаласида кескин карорлар қабул қилган. Россиядаги мусулмон ва бошқа диндаги фуқароларни зўрлаб христиан динига киритиш сиёsatи оқибатида кўплаб масжидлар йўқ қилинган². Шу боисдан ҳам мусулмон жамоатчилиги Екатерина Ідан масжидларни қайтадан бунёд этиш учун рухсат берини сўрайди.

Император Екатерина II бу илтимосни бажонидил қабул қиласди ва Россия империяси ҳудудида янги масжидлар қурилишига шахсан рухсат беради. Бу орқали Екатерина II ўзидан олдинги ҳукмдорлар Анна Иоановна ва Елизаветта Петровналар томонидан бошқа дин вакилларини тазиқ остига олиш, таъкиб қилиш, зўрлаб христианликка ўтказишга доир юритган сиёsatидан воз кечади. Россияда биринчи жомеъ масжиди (хозирдаги Маржоний масжиди) ҳам 1770 йилда муҳожирлар сармояси хисобига бунёд этилади. Демак, Екатерина II ҳукмронлиги даврида бошқа диндаги фуқаролар, хусусан, мусулмонларнинг ҳам диний манфаатларини кўзлаб сиёsat юритган, масжидлар қурилишига рухсат берган. Шу нуқтаи-назардан унинг Бухородаги Эрназар элчи мадрасаси қурилишига ҳам ҳомийлик қилган бўлиши мумкин, дейиш учун асос бор.

Иккинчи сабаб эса Россия билан Ўрта Осиё савдо алокалари масаласи билан боғлик. Маълумки, бу даврда Россия ташқи савдо алокаларининг катта кисми Ўрта Осиё ҳонликлари хисобига тўғри келган. Бу икки ўртадаги савдо алокаларнинг деярли асосий кисми Ўрта осиёлик савдогарларининг саъй-харакати билан амалга оширилган. Шунингдек,

² Ибнгеева Г. Путешествие Екатерины II по Волге в 1767 году: узнавание империи / Ab Imperio. 2000. № 2. 87-97-бетлар.

Россиянинг татар миллатига мансуб мусулмон аҳолисининг ҳам бу савдо муносабатлари ривожида роли жуда катта бўлган. Буни англаб етган Екатерина II таҳтга ўтириши билан Астрахань орқали Хива ва Бухоро билан савдо алокаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади³. 1762 йилда Астраханда Рус савдогарларининг Хива билан савдо алокалари Компанияси ҳам айни шу мақсадда ташкил этилади. Бу иқтисодий манфаат Екатерина ІІнинг Россия шаҳарларига савдо иши билан қатнаган Ўрта осиёлик мусулмон савдогарларнинг диний манфаатлари билан ҳисоблашишига мажбур этган.

Эрназар элчи мадрасаси курилиши ҳакида маълумотлар берувчи илмий адабиётларнинг деярли барчасида унинг Екатерина II сармояси хибобига бунёд этилганлиги баён қилинади. Лекин улардаги бу маълумотлар тарихий асарлар ёки ҳужжатлардан эмас, балки ҳалқ орасида кенг тарқалган ривоятдан олинган. Хуллас, бу мадрасасининг иккала тарихий шахсдан қайси бири томонидан қурдирилгани масаласи бугунги кунгача тўлиқ илмий жавобини топмаган.

1882 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан жўнатилган элчилик миссияси таркибида Тошкентдан Бухорога келган В. В. Крестовский бу мадрасани кириб кўради⁴. У мадраса мударриси билан сұхбатлашиб, ундан Россия императори Екатерина ІІнинг қандай сабабга кўра бу мадраса курилишига ҳомийлик килгани ва асосчиси бўлгани ҳакида сўрайди. Мударрис бу саволга аниқ ҳеч қандай жавоб бермайди ва унинг бунёд этилиши ҳакида ҳалқ орасида тарқалган иккита ривоятни айтиб беради.

Бу ривоятлардан бирида айтилишича, “...жуда иқтисодий ночор ҳолда яшаган Эрназар эшон Бухорода бир мадраса қуришини ният қилиб юрар эди. У бутун умрини шу эзгу мақсадини амалга оширишига багишлайди ва узоқ ўйлар давомида китоб ёзиб, ваъз ўқиб ва хайр-эҳсон сўраб, ниҳоят маълум миқдорда маблаг тўплашига эришади ва қурилиши бошлайди. Лекин у тўплаган пуллар қурилишини тугаллашига етмайди. Шунда император Екатерина ІІ Бухоро элчисидан Эрназар эшон ва унинг бутун умри багишланган ушибу эзгулик ишига интилиши, лекин уни амалга ошира олмагани ҳақида тасодифан эшишиб, камбагал олимга ёрдам беришига қарор қиласди. Император Эрназар элчига бир ҳумча олтин жўнатади. Мана шу пулларга мадраса қурилиши тугалланади”⁵.

³ Веселовский П. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. От древнейших времен до настоящего. СПб., 1877. 228-бет.

⁴ Крестовский В. В. В гостях у эмира Бухарского. СПб., 1887. 343-бет.

⁵ Ўша жойда. 344-бет.

Мударриснинг В. В. Крестовскийга айтиб берган иккинчи ривоятида эса қуидаги фикрлар баён қилинади:

“1199 йилнинг шаъбон ойида (1784 йил) амир Маъсум Бухоро таҳтига ўтиргач, Эронга қарши Россия билан имтифоқ тузиш учун Эрназарни ўз элчиси сифатида Петербургга жўнатади. Император Екатерина эса Россия билан Бухоро ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шу йўл билан рус савдосига кенг имконият яратиш мақсадида, бу иш художсўй амирга жуда маъқул келишини англаган ҳолда, мадраса қурилиши ва таъминоти учун маблағ хайр-эҳсон қиласди”⁶.

Муаллиф бу ривоятларнинг кайси бирни ҳакиқатга яқинлиги учун етарли далиллари йўклигини айтиб, нима бўлганда ҳам бу мадрасанинг қурилишида Екатерина II катнашганлиги маълум, дея хуроса қиласди.

XIX асрнинг бошлари, яъни 1824 йилда мулла Эрназар Максуд ўғли шахси тадқиқ этилган Яковлев мақоласида ҳеч бир иккиланишсиз бу мадраса қурилишига императорнинг алоқаси мавжуд бўлгани ҳакида баён қиласди⁷. Унда 1774 йилда Екатерина II саройига элчи бўлиб келган мулла Эрназар Максуд ўғлининг ватанинига қайтиши вақтида императордан қимматбаҳо совғалар билан бирга Бухорода мадраса бунёд этиши учун катта микдорда маблағ ҳам тақдим этилгани ҳакида ёзилган.

XIX асрнинг охириларида россиялик тарихчи П. П. Шубинский ҳам бу мадрасанинг қурилиши тарихи ҳакида тўхталиб ўтади. Унинг ёзишича, ҳалқ орасида тарқалган гапларга караганда, Бухородан Россияга расмий элчи бўлиб келган мулла Эрназар Максуд ўғлига “марҳамат кўрсатиб, Россия ҳукумати учун қилган хизматларини тақдирлаши мақсадида” Бухорода мадраса қуриш учун маълум микдорда маблағ эҳсон қилинади⁸.

Бу маблағ миқдори ҳам адабиётларда турлича кўрсатилади. Масалан, 1824 йилда нашр қилинган Яковлев мақоласида у 4 минг рубль кумуш пул, деб кўрсатилган бўлса, 1897 йилда чоп этилган П. П. Шубинский мақоласида эса у “бир хумча олтин, яна бир ўринда 40 минг рубль деб таъкидланади⁹. Бизнинг фикримизча, адабиётларда Екатерина II томонидан мадраса қурилишига эҳсон қилинган маблағнинг турлича кўрсатилишининг сабаби бу далиллар ҳалқ орасида тарқалган маълумотлар асосида келтирилган.

П. П. Шубинскийнинг ўзи ҳалқ орасида тарқалган бу гаплар тарихий ҳакиқатдан йироқ, яъни Екатерина IIнинг ушбу мадраса қурилиши-

⁶ Ўша жойда.

⁷ Яковлев. Мулла, Ирназар Максютов... 7-бет.

⁸ Шубинский П. П. Бухарские посольства при дворе Екатерины II. СПб., 1897. З-4-бетлар.

⁹ Шубинский П. П. Бухарские посольства ... 4-бет; Яковлев. Мулла, Ирназар Максютов ... 8-бет.

га ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган хуносага келади. У Россия империяси Ташки сиёсат архиви фондидаги Эрназар Максуд ўғли элчилигига доир хужжатлардаги маълумотларга таяниб бундай хуносага келади. П. П. Шубинский архив хужжатларида ёзилганидек, бунга Эрназар Максуд ўғлининг Екатерина II саройига умуман бошқа масалалар юзасидан элчи сифатида келганлигини сабаб килиб кўрсатади. Лекин у асарида Эрназар Максуд ўғлининг элчилик фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиб, мадрасанинг ким томонидан курилгани борасида умуман тўхтамайди.

Кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда ҳам Эрназар элчи мадрасаси бунёд этилишида Екатерина Пнинг алоқадорлиги масаласида яна турлича фикрларга дуч келинади. Масалан, X. Гуломов, Д. А. Васильев ва А. Жуманазарлар унинг курилишига император катта микдорда маблағ ажратган, деб фикр билдиради¹⁰. Уларнинг барчаси ўзларидан олдинги тадқиқотлар ва илмий адабиётлардаги маълумотларга таяниб, шу хуносаларни берган.

Бизнингча эса мадраса Эрназар Максуд ўғлининг шахсий маблағига бунёд этилган. Лекин ҳалқ орасида Екатерина II унга маблағ ажратган, деган гапларнинг тарқалиши учун сабаб бўлган тарихий маълумотлар мавжуд. Гарчи, Россия империяси Ташки сиёсат архивида сакланаётган мулла Эрназар Максуд ўғлининг ҳар иккала элчилигига доир хужжатлар тўплами таҳлил килинганда ҳам мадраса курилишига эҳсон қилинган маблағ ҳақида умуман ҳеч қандай маълумотни учратмаган бўлсак-да, уларнинг айримлари бу ишда императорнинг алоқаси борлигига ишора қиласиди. Яъни уларни таҳлил қилиш жараённида ушбу масалага яқинроқ маълумотларга дуч келинди. Чунончи, архивда сакланаётган хужжатлардан бирида ёзилишича, Эрназар Максуд ўғли 1762 йилда Россия императоридан Бухорода эмас, балки савдо иши ёки ҳажга бориш ниятида Оренбургга келган бухоролик мусулмонларнинг ибодат қилиши учун бу ерда масжид куриш ишига маблағ ажратишини сўрайди¹¹. (хозирда бунинг учун маблағ ажратилгани ёки Оренбургда масжид курилгани ҳақида маълумотлар учрамади).

Бундан ташқари, ушбу архив хужжатларидағи тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, мулла Эрназар Максуд ўғли жуда кўп марта савдо

¹⁰ Гуломов X. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: Фан. 2005. 175-бет; Васильев А. Д. “Знамя и меч от падишаха”. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв). М., 2014. 100-бет; Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Академнашр, 2017. 375-бет.

¹¹ АВПРИ (Архив внешней политики Российской империи). Ф-109/1, Сношения России с Бухарой, опись-1, дело-2, Дело о постройке в Оренбурге мечети. Л. 5.

иши билан ҳамда расмий элчи сифатида Россия императорлари хузурида бўлган. Яъни у савдо иши юзасидан Елизавета Петровна (1741-1761) саройида, 1762 йилда расмий элчи сифатида қозок хони Нуралихон номидан Петр III хузурида, 1774-1775 йилда биринчи марта, 1779-1780 йилда иккинчи марта Бухоро хони номидан Екатерина II (1762-1796) саройида бўлган. Россия империяси Ташқи сиёсат архиви фондида 1762 йилнинг 6 июнида Россия Ташқи ишлар коллегияси канцеляриясида рўйхатта олинган бир ҳужжатда ёзилишича, у 1745 йилдан бошлаб, узок йиллар давомида Россияга савдо иши билан қатнаб келган ва императорларнинг топшириғига бинаоан “ҳаёти ва маблагини аямасдан” Бухоро, Хинд, Хурросон ва бошқа хавфли жойларда бўлган ва уларнинг буюртмаларини келтириб берган¹². Яъни у 35 йил давомида ҳатто умрининг охиригача Россия императорлари, айникса, Екатерина II билан савдо иши юзасидан фаол ҳамкорлик қилиб келган.

Баъзан Эрназар Мақсуд ўғли сарфлаган шахсий маблағларини тўлиқ қайтариб ололмаслик ҳолатлари ҳам кузатилган. Бу ҳақида яққолроқ тасаввурга эга бўлиш учун Россия империяси ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида куйидаги ча жадвал тузилди. Унга факат Эрназар Мақсад ўғли ўз маблағларини давлат хазинасидан тўлаб беришни сўраб қилган мурожаатларидаги айрим маълумотларнигина киритдик.

№	Қачон сарфлаган	Эрназар Мақсад ўғли сарфлаган маблағлар	Нима учун сарфланган ёки йўқотилган	Император қайтарган маблағлар	Қайтарилмаган маблағлар
1.	1763 йилда	28 минг 300 рубль	Қарокчилар тортиб олган	26 минг рубль (1765й)	2 минг 300 рубль
2.	1774-1775 йилларда	10 минг 50 рубль	21 нафар рус кулларини харид килиш учун	----	10 минг 50 рубль
		11 минг рубль	Ложувард тошлари хариди учун	----	11 минг рубль
3.	1775 йилда	80 минг рубль	- 14 та от учун-8 минг рубль; - 117 пуд ложувард тошлари учун 40 минг рубль; - бошка турли моллар учун 8 минг 700 рубль - у билан келган 60 кишининг йўл харажатлари	----	----

¹² АВПРИ. Ф-109/1, Сношения России с Бухарой, описание-1, дело-2, Дело по прошениям Бухарца Максютова о дозволении Бухарцам ездить в Мекку через Астрахань. Л. 4-5.

Хусусан, жадвалдаги маълумотлар 1780 йил июнъ ойида элчи Эрназар Максуд ўғлининг Екатерина IIга маблағларини қайтаришни сўраб килган мурожаат хатларидан олинди¹³.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Екатерина II Эрназар Максуд ўғлига ҳеч қандай карзларини қайтармаган, деган хulosha келиб чикмаслик керак. Ҳозирча топилган маълумотларга қараганда, у 1765 йилда жадвалда кўрсатилган 26 минг рубль миқдордаги маблағни элчига қайтарган. Шунингдек, 1776 йилнинг 19 декабрида Екатерина II Эрназар Максуд ўғлининг Каспий орқали савдони ривожлантириши учун 5 йил муддатга 10 минг рубль миқдоридаги моллар билан божсиз савдо килишига рухсат беради. Ҳатто император унга Каспий денгизида савдо килиши учун битта “казенний” кема ҳам совға килади¹⁴. Бизнинг назаримизда, Екатерина II Эрназар Максуд ўғлига қайтариши лозим бўлган карзларининг накд пулда бўлишини хоҳламаган кўринади. Эҳтимол шу боисидан қарзлари эвазига Эрназар Максуд ўғлига бундай совға бериб, савдо учун қулай имконият бергандир. Эрназар Максуд ўғлига эса савдо ишининг ривожи учун, ўзи шикоят қилганидек, накд пуллар лозим бўлган.

Эрназар Максуд ўғлининг Екатерина II билан ҳамкорликда бажарган, қуйида айтиб ўтиладиган ана шундай савдо операцияларидан бири биз ўрганаётган масалага тегишли саналади. Яъни 1772 йилда Эрназар Максуд ўғлига Россия ҳукумати томонидан Ўрта Осиё шаҳарларида бўлган бир қанча рус миллатига мансуб кулларини қайтариб олиб келиш топшириги берилган эди. 1775 йилда у ўз маблағидан 10 минг 50 рубль сарфлаб шундай куллардан 21 нафарини сотиб олиб, уларнинг барча йўл харажатларини ҳам ўзининг хисобидан коплаб, Россияя олиб келади¹⁵. Шунингдек, яна ўзининг хисобидан 11 минг рубль маблағ сарфлаб Екатерина II буюртмасига асосан қимматбаҳо тошлар харид килган эди. Екатерина II фойдаси учун килинган мана шу харажатлар пули, яъни карз Эрназарга умрининг охиригача ҳам қайтарилимаган.

Қискаси, Эрназар Максуд ўғли 1774-1775 йилдан то умрининг охиригача, яъни 1780 йил декабригача 21 минг 50 рубль миқдордаги қарзларини қайтариб олиши учун Екатерина IIга кўп марта мурожаат қилган. Архив хужжатларида айтилишича, элчи юкоридаги жадвалда қайд қи-

¹³ АВПРИ. Ф-109/2, Сношения России с Бухарой, описание-2, Р. II. дело-3. Второе посольство мулла Ирназара Максютова от Бухарского хана Бегадура.

¹⁴ АВПРИ. Ф-109, Сношения России с Бухарой, описание-2, Р. I. дело-3. Первое посольство Бухарского муллы Ирназара Максютова от Бухарского хана Абулгази Мугамед Бегадура. Л. 129.

¹⁵ АВПРИ. Ф-109/2, Сношение России с Бухарой. Опись-2, д-3. Второе посольство мулла Ирназара Максютова от Бухарского хана. Л. 1-2.

линган 1763 йилдаги қарзларини қайтиб олиш учун пойтахтда икки йил давомида яшаганини ёзди. Ҳатто у 1775 йилда пулларини олиб қайтиш учун укаси Авазберди Максуд ўғлини Санкт Петербургда қолдиради. Лекин тарихий маълумотлардан аён бўлишича, бу иш ҳам фойда бермаган. Чунки архив ҳужжатларида ёзишилича, Эрназар Максуд ўғли вафотидан бир-икки ой олдин, яъни ҳажга кетаётганида ҳам Екатеринага хат ёзиб, бу маблағларини қайтаришини илтимос қилади. У хатда Иван Петрович исмли шахс номига ишонч хати қолдирганини, пулларни ундан олишини ҳам баён қилади¹⁶. Демак, Эрназар Максуд ўғли умрининг охиригача Екатеринадан пулларини қайтиб ололмаган.

Бу каби тарихий маълумотларни таҳлил қилиб шундай хulosага келинди. Эҳтимол, Эрназар Максуд ўғли ана шундай қарзлари хисобига Екатеринадан олган маблағига мадрасас қурдиргандир. Балки шунинг учун ҳалк орасида мадрасанинг Екатерина маблағига ёки эҳсони эвазига бунёд бўлган, деган гаплар тарқалгандир. Бу бизга номаълум.

Лекин бизнинг хulosamизга кўра, Эрназар элчи мадрасаси мулла Эрназар Максуд ўғлининг шахсий маблағи хисобига бунёд этилган. Куйидаги жиҳатларга асосланиб шундай хulosага келинди: *Биринчидан*, “мадраса курилиши учун ажратилган” деб кўрсатилган маблағнинг миқдори билан 1775 йилда Екатерина II учун келтирилган ложувард тошлар хариди учун Эрназар Максуд ўғли сарф қилган маблағнинг миқдори бир хилдир, яъни 40 минг рублни ташкил этади¹⁷. Эрназар Максуд ўғли Москвадан (элчи бўлиб турган вақтда) 1780 йилнинг июнь ойида Маккага кетиши олдидан Екатерина IIдан бошқа қарзлари қаторида бу суммани ҳам қайтаришини сўраган эди.

Иккинчидан, юкорида айтиб ўтилганидек, мулла Эрназар то вафот эттунга қадар ҳам Екатерина IIдан айрим қарзларини (21 минг 50 рубль) ололмаган. Буни 1780 йилнинг декабрига оид тарихий маълумотлар тасдиқлайди¹⁸. Унга кўра, Россия пойтахтидан Макка сафарига отланган элчи Эрназар Максуд ўғли 1780 йилнинг 18 декабрида Екатеринадан 21 минг 50 рубль маблағини қайтариш учун ишонч хати бериб вакил қолдиради. Эрназарнинг ўзи эса орадан хеч канча вақт ўтмасдан, 1781 йилнинг бошида ҳажга кетишида Коняд (Туркияда) вафот этади. Демак, Екатерина Эрназар Максуд ўғли ҳали ҳаётлик вақтида унинг айрим қарзларини

¹⁶ АВПРИ. Ф-109/2, Сношения России с Бухарой, описание-2, Р. II. дело-3, Второе посольство мулла Ирназара Максютова от Бухарского хана Бегадура. Л. 61, 76.

¹⁷ АВПРИ. Ф-109/2, Сношения России с Бухарой, описание-2, Р. II. дело-3, Второе посольство мулла Ирназара Максютова от Бухарского хана Бегадура. Л. 64.

¹⁸ АВПРИ. Ф-109/2, Сношения России с Бухарой, описание-2, Р-VIII, д-24. Дело о приезду Петербург Бухарского посланника Ирназар Максютова. 18 октябрь 1779 г. 22 сентябрь 1780. Л. 17, 23.

қайтармаган. Сўраган пулларини қайтармасдан Эрназар Мақсуд ўғлига мадраса куриши учун катта маблағ эҳсон қилиши мантиққа түғри келмайди. Шунинг учун Яковлев, А. Жуманазаровлар асарларида Эрназар элчи ватанига Екатерина эҳсон килган маблағ билан қайтиб, уни мадраса курилишига сарфлаган, дея қайд этилган фикр унчалик түғри эмас.

Учинчидан, мадраса курилиши учун сарфланган маблағлар Эрназар элчининг хизматлари эвазига Екатерина IIдан эҳсон сифатида берилган, деб фараз килайлик. Шунга кўра хуоса қиласиган бўлсак ҳам мадрасани мулла Эрназар Максуд ўғли ўз хисобидан курдирган, дейиш мумкин бўлади. Чунки кимгадир эҳсон килинган пуллар фақат ўша шахсга тегишли бўлиб, уни ўз ҳохишига кўра тасарруф этишга ҳақли саналади.

Яна бир жихатни эътибордан кочирмаслик лозим бўлади. Мадраса курилган йили борасида ҳам адабиётларда турлича сана кўрсатилади. Масалан, Абдусаттор Жуманазар асарида унинг курилган вақти, таҳминан, 1794-1795 йиллар, дея кўрсатилади¹⁹. Лекин В. В. Крестовскийнинг мадраса мударрисидан эшитган маълумотига кўра у 1784 йилдан бўён фаолият юритиб келган. Қизиги шундаки, мулла Эрназар 1781 йилда вафот этган эди. Агар адабиётлардаги маълумотларга қарасак, демак, мадраса Эрназар Мақсуд ўғлининг вафотидан кейин бунёд этилган бўлиб чиқади.

Агар шундай бўлса, Екатерина II унинг пулларини вафотидан кейин қайтарган бўлиб чиқади. Бизнингча, Эрназар Мақсуд ўғлиниң вафотидан кейин унинг пуллари икки хил йўл билан Бухорога келтирилган бўлиши мумкин. **Биринчи йўл**, Эрназар Мақсуд ўғли Россиядан Макка томонга сафарга чиққанда Мухаммад Шариф исмли ўғли билан бирга эди. У отасининг вафотидан кейин ўзи Маккага бориб ҳаж амалларини бажариб бўлгач, 1783 йилда яна Москвага қайтади²⁰. Мухаммад Шарифга Истамбулда усмонийлар давлати вазири номидан ёзилган тавсияномада Россия хукуматидан унинг ватанига қайтиб кетиши учун ёрдам бериш сўралган эди. Демак, Эрназар элчининг ўғли Мухаммад Шариф Россияда қолиб кетмаган ва Бухорога қайтган. Эҳтимол, у Екатерина II дан отасининг пулларини қайтариб олиш мақсадида ҳаждан қайтишида атайин Москвага боргандир. Балки у бу маблағни Бухорога олиб қайтган ва унинг эвазига отаси номи билан аталадиган мадраса курдиргандир. Ёки бу маблағни отаси куриши бошлаган мадрасани битказиши учун сарфлаган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақида ҳозирча аниқ маълумот то-пилмади.

¹⁹ Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. 376-бет.

²⁰ Васильев А. Д. "Знамя и меч от падишаха"...107-бет.

Иккинчи йўли – Эрназар Мақсуд ўғлининг пулларни унинг укаси Авазберди Мақсуд ўғли Бухорога қайтариб олиб келган ва мадраса курдирган, деб ҳам тахмин қилиш мумкин. Чунки архив ҳужжатларида ёзилишича, у ҳам Эрназардан кейин, яъни 1781 йил июнида Москвадан 21 нафар ҳамроҳлари билан Маккага йўл олган²¹ ва 1782 йилнинг ноябринда хаждан қайтишда яна Санкт Петербургга борган.

Хулоса қилиб айтганда, Эрназар Мақсуд ўғлининг Екатерина IIда колган пуллари қайтарилган ёки қайтарилмаганидан қатъий назар, агар қайтарилган бўлса, кимга ва качон берилганига қарамасдан, мадраса хатто эҳсон ҳисобига курилган бўлса ҳам унга Эрназар Мақсуд ўғлининг маблағи сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида 1884 йилга доир бир нечта ҳужжатларда Россия ҳукумати томонидан Эрназар элчи мадрасаси таъминоти учун 7000 олтин полуимпериал миқдорида маблағ ажратилгани ҳақида маълумот қайд этилган. Лекин уларда нима учун мадраса таъминоти учун маблағ ажратилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган²². Бу маълумот ҳам мадраса қурилишига оид яна бошкacha тахмин қилишга ундейди. Балки бу пуллар Екатерина IIning Эрназар Мақсуд ўғлига қайтариши лозим бўлган қарзлари бўлиб, у кечиктириб бўлса-да, Бухорога келтирилгандир. Бу ҳақдаги тахминларга келгусида бажариладиган тадқиқотлар давомида ойдинлик киритиш мумкин.

²¹ АВПРИ. ф-109, Сношения России с Бухарой, описание-2. Р-VIII, д-11. Дело о пропуске в Мекку Бухарца Ав. Максютова. Л. 1, 26.

²² ЎзР МДА. Ф.И-5, Канцелярия начальника Зеравшанского округа., описание-1, д-1475, О выдаче 7000 золотых полуимпериалов полковнику Булацелю высочайшие назначенных на поддержание в Бухаре медресе Ирназар – Илчи. 1884. Л. 1.

Г. ТАНИЕВА

БУХОРОДАГИ ЭРНАЗАР ЭЛЧИ МАДРАСАСИ ҚУРИЛИШИГА КИМ ҲОМИЙЛИК ҚИЛГАН?

Ушбу мақолада адабиётлардаги Бухорода XVIII асрда бунёд этилган Эрназар элчи мадрасасининг курилиши учун ким томонидан маблағ ажратилгандыгы масаласига доир айрим илмий мулоҳазалар таҳлил килинади. Шунингдек, унда Россия империяси Ташқи сиёсат архиви (АВПРИ) хужжатларидағи масалага оид тарихий маълумотлар биринчى марта илмий муюмалага киритилиб, шулар асосида хулосалар берилган.

Калим сўзлар: мадраса, Екатерина II, мулла Эрназар Мақсуд ўғли, эҳсон, мусулмон, савдо, ҳаж, элчи.

Г. ТАНИЕВА

КТО БЫЛ СПОНСОРОМ СТРОИТЕЛЬСТВА МЕДРЕСЕ ЭРНАЗАРБИЯ В БУХАРЕ?

В данной статье анализируются некоторые научные соображения о том, какие средства были выделены на строительство медресе Эрназара в Бухаре в XVIII веке. Кроме того, впервые в научное исследование были включены выводы об исторических данных на основе документов архива внешней политики Российской Федерации (АВПРФ).

G. TANIYEVA

WHO WAS A SPONSOR OF CONSTRUCTION MEDRESE ERNAZARBIA IN BUKHARA?

This article analyzed some scientific considerations about what funds were allocated for the construction of the Madrassah of Ernazar in Bukhara in the XVIIIth century. In addition, for the first time in the scientific study, were included conclusions on historical data basis of the documents of the Foreign Policy Archive of the Russian Federation (AVPRF).

А. ЗАМОНОВ

БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ЙИРИК ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ҚУЛБОБО КЎКАЛДОШ

Давлатчилик тарихида ёрқин из қолдириб, марказлашган давлат бунёд этган хукмдорларнинг муваффакиятли фаолиятида кўп ҳолларда уларнинг ёнида бўлган донишманд уламолар, истеъододли ва жасур саркардалар ҳамда оқил, доно, узокни кўра билувчи амалдорлар мухим ўрин тутган¹.

Кўкалдош² мансаби бирор бир даврда Абдуллахон ибн Искандархон (1557-1598) давридагидек юқори даражада бўлмаган. Бунинг боиси, мазкур хон даврида кўкалдош даражасига эга шахснинг бошқаларга нисбатан уддабуронлиги, ҳакпарвар сиёsat олиб борганилиги, донолиги ва мохир саркарда бўлганлиги билан боғлик эди. Бу даврнинг фаол кишиларидан бири бўлмиш Қулбобо Кўкалдош (1534-1598)нинг шахсий фаолияти ушбу мансаб нуфузининг ниҳоят даражада ортишига сабаб бўлган. Тарихий манбаларда унинг 1556 йилдан бошлаб Бухоро хонлигининг хукмдори билан биргалиқдаги сиёсий фаолияти бошланганлиги тилга олинади³. Ҳофиз Таниш Бухорий (1540-1589)нинг “Абдулланома”

¹ Мансабларга тайинлаш бўйича алоҳида дастур ва катъий белгиланган низомлар мавжуд бўлмаган. Шунингдек, ҳар бир мансаб эгасининг хукмдорга якинилиги, иктидори ва шахсий кобилиятининг юқорилиги даражасига боғлик тарзда у эгаллаган мансабнинг нуфузи ва функционал вазифалари ортиб борган. Темурйлардан Ҳусайн Бойкаро давлатида Алишер Навоийнинг нуфузи баланд бўлганлигидан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият у тифайли нисбатан барқарор ҳолатга келган. У 1469-1472 йилларда муҳрдор лавозимида ишлаган давр мобайнида мазкур лавозимнинг нуфузи анча кўтарилган. Бухорода аштархонийлар хукмронлиги (1601-1756)нинг сўнгига Муҳаммад Ҳакимбий фаолияти боис қўшибеги мансаби мавкеининг ортиши, Кўқон хонлигига XIX аср ўрталаридан Муслмонкул сабаб мингбоши лавозими нуфузининг ортиши ҳам фикримиз далилидир.

² Кўкалдош – эмикдош биродарлар, яъни бирор доя (энага)ни унинг ўғли билан биргалиқда эмган бегона бола. Шунга кўра, подшоҳнинг эмикдош биродарига “Кўкалтоҳон” деган лақаб берилган. Кўкалдош истилоҳи, “Фиёс ул-луғат” (“Луғатлар мададкори”)да айтилишича, туркӣ “кўқа” (“энаганинг ўғли”) ва “тош” ёки “дош” (“шерик”) сўзларидан иборатdir. Бу икки сўз орасидаги “л” ҳарфи эса кейинчалик қўшилиб колган бўлиб, илгари бўлмаган. “Кўқа” (“ака”) сўзи ҳозиргача қозоқ тилида кўлланилиб келади. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда, хусусан, Бухоро хонлигига мамлакат ички хавфсизлигини тъъминлаш ишлари билан шугулланувчи амалдор.

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. / Форс тилидан С. Мирзаев таржими. Илмий мухаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи Б. Аҳмедов. Тошкент: Шарқ. 1-китоб, 1999. 120-б.

асарида табиий равища, энг кўп Абдуллахоннинг номи тилга олинган бўлса, ундан кейинги ўринда хоннинг энг яқин одами сифатида Қулбобонинг номи 120 дан зиёд ўринларда қайд килинади. Асарда Қулбобо Кўкалдош “умдат ул-мулк” (подшолик таянчи), “рукнуд давла” (давлат устуни), “салтанат мададкори”, “салтанат ишончи”, “низом ул-давла” (давлат низоми), “Низомиддин Кўкалдош”, “садр ул-аном” (инсонлар садри), “рукни жаноб”, “жаноби аморатпаноҳ” (амирлар панохи), “олий давлат билаги” фахрий номлари ҳамда “кудратли амир”, “тадбирли амир”, “авомнинг мурожаатгоҳи”, “адолатнишон амир”, “шижоатли амир”, “аторудмисол⁴ амир”, “халк бошлиғи”, “саодатпаноҳ”, “хоннинг хос суҳбатдоши”, “сардор нишонли амир”, “яхши хислатли амир”, “иззатли улуф бошли амир”, “фазл эгаси” каби сифатлар билан улуғланган.

Кулбобо Кўкалдош Абдуллахоннинг энг яқин амирларидан ва ишончли ходимларидан бири бўлган. Манбаларда Абдуллахон сиёsat майдонига чиққан 1551 йилда унинг атрофида Кулбобо Кўкалдош бўлган-бўлмаганлиги хусусида бирор бир маълумот учрамаса-да, лекин бўлажак хоннинг ишончли таянчларидан бири бўлиб хизмат қилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳлик беришича, унинг хон хизматидаги дастлабки ҳарбий-сиёсий фаолияти 1556 йил Амударё бўйида Султон Саъид⁵ ва Дўстим султон⁶ иттифокли гидаги Фараб жангига кўрсатган жасорати билан боғлиқ⁷. Шу даврдан бошлаб Кулбобо Абдуллахоннинг деярли барча юришларида иштирок этган ва энг садоқатли амир сифатида кўплаб муҳим топширикларни бажарган. XVI асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кулбобо Кўкалдош “Амири кабир” (катта амир) дея аталиб, Абдуллахон юришларида асосий саркардалардан бири сифатида намоён бўла бошлади (“Абдулланома” маълумотларига кўра, унга қадар ҳарбий ҳаракатларга амир Жон Алибий етакчи). Кўп ҳолларда ҳарбий юришлар чоғида қўшиннинг илғорига Кулбобо тайинланиб, олдиндаги вазиятни ўрганиш, разведка килиш ва белгиланган тартибида мустақил равища жангга кириш вазифаларини бажарган⁸. У ҳарбий саркарда сифатида нафакат қўшинни бошқариш,

⁴ Аторуд – Юпитер сайёраси.

⁵ Султон Саид ибн Абу Саидхон ибн Кўчкунчихон 1557-1572 йилларда Самарканд хукмдори.

⁶ Тошкент хони Наврӯз Аҳмадхоннинг ўғли.

⁷ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 120-б.

⁸ Муҳаммадёр ибн Қатаган. Мусахир ал-билод. / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И. Бекжонов, Д. Сангирова. Тошкент: Шарқ, 2009. 265, 276, 306, 322, 340-б.

балки стратегик режалар тузиш, тактик манёврларни ишлаб чиқишида ҳам мохир лашкарбоши бўлган. Шунинг учун ҳам, хон чакирган ҳарбий кенгашларда кўкаaldoш накибдан кейин, иккинчи бўлиб ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлган⁹. “Абдулланома”да Абдуллахоннинг Кулбобо хусусида “Кимки Кулбобо Кўкаaldoшдек яна икки кишиси бўлса, ҳар вакт унинг тиришқоқлиги билан ернинг тўрт бурчагини олиши мумкин”¹⁰, деган таърифи ҳам бу шахснинг ҳарбий маҳоратига берилган баҳодир.

Кўкаaldoш мансаби даргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, унга топшириладиган вазифалар ҳам шу қадар нозик ва масъулиятли бўлган. Мазкур мақомга эга шахснинг вазифаси мамлакатда олий хукмдор олиб бораётган сиёсатнинг дахлсизлиги, унга кишиларнинг муносабатлари билан боғлик юмушлардан иборат эди¹¹. Шу асосда, Кулбобо Кўкаaldoшга асосан, ўта нозик ва маҳфий вазифалар топширилган. Хусусан, 1561 йил Бухоронинг расмий хукмдори, Балх ҳокими Пирмуҳаммаммаднинг¹² таклифига кўра Абдуллахон амакисига Бухорони бериб, ўзи Балхни қабул қилиб олиши кераклиги ҳакидаги келишув бўлган. Абдуллахоннинг ишончли вакили сифатида Кулбобо Бухорога бориб, Абдуллахоннинг оиласи, яқинлари ва хазинасини Балхга кўчириши белгиланган¹³. 1583 йил Бухоро хони Искандархон (1561-1583) вафот этгач, Абдуллахон отаси таҳтини эгаллайди. Чингизий анъанага кўра, уни оқ наматга ўтказиб, давлатнинг тўрт устуни бўлган тўртта шахс – Жўйборий Ҳожа Саъд, Юсуфхожа накиб, Кулбобо Кўкаaldoш ва Турдикахонлар кўтариб бориб таҳтга чиқаришган¹⁴. Абдуллахоннинг таҳтни расмий равишида эгаллаган даврларида мамлакатнинг асосий устунларидан бирига айланниб улгурган Кулбобо кейинчалик, мамлакат хавфсизлиги ва тарақкиётида муҳим ўрин тутиб борди.

Кулбобо Абдуллахоннинг худудларни эгаллаш ва уни мустаҳкамлаш ишларида асосий таянчи ва суюнчига айланди. Бундан ташкари, ўзаро курашларда асир тушган шайбонийлар сулоласига мансуб шахзодалар ишончли ва хавфсиз бўлиши учун айнан Кулбобо кўлига топширилган¹⁵. Шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳәётида алоҳида мавқега

⁹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 327-б.

¹⁰ Мұхаммад ёрибн Қатған. Мұсақхир ал-білод. 276, 298-б.

¹¹ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарқ, 2000. 244-245-б.

¹² Абдуллахоннинг амакиси, 1557-1561 йилларда Мовароуннахрнинг олий хукмдори.

¹³ Мұхаммад ёрибн Қатған. Мұсақхир ал-білод. 260-б.

¹⁴ Мұхаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. / Ўзбек тилига таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ф. Каримий, Э. Миркомилов. Тошкент: Мовароуннахр, 2016. 152-б.

¹⁵ Мұхаммад ёрибн Қатған. Мұсақхир ал-білод. 314-б.

эга бўлган шайх ул-исломларнинг кутиб олиниши ва жойлаштирилиши¹⁶, ҳарбий стратегияда мухим роль ўйнаган ўт очар куроллар – тўп, тўфанг, арродаларни бир жойдан бошқа жойга элтиш ва саклаш¹⁷, худудларни жангсиз эгаллаш мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш¹⁸, йирик давлат мансабдорларининг ишларини тафтиш килиш ва жазога юбориши¹⁹ сингари энг нозик ҳамда масъулиятли вазифалар Кулбобо зиммасига юкланган. Абдуллахоннинг ҳузурига кириши мумкин бўлган элчилар, шахзодалар, амалдорлар ва ҳатто, вилоятлар ва мамлакатлардан келган ҳатлар, совға-саломлар ҳам Кулбобо назоратидан кейин, унинг восита-чилиги билан хон ҳузурига киритилган²⁰. Манбаларда ҳукмдорнинг қарорларини мухокама қилиш мумкин бўлмаган шароитларда ҳам, барча амирлар номидан Кулбобо гапириш ҳуқуқига эга бўлган вазиятлар кўп учрайди²¹. Баъзида ҳукмдорларнинг таъбига маъкул келмайдиган, шу билан бирга адолатли бўлган айрим тавсия ва маслаҳатлар мамлакат раҳбарига энг яқин одам томонидан айтилиш ҳолатини накиб мансабидаги шахслар, Жўйборий уламолар мисолида кўриш билан бир қаторда, Кулбобо Кўкалдош ҳам шундай салоҳият эгаси бўлганлигини таъкидлаш лозим. Манбаларда келтирилишича, Абдуллахон унинг ишончли давлат устуни эканлигини шундай таърифлайди: “Агар Кулбобога ўхшаб ишларни интизомга ҳамда жамиятнинг ахволини тартибга солишга тиришадиган яна бир киши бўлса эди, ҳар вақт қудратли давлатнинг кучи билан оламни жаҳонгир кўлига тадбир куличига оларди”²². Шунинг учун ҳам Кулбобо юкори даражали мансаб – кўкалдошликка эга бўла туриб, давлат девони ва даргохнинг ихтиёри унга юкланган. Девони мушрифга раҳбарлик қилиш, айрим мулкларнинг тақсимоти, вилоятларнинг мухим ишларини ҳал қилиш, маҳаллий ҳокимлар билан ёзишмалар олиб бориш унга топширилган эди²³. Абдуллахон даврида хон даргоҳидаги кўпчилик мансаб эга-

¹⁶ Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н. Йўлдушев. Бухоро: “Бухоро”, 2003. 271-272-б.

¹⁷ Мұхаммадәр ибн Қатаган. Мұсаххир ал-білод. 328-б.

¹⁸ Ўша асар. 332, 372-бетлар. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. / Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳакимжонов таржимаси. Илмий муаррир, нашрға тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Ахмедов. Тошкент: Шарқ, 2-китоб, 2000. 157-б.

¹⁹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 354-бет.

²⁰ Ўша асар. 363, 372-бетлар; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. 2-китоб. 31, 45-б.

²¹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 245-б.

²² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 299-б.

²³ Ўша жойда.

лари ўз лавозимларига кўкаaldoш тавсияси билан эришган эди²⁴. 1581 йил отаси вафот этгач, Кулбобо кўкаaldoш унинг садр лавозимини эгаллаган²⁵. Шу вактдан бошлаб у “Садр ул-аном” (инсонлар садри) фаҳрий номи билан атала бошлади ва бир вактнинг ўзида кўкаaldoш, амир ул-умаро, девони мушриф, садр унвонлари билан мамлакат бошқарувида катта мавқени қўлга киритди. Кулбобога давлат миқёсида бу даражада кенг ваколатларнинг берилишини Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахоннинг Кулбобога нисбатан муносабати мисолида шундай келтиради: “Онҳазрат ҳар қандай умумий ва жузъий ишларда унинг ратьи шарафига заррача ҳам зидлик кўрсатмаган эдилар ва буюк вазирлар унинг олий остонасини ўзларига мурожаатгоҳ ҳамда паноҳ билардилар. Ул садоратпаноҳ зот ҳар куни де-вонда ўлтириб, ҳалқ ишини интизомга солмоқда, қозилар ва даъвогарлар, хосу омм ва раъийят ўргасида адолат билан иш юргизмоқда эди”.

1588 йил март ойида Абдуллахон томонидан Ҳирот босиб олингач, Кулбобога мазкур вилоят ноиблиги ҳам топширилади²⁶. 1592 йил Сафавийлар давлати Хуросондаги Тун ва Табос шаҳарларини босиб олиш учун хужум қилганида Кулбобо Кўкаaldoш ва Динмуҳаммад Султон кизилбошлиларни мағлубиятга учратган²⁷.

Кулбобо Кўкаaldoш ўз даврининг саводхон кишиларидан бўлиб, у шоирлар, олимлар ва санъаткорларни жуда қадрлаган ҳамда уларга ҳомийлик қилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, “подшоҳлик ва мамлакат ишларига шу қадар машғул бўлса ҳам, мансаб ва мустакилликнинг савлатига қарамасдан, фозил ва олимлар билан сұхбат куради ва уларни нихоятда хурматларди”²⁸. Ҳарбий юришлардан қайтганда, масжид ва мадрасаларга тури шаклдаги эҳсонлар юбориб турарди²⁹. Ўзи ҳам шоирликда ном чикариб, “Муhibbий”³⁰ тахаллуси билан шеърлар ёзган.

²⁴ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-китоб. 5-б. Кейинчалик, 1598 йил мамлакат таҳтини эгаллаган Абдулмўмин отасининг энг яқин одами сифатида Кулбобони катъ этирган ва доргоҳдаги кўплад мансаб эгалари лавозимидан озод этилган, айримлари кувғин қилинган. Бунга сабаб уларнинг кўпчилиги Кулбобо Кўкаaldoшга содик бўлган, унинг тавсияси билан мансаб пиллапояларига кўтарилган шахслар бўлганлиги, эҳтимол.

²⁵ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-китоб. 47-бт.

²⁶ Ўша асар. 262-бет.

²⁷ Ражабов К., Иноятов С. Бухоро тарихи. Тошент: Tafakkur, 2016. 259-б.

²⁸ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-китоб. 48-б.

²⁹ Манбаларда 20 минг хоний тангани Самаркандга, 15 минг хоний тангани Балх тала-баларига юборганилиги ва ҳ.к. каби маълумотлар учрайди. Қаранг: Мұхаммад ер ибн Қатған. Мусахир ал-билод. 348-б.

³⁰ Мазкур тахаллуснинг ўзаги бўлган “муhib” сўзи араб тилида севувчи, дўст тутувчи, муҳлис маъноларини англатади.

Бу ҳақда Мутрибий Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида шундай ёзади: “Бу амир уламо, фузало ва шуаронинг муҳиби, яъни уларни севувчи ва ўзи ҳам улар муҳаббатига сазовор бўлган суюкли киши экани учун шеърда шу маъноларни англатувчи Муҳиббий тахаллусини кўлларди”³¹. Мутрибийнинг Бухорода бўлган даврларидағи ҳикоясига кўра, Муҳиббий Хурсонда пайтида илк бор шеър ёзиши машқ килиб, унинг сара намуналаридан бирини Бухорога, Ҳасанхожа Нисорий назаридан ўтказиш учун юборган³². Шу вақтда Мутрибий ҳам Бухорода бўлган ва унинг бу ерда 1582-1584 йилларда Абдуллахон мадрасасида ўқиганлиги ни ҳисобга олсан, Кулбобонинг илк назмий ижод намунаси шу йилларда ёзилганлигидан далолат беради. Шунингдек, Мутрибий Самарқандий Муҳиббий билан бир канча шеърий айтишувлар қилганлигини ҳам қаламга олади³³ ва унинг фикрича, Кулбобо Кўкалдош Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари таъсирида ўзбек тилида тазкира ҳам ёзган³⁴. Аммо мазкур тазкира ҳалигача топилмаган.

Тарихчи ва давлат арбоби Мирза Салимбекнинг ёзишича, Кулбобо Кўкалдош шайбонийлар сулоласи вакиллари ўртасидаги ўзаро курашда ҳал қилувчи ролни ўйнаган, Шайбонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган Жўйборий Муҳаммад Ислом (1493-1563) билан яқин муносабатда бўлган. У 1551 йил Мовароуннахрни бирлаштириш учун кураш бошлаган Абдуллахонни маънавий ва сиёсий жихатдан кўллаб-кувватлаш учун Муҳаммад Ислом билан таништирган. Кейинчалик, 1557 йил Бухорони Бурхон сultonon kўlididan tortib olishda Kулбобонинг mana shu vositachiiliги orkali yozaga kelgan Abdullaixon va Muhammadi Islom urtasiidagi keliishuv muhim roylar yoinagan³⁵. Кулбобо Муҳаммад Ислом вафотидан кейин унинг ўғли Ҳожа Саъд (Калонхожа) билан ҳам жуда яқин муносабатда бўлган. Абдуллахон ва Ҳожа ўртасидаги ёзишмаларда, учрашувлар ва сухбатларда унинг воситачилиги ҳамда иштироқи доимий бўлган. Ҳоннинг укаси Ибодуллоҳ сultonon va Kулбобo urtasiida keliishmovchilik pайдо bўlib, u keskin ziddiyatlarga olib kela boшlaganda ҳам Ҳожа Саъд Kулбобoni ўз panoxiga olgan³⁶. Бу

³¹ Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изохлар муаллифи И. Бекжонов. Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. 330-б.

³² Ўша жойда.

³³ Батагисил қаранг: Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. 333-335-б.

³⁴ Ўша асар. 3-б.

³⁵ Қаранг: Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаҳирин. 271-272-б.

³⁶ Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. 163-б.

якинлик 1589 йил Хожа Саъд вафот этгандаги ҳолатда ҳам намоён бўла-ди, яъни Кулбобо шу вазиятда Ҳиротдан Бухорога келиб, хожазодаларга таъзия билдирган ҳамда мархум шарафига марсия ёзиб, элга ош берган³⁷.

Кулбобо Кўкалдош вазир ва амир сифатида ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан Бухоро, Балх ва Самарқандда З та мадраса (Кўкалдош мадрасаси)³⁸, 1579 йил Чиноз якинида Сирдарё устида кўприк³⁹, 1584 йил Толиконда⁴⁰ мадраса бунёд эттирган⁴¹. Хусусан, Балхнинг ободончилигига катта эътибор қаратиб, бу ерда жомеъ масжиди ва работ ҳам курдирган. Унинг Балхда жуда бой кутубхонаси бўлган⁴². 1578 йил Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқанд Абдуллахон томонидан эгаллангач, у ердаги бир қатор таъмирталаб иншоотлар, хусусан, Бибихоним масжиди, Амир Темур жомеъ масжиди сингари йирик меъморчилик наъмунала-рини таъмирлаш ишлари Кулбобо Кўкалдош зиммасига юклатилган⁴³. “Абдулланома” асаридаги воқеалар ривожидан қўринадики, шаҳарда-ги таъмирлаш ишларига Кулбобо 1587 йилгача, яъни, Ҳирот юришига жалб килингунга қадар раҳбарлик килган⁴⁴.

Бироқ Кулбобо нуфузининг ортиб бориши ва Ҳиротда ноиб бўлиб туриши Абдуллахон билан унинг ўғли, Балх ҳокими валиаҳд Абдулмўминхон ўргасидаги муносабатлар ёмонлашувига олиб келган.

Кулбобо Кўкалдош 1598 йилда Абдуллахон топшириғи билан қозоқ юришига қатнашиш учун Ҳиротдан Самарқандга келган эди. Аммо ўша йил 8 февралда хон тўсатдан вафот этиб, Абдулмўминдан хавфи бўлган амир маҳфий равишда Ҳиротга қайтади. Бироқ эҳтиётсизлик натижаси-

³⁷ Ўша асар. 180-б.

³⁸ Р а ж а б о в К., И н о я т о в С. Бухоро тарихи. 259-б. Кўпчилик адабиётларда Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси Кулбобо томонидан бунёд этилганлиги айтилиб, байзи чалкашликларни юзага келтиради. Мухаммад Солиҳ Тошкандий ўзининг “Тарихи жадидай Тошканд” асарида Кўкалдош мадрасасини Дарвешхон (Наврӯз Ахмадхоннинг ўғли) курдирганини ёзди ва шу китобнинг баъзи жойларida мадрасасини Дарвешхон мадрасаси деб ҳам атайди. Ў. Султонов ҳам вакф ҳужжатлари асосида мазкур ҳолатни ўрганиб, мадраса курилишининг Кулбобога алокаси йўклигини таъкидлайди. *Батафсил қаранг:* С у л т о н о в ў. А. Кўкалдош мадрасасининг кадимий вакфномаси ва унинг асосчиси хусусида // «Имом Бухорий сабоклари» илмий журнали. Тошкент, 2012. № 2. 134-137-б.

³⁹ Ҳ о ф и з Т а н и ш Б у х о р и й. Абдулланома. 1-китоб. 347-б.

⁴⁰ Шимолий Афғонистондаги ўрта аср вилояти. У Кундуздан шарқда, Кундуздарё ирмоғи бўлган Таликон дарёси бўйида жойлашган.

⁴¹ Ҳ о ф и з Т а н и ш Б у х о р и й. Абдулланома. 2-китоб. 188-б.

⁴² Р а ж а б о в К., И н о я т о в С. Бухоро тарихи. 259-б.

⁴³ Бартольд В. В. Мечет Биби Ханым. Сочинения, Том, IV. Москва: Наука, 1966. 188-б.

⁴⁴ Ҳ о ф и з Т а н и ш Б у х о р и й. Абдулланома. 1-китоб. 316-б; 2-китоб. 256-б.

да Балхда бўлиб турган Абдулмўминнинг кўлига тушиб, бўлажак хон уни Самарқандга қайтариб олиб келади ва ўша йилнинг ёзида ўғиллари билан бирга қатл эттиради⁴⁵.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кулбобо Кўкалдош Бухоро хонлиги тарихида алоҳида ўринга эга бўлган. Биринчидан, давлат бошқарувида хукмдорнинг энг яқин ва ишонган кишиси, шу билан уддабурон ва доно сиёсатчи бўлган. Иккинчидан, ҳарбий саркарда сифатида энг муҳим вазифаларни бажарган, алоҳида жасоратлар кўрсатиб, хон меҳрини қозонган. Учинчидан, маърифатпарвар амалдор сифатида илм аҳлини ҳар томонлама кўллаб-куватлаган ҳамда ўзи ҳам адаблик борасида авлодларга маънавий меърос қолдирган. Тўртингидан, мамлакат ободончилиги йўлида қатор иншоотлар бунёд эттириб, ўз хукмдорининг “Ўрта Осиёнинг иккинчи қурувчиси”⁴⁶ деган эътирофга сазавор бўлишида маълум ҳиссасини кўшган. Кулбобо ва у сингари шахсларнинг фаолияти кўп ҳолларда курдатли хукмдорлар қувватининг ортишига сабаб бўлиши билан бирга, уларнинг соясида ҳам қолиб кетган. Шунинг учун ҳам бундай шахслар ҳакида тадқиқотлар кўпчиликни ташкил этмайди ҳамда бу мавзу ўз долзарблигини саклаб қолаверади.

A. ЗАМОНОВ

БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ЙИРИК ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ҚУЛБОБО КЎКАЛДОШ

Мақолада Абдуллахон даврида Бухоро хонлигида юқори нуфузга эга бўлган Кулбобо Кўкалдош фаолияти ёритилган. Кулбобонинг мамлакат бошқаруви, ҳарбий тизим, илм-фан ва маданият соҳасидаги ўрни манбалар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, мамлакат барқарорлиги ҳамда тараққиётида улкан ҳисса кўшган, хукмдорлар соясида нисбатан кам тилга олинадигин мансабдор шахсларнинг роли ва ўрни масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Кулбобо, Абдуллахон, Бухоро хонлиги, хон, кўкалдош, садр, мушриф, девон, шоир, ҳоким, “Абдулланома”, шоир, жўйборий, саркарда, иншоот, кўприк.

⁴⁵ Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. 3-б.

⁴⁶ Шарқшунос академик В. В. Бартольд Абдуллахоннинг 1000 дан ортиқ турли иншоотлар курдирган шахс сифатида, “Ўрта Осиёнинг иккинчи қурувчиси” (биринчиси сифатида Амир Темурни назарда тутади) сифатида эътироф этади. *Бу ҳақда қаранг: Бартолльд В. В. Мечет Биби Ханым. Сочинения, Том, IV. 188-б.*

A. ЗАМОНОВ**КУЛБОБО КУКЕЛДАШ – КРУПНЫЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ И ОБЩЕСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ БУХАРСКОГО ХАНСТВА**

В статье рассмотрена деятельность Кулбобо Кукелдаша который имел высокий статус в Бухарском ханстве периода Абдуллахана. На основе источников анализирована роль Кулбобо в таких областях как государственное управление, военная система, наука и культура. А также, в статье освещается деятельность чиновников, которые имели огромную роль в сохранении стабильности и развитии в стране, но остались в тени высших правителей.

A. ZAMONOV**KULBABA KUKALDASH – THE GREAT STATE AND PUBLIC FIGURE OF THE EPOCHE OF BUKHARA KHANATE**

The article reviews the activities of Kulbaba Kukaldash, who had a high status in the Bukhara Khanate of the Abdullakhan period. Based on sources, was analyzed the Kulbaba's role in such areas as public administration, the military system, science and culture. Also, the article highlights the activities of officials who had made a huge contribution to the preservation of stability and development of the state, but remained in the shadow of higher rulers.

М. АЗИМБАЕВ

**ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА
МАДРАСА МУТАВАЛЛИЛАРИ “ТАЙИНЛАНИШИГА”
ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**
(архив хужжатлари таҳлили)

Марказий Осиё худудида асрлар давомида шаклланиб келган мадрасалар вакф мулкидан келган даромад хисобига фаолият олиб борган. Бу ўз навбатида, ҳар бир мадрасада молиявий кирим-чиқим ва хўжалик ишларини юритувчи ходимга эҳтиёж тутдириши табиий эди. Шу боис, янги ташкил этилган мадраса вакфномасида: мутавалли – яъни, вакф мулкини бошкарувчини тайинлаш, вакф мулки даромадини таксимлаш тартиби белгиланган. Кўп ҳолларда мутавалли вакф килувчининг авлодидан бўлиши шарт эди. Айрим ҳолларда мутавалли лавозимига ҳалол, одил киши тайинлансан, деб васият қилинган¹.

Вакфнома асосида мутавалли тайинлаш амалиёти Россия империяси босқинига қадар давом этди.

Марказий Осиёда Россия империяси хукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, генерал-губернатор К. П. Кауфман топшириги билан Мутавалли боши лавозими бекор қилинди. Натижада, мутаваллилар фаолияти назоратсиз қолиб, мадрасаларнинг молиявий таъминоти ва моддий таксимоти борасида мутавалли ва мударрислар ўртасида зиддиятлар авж олди. Вужудга келган вазиятдан империя маъмурлари унумли фойдаланиб, вакф мулкларини бошқариш, мутаваллиларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш ишларини ўз назоратига олди. Жумладан, 1886 йилда жорий қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» нинг 266 – моддасида “янги вакфларни ташкил этишга, факатгина, айрим хурматга лойиқ ҳоллардагина генерал-губернатор томонидан рухсат берилади”², деб таъкидланган бўлиб, бу амалда вакф иши Туркистон генерал-губернатори ва унинг аъёнлари назоратига ўтганини англатар эди.

Мазкур Низомнинг 267 – моддасига кўра, “вакф хужжатларини тасдиклаш, вакфларни бошқаришни ташкил этиш, вакф даромадларини

¹ Алимов И. XIX асрда Кўкон хонлигининг Андижон беклигидаги мактаб ва мадрасалар. // O'zbekiston tarixi. 2007. № 1. 20-бет.

² Положение об управлении Туркестанского края. Том 2, часть 2. Санкт-Петербург, 1886. 33-бет.

тўғри ишлатилишини назорат қилиш ва текшириш ҳуқуқи вилоят бошқармаларига тегишли”³, эканлиги қайд этилган. Аммо ушбу хужжатда вакф мулкининг ижара ишларини ким юритади? Мутаваллимни? Агар мутавалли бўлса, у ҳолда бу давлат лавозимими ёки жамоатчилик асосида фаолият юритувчи шахсми? Мутавалли лавозимига талабгорлар ким томонидан тайинланади ва бўшатилади? Мутаваллиларнинг иқтисадий жинояtlари бўйича ишлар маҳаллий козилар томонидан шариат қонунлари асосида кўриладими ёки умумимперия қонунларига таянган судлардами? каби саволларга жавоб йўқ эди.

1890 йил ҳалқ мактаблари 3-чи инспектори лавозими жорий этилгач, инспектор мадрасаларнинг ўқув-услубий ишларини ўрганишдан кўра, унинг моддий ва хўжалик ишларини кўпроқ тафтиш қилди. У ўз текширишларидан келиб чиқиб, ўлка маъмуриятига вакф ишларини назоратга олиш учун куйидаги тавсияларни беради:

1) мутаваллиларни вакф мулкларини ижараага бериши ҳуқуқидан маҳрум этиб, бундай ҳуқуқни рус маъмуриятига бериш;

2) вакфдан келадиган даромадларни кирим-чиқим сметаси тартибда хазина орқали амалга ошириши ва мутаваллиларни ҳисобот топширишга мажбур этиши;

3) ҳар бир мадраса учун мутавалли сонини бир кишигача қисқартириш;

4) мутаваллиларни лавозимга тайинлашни рус маъмурияти назоратига ўтказиш⁴.

Юкоридаги тавсиялардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гарчи «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» 1886 йилда қабул қилинган бўлса-да, 1890 йилга қадар ҳам мутаваллилар ҳамон янги вакф ташкил этувчи шахс ёки вакфномага асосан тайинланишда давом этган.

Бироқ, мутаваллиларни лавозимга тайинлашнинг бу амалиёти 1894 йил Туркистон ўкув муассасалари Бошқармаси бошлигининг ҳалқ мактаблари 3-чи инспектори берган маълумотлари асосида Туркистон генерал-губернаторига 29 сентябрда йўллаган мурожаат хатидан сўнг қайта кўриб чиқилди. Ушбу мурожаатда Бошқарма бошлиғи: “охирги вақтларда мадраса вакф мулкида камомад қилган мутаваллилар ишини уъезд маъмурияти козилик судларига топшириш ҳолатлари кузатилмоқда... мутаваллиларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш вилоят бошқармалари кўрсатмаси асосида амалга оширилади... Шундай экан, мантиқан «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» нинг

³ Положение об управлении Туркестанского края...

⁴ ЎзР МДА, Р-2282-жамғарма, 1-рўйхат, 91-й-ж, 103-варак.

141*, 142* ва 143* моддаларига асосан мударрис ва мутаваллилар ўз ножёй харакатлари ва жиноятлари учун, 3-чи инспектор фикрича, халк судларида эмас, балки, умумий асосда (яъни, умумимперия қонунларига кўра – М. А.) жавобгарликка тортилиши лозим”⁵.

Мазкур мурожаат хати шусиз ҳам, вакф мулкини идора этишда мутаваллиларнинг ўрни катта эканлигини тушунган империя маъмурларига керакли чораларни кўриш учун турткى бўлди. Шу боис, бироз кечиккан 1895 йилдаги жавоб хатида: “...мутаваллилар жамоат иши хизматчилари саналиши керак. Гарчи, бу лавозимга улар хукumat томонидан тайинланшиша-да, давлат хизмати имтиёзларидан фойдаланмайдилар. Шунинг учун «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» нинг 141 ва 211* моддаларига асосан улар ўз ножёй харакатлари ва жиноятлари учун умумимперия қонунларига кўра жавобгарликка тортилиши лозим”⁶, дейилади. Ушбу жавоб хатига Туркистон генерал-губернаторининг “Мутавалли ва мударрисларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби ҳакида” ги № 3503 рақамли кўрсатмаси ҳам илова килиниб, у Туркистон ўкув муассасалари Бошқармаси билан бир каторда, барча вилоят ҳарбий губернаторларига амалда кўллаш учун юборилган.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1899 йил 22 январда “Туркистон ўлкасидаги вакфларни бошқариш тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилади. Унинг 2-чи бандида “вакфнома васиятига кўра тайинланган ёки сайланган бўлишидан қатъий назар, (таяқид бизники – М. А.) вакф мулкларини бошқарувчи лавозимидағи мутаваллиларни тайинлаш ва четлатиш хукуки ўзезд бошликларига тегишилдир”⁷, деб таяқидланган. Бу билан колониал хукumat вакиллари вакфнома асосида мутавалли тайинлашни инкор этиб, бу ишни ўз вазифаси сифатида хукукий жиҳатдан қонунийлаштиришга уринган. Шунингдек, ҳар эҳтимолга қарши “Туркистон ўлкасидаги вакф

* 141-моддага кўра, “маҳаллий аҳоли давлат ва жамият олдидағи хизматлари учун умумий асосдаги қонунлар асосида жавобгарликка тортиладилар”.

* 142-моддага кўра, “ножёй харакатлар ва жиноятлар бўйича ишлар 141-моддага оид бўлмасада, аммо, маҳаллий аҳоли томонидан русларга карши қаратилган ёки рус аҳоли пунктлари ҳудудида содир этилган бўлса, у ҳолда бу ишлар умумий асосдаги судларда кўриб чиқилади...”.

* 143-моддага кўра, “фуқаролик низолари ҳамда маҳаллий аҳоли ва маҳаллий аҳоли бўлмаган фуқаролар ўртасидаги низолий ишлар умумий қонунлар асосидаги дунёвий судлар ёки вилоят судларига топширилади”.

⁵ ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1110-й-ж, 1-1 орқа вараклар.

⁶ 211-моддага кўра, “маҳаллий аҳолини суд қилиш коидалари Туркистон ўлкаси худудига кириб келган кўшни хонликлар фуқароларига ҳам тегишилдир”.

⁶ ЎзР МДА, И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 394-й-ж, 45-45 орқа вараклар.

⁷ ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 1724-й-ж, 125-варак.

мулклари устидан назорат қилишга оид” Кўлланманинг 3-чи банди асосида “вакф мулки васият қилинган муассасалар ва мутавалли ўргасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни кўриб чикиш уъезд маъмурияти зиммасига кирмайди”⁸, деб келиб чикиши аниқ бўлган муаммоли вазиятдан қонунан ўзларини соқит қилишган.

Бир неча йиллик танаффуслар билан қабул килиниб борилган Низом ва қўлланмалар генерал-губернатор маъмуриятини имкон қадар мутавалли лавозимига ўзининг ишончли одамларини тайинлашга ҳаракат қилгани ва буни қонунийлаштиришга уринганидан далолатдир.

Таъкидлаш ўринники, мутаваллиларни лавозимга тайинлаш ва четлатиш масаласи умумимперия қонунларининг ҳеч бир бандида кўрсатилмагани ва «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» да бу ҳақда аниқ равshan кўрсатма бўлмаганлиги вилоят ҳарбий губернаторлари ўргасида ҳам тушунмовчиликлар келтириб чиқарган.

Хусусан, Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг 1903 йил 2 марта куни Туркистон генерал-губернаторига йўллаган хатида мутаваллиларни тайинлаш бўйича мавжуд тартибининг нотўғри эканлиги ҳакида тўхталиб, “... бу тартиб қонунларга мувофиқ келмайди... ҳалқнинг мутаваллилар устидан қилган шикоятларини ҳарбий губернатор вилоят бошқармасининг умумий йигилишига кўриб чикиш учун тақдим этади. Ва бундай шикоятлар йиллар давомида ўз ечимини топмай ётаверади”⁹, деб ҳақиқатни ошкор этади. Шу билан бирга, “ўкув бошқармаси фаолиятига тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган вакф иши ҳамда мутаваллиларни тайинлаш ва четлатиш масаласида мусулмонларнинг кўз ўнгига хукуматнинг обрўсини саклаш лозим”¹⁰, деб маслаҳат беради.

Ҳарбий губернаторининг “хукумат обрўси” ҳакида куйиниши бежиз эмас эди. Зоро, мадрасани ўкув ишлари ва мударрисларни назорат қилиш ўкув бошқармаси вазифаси бўлса, мутаваллиларни назорат қилиш эса катта мударрислар зиммасига юқлатилган. Ваҳоланки, вакф ишини ўкув бошқармасига умуман алокаси йўқ эди.

Ўз навбатида, мутаваллиларни лавозимга тайинлаш вилоят бошқармасига топширилган бўлса-да, қонунга мувофиқ мутавалли лавозими ҳам, унга тайинланадиган маош ва жавобгарлик ҳам мавжуд эмасди. Бунинг оқибатида биринчидан, маҳаллий аҳоли ўргасида тушунмовчилик ва норозилик кайфияти авж олган. Иккинчидан, мустамлака ҳукумат вакиллари ўргасида ҳам англашилмовчилик ва зиддиятлар келиб чиккан.

⁸ ЎзР МДА, И-1-жамгарма, 11-рўйхат, 1724-й-ж, 125-орка варак.

⁹ ЎзР МДА, И-1-жамгарма, 12-рўйхат, 514-й-ж, 22-варак.

¹⁰ ЎзР МДА, И-1-жамгарма, 12-рўйхат, 514-й-ж, 22-орка варак.

Бунга Кўқондаги “Махмуд дастурхончи” мадрасаси мутаваллиси Махмуд ҳожи Мақсад Хўжаевга нисбатан “Жиной ва ахлоқий жазолар ҳакидаги Низом”¹¹ нинг 354*- моддасида кўрсатилган жиноят юзасидан очилган ишни мисол қилиш мумкин. Унга кўра, мазкур мадраса мутаваллиси вақф мулкини ижарага бериш ва юритишда камомад килгани, пулларни ўзлаштиргани сабабли Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан жиноят иши очилиб, Кўқонд уъездининг иккинчи участкаси судясига ишни тергов қилиш ва жазо тайинлаш учун юборилади. Аммо, судя бу ишни кўриб чиқиши учун амалдаги қонунчиликда ҳеч бир асос бўлмагани боис, ҳалқ қозилари кўриб чиқиши учун Янги Марғилон округ судига юборади. Ушбу суднинг прокурори: “мутавалли макомидаги шахслар давлат хизматига доир бирор бир хукуқ ва имтиёзларга эга эканлиги ҳакида умумимперия қонунида ҳам, «Туркистон ўлкасини бошқариши тўгрисидаги Низом» да ҳам ҳеч қандай кўрсатма берилмаганини (таъкид бизники – М. А.) эътиборга олиб, жиноят иши тўхтатилиши лозим”¹², деган хulosани беради. Прокурорнинг хulosасига вилоят маъмурларининг кўпчилиги Туркистон генерал-губернаторининг 1895 йил 19 майдаги “Мутавалли ва мударрисларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби ҳакида” ги № 3503 рақамли кўрсатмасини асос килиб, раддиялар берган. Ўзаро зиддиятлар масаласи кўп ҳолларда Туркистон генерал-губернатор маҳкамасига ва ҳатто рус бўлмаган миллат вакиллари иши билан шуғулланувчи Сенат аъзолари муҳокамасига ҳам етиб борган. Бу ўз навбатида, мутавалли масаласининг қонуний асослари мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Мутаваллиларга нисбатан очилган жиной ишларни прокурорлар томонидан тўхтатилиш ҳолатларини архив хужжатларида кўп учратиш мумкин. Хусусан, Фарғона ҳарбий губернаторининг 1903 йил 12 ноябрдаги № 19401 сонли қарори билан, Кўқон уъездининг 1 чи участка судясига “Жиной ва ахлоқий жазолар ҳакидаги Низом” нинг 354 моддасида кўрсатилган жиноят содир этган “Пир Мухаммад Ясавул” мадрасаси мутаваллиси Абдулзокир Шарифхўжаев иши кўриб чиқиш учун юборилади. Аммо, уъезд прокурори “мутавалли лавозими рус қонунчилигига белгиланмаган ва мутавалли вақф қидувчи шахс хоҳиши ила тайинлашади (таъкид бизники – М. А.) шу сабаб, рус маъмурияти хизматидаги шахс хисобланмайди. Колаверса, жиноят шаҳарнинг маҳаллий аҳоли

¹¹ Уложения о наказаниях уголовных и исправительных. Санкт-Петербург, 1886. 714-б.

* Мансабдор ёки давлат хизматида бўлган шахсларнинг иктисолий жиноят содир этишига оид модда.

¹² ЎзР МДА, И-1-жамгарма, 12-рўйхат, 543-й-ж, 2-орка варак.

яшайдиган кисмида шу аҳолига нисбатан содир этилгани боис қозилик судига юборилиши лозим”¹³, деган хулоса беради.

Туркистон генерал-губернаторининг 1895 йил 19 майдаги “Мутавалли ва мударрисларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби ҳақида” ги № 3503 рақамли кўрсатмаси бўлишига қарамасдан, мутаваллилар иши бўйича прокурорларнинг юқоридаги каби эътиroz билдириши асосли эди. Зоро, улар қонунни яхши билган ҳолда, мазкур кўрсатма умумимперия қонунларига асосланмаганлигидан ҳабардор эдилар. Қолаверса, мутаваллиларни тайинлаш ва бўшатиш хукуки «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» асосида аниқ қилиб белгиланмаган. Бу ҳам етмагандек, Россия империяси хукумат Сенати ҳам, мутавалли иши бўйича юборилган мунозарали масалалар бўйича турли хил мазмундаги тушунарсиз Қарорлари вазиятни янада чигаллаштирган.

Туркистон генерал-губернаторининг 1903 йил № 11114 рақамли хати орқали вилоят ҳарбий губернаторларига йўллаган мурожаатномасида “охирги вактлар мадраса ишини юритиш, мударрис ва мутаваллиларни тайинлаш тартиблари бўйича тушунмовчиликлар кўпайиб бормоқда”¹⁴, деб ўринли хавотирини билдириб, чора кўришга чакиради. Аммо мутаваллиларни лавозимга тайинлашга империя маъмурларида етарлича хукукий асос бўлмагани сабабли “мутавалли муаммоси” Россия империяси хукмронлиги тугагунига қадар давом этган.

М. АЗИМБАЕВ

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИГИДА МАДРАСА МУТАВАЛЛИЛАРИ “ТАЙИНЛАНИШИГА” ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

(архив ҳужжатлари таҳлили)

Маколада Туркистон генерал-губернаторлигида мадраса мутаваллиларини “тайинланиши”нинг хукукий асослари ва уларни турли жиноятлари учун жазога тортиш жараёнидаги ўзига хос муаммоли жиҳатлар архив ҳужжатлари асосида ёритилган. Шунингдек, мутаваллилар фаолиятининг хукукий асослари 1886 йилда жорий қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида» ги ва 1899 йил 22 январда “Туркистон ўлкасидаги вакфларни бошқариш тўғрисида” ги Низомлар асосида таҳлил этилган.

¹³ ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 543-й-ж, 14-орка варак.

¹⁴ ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 543-й-ж, 14-орка варак.

Калит сўзлар: Анъанавий, таълим, мадраса, мутавалли, вакфнома, «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом», халқ, мактаб, В. П. Наливкин, К. П. Кауфман, “Махмуд дастурхончи” мадрасаси, Пир Муҳаммад Ясавул.

М. АЗИМБАЕВ

НЕКОТОРЫЕ СВЕДЕНИЯ О «НАЗНАЧЕНИИ» МУТАВАЛЛИ В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ

В статье на основе архивных материалов рассмотрены юридические основы “назначения” мутавалли в медресе Туркестанского генерал-губернаторства, и особенности процедуры их наказания за проступки и преступления. Кроме того, на основе Положений 1886 года “Об управлении Туркестанским краем” и утвержденного 22 января 1899 года Устава “Об управлении вакфами Туркестанского края” осуществлен анализ правовых основ деятельности мутавалли.

M. AZIMBAEV

SOME INFORMATION ABOUT THE "PURPOSE" OF MUTAVALLI IN THE TURKESTAN GENERAL-GOVERNMENT

Basing on archive documents the article considers the issues of juridical profound of mutavalies' appointment in the medresehs of the Turkestan general-governorate and specificities of procedure of their punishment for bad behavior and crime. In addition there have been fulfilled an analysis of legal framework of mutavali's activity basing on the Statute of 1886 “Ob upravlenii Turkestanskim kraem” and established in 22 January of 1899 the Regulations: “Ob upravlenii vakfami Turkestanskogo kraya”.

А. ЙЎЛДАШЕВ

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН МАЪРИФАТПАРVARЛИК ХАРАКАТИ РИВОЖИДА ТАТАР ЗИЁЛИЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ

XX аср бошларидаги Туркистон ўлкасида миллий уйғониш жараёни ўзининг кўлами жиҳатидан йирик харакат даражасига кўтарилиди. Ўлқадаги маърифатпарварлик харакати тараккиётида маҳаллий зиёлилар билан бир каторда татар зиёлилари фаолияти самарали бўлди.

Бу даврда Туркистон халклари орасида татар зиёлилари томонидан чоп этилган таракқийпарварлик ва миллий озодлик фояларининг кенг ёйилишида “Таржимон”, “Вақт” газеталари, “Шуро” журнали, Озарбайжонда чикарилган “Мулла Насриддин” журналлари мухим рол ўйнади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, “Бу газета ва журналлар Бухорога кам келса ҳам улар амирнинг ўрга асрларча оғир идора усули ва мутаассиб муллалар таъсири остида қолган Бухоро оммасининг фикрига ижобий таъсир кўрсата бошлади”¹.

Айтиш жоизки, Ўрта Осиёда таркалган кўплаб китоб ва журналлар асосан Қозон матбаачилик корхоналарида чоп этилган эди. Туркистонда даврий матбуот ва босмахоналарни ташкил этишда миллий зиёлилар билан ҳамкорликда татар зиёлилари ҳам катта иш олиб бордилар. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасида чоп этилган газеталарнинг “тили ҳам бошқа ерли газеталар каби татарча, туркча, арабча сўзлар аралашмасидан иборат бўлиб, бу сўзлар ўзбек тилига мослаштирилган ҳолда кўлланилган”² эди. Бу эса ахолининг даврий нашрларга бўлган кизикишини орттириди.

Масалан, Туркистонда биринчи нашр этилган Исмоил Обидий мухарриргидаги “Тараққий” газетасида татар матбуотчиларидан Шоқир Мухторий, Исмоил Алиевлар фаолият олиб борганлар. 1908 йил 9 апрелда чика бошлаган “Осиё” газетасига татар матбаачиларидан бири Аҳмаджон Бектемиров мухаррирлик килган³. Фикр тасдиғи сифатида ўша даврда яшаган ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов ўз эсадлиларни китобида: “Аҳмаджон Бектемиров деган бир нўғай “Азия” номли газета

¹ Айний С. Қисқача таржима ҳолим. Тошкент, 1960. 72-73-б.

² Туркистон матбуоти тарихи. Тошкент: Академия, 2000. 71-б.

³ Зиё Сайд. Ўзбек вактли матбуоти тарихига материаллар. Самарканд-Тошкент, 1927. 46-б.

чиқармақда эди. Унинг бошқармасиға бориб кўриштиқ. Кичкинагина бир уй, эсигина кичиккина устол ва устуллар қўйилған бўлиб, йўқ-сиғина бир турмуш билан “билим” деган кийматбаҳо нарсадан узоқ-узоқ яшамоқда бўлған бир нарсасини ва ўзининг тинчлигини фидо эт-мақда экан”⁴— деб хотирлайди. 1903 йилда Туркистонга келиб Скобелев (Фарғона) шаҳрида ўзининг педагогик фаолиятини бошлаган Макаев Ҳусайн Зайнутдиновичнинг очган жадид мактаби хукумат томонидан ёпилгач, Намангандаги “Исҳокия” матбаасида корректор ва штампель ясовчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик 1917 йил 15 марта унинг муҳаррирлигига “Фарғона саҳифаси” газетаси нашр этила бошланди. У Фарғона водийсида матбаачилик ишини ривожланишида фаол иштирок этди. Унинг турмуш ўртоғи Фотима Макаева эса Туркистонда ўзбек-татар кизларига 1937 йилгача таълим бериш билан шуғулланди⁵.

Ўлка маърифатпарварларининг татар зиёлилари билан алоқаларини Қозон ва Оренбург шаҳарларида чиқарилган “Юлдуз” ва “Вакт” газеталари фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Унда Туркистондаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётта оид мақолалар ва янгиликлар чоп этиб борилди. Газета муҳбирлари Туркистонга келиб ўлқадаги ахволни матбуотда ёритиб бордилар. Бу газеталарда Туркистон зиёлиларидан М. Беҳбудий⁶ ва А. Шакурийлар⁷ ўз мақолалари билан фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари Оренбургда чоп этилган “Шўро” журналида Туркистонга оид 323 та материал босилган бўлиб, бу материалларнинг 84 таси туркестонлик зиёлилар қаламига мансуб бўлган⁸. Уларнинг орасида Фурқат, М. Беҳбудий, М. Сўфизода, Ҳожи Муин, Чўлпон, М. Шермуҳамедов, Л. Олимий, С. Айний каби зиёлиларнинг мақолаларини кўриш мумкин.

Маърифатпарварлик харакатининг иирик намоёндаларидан бири Файзулла Хўжаев “Матбуот ва маориф тизимининг тараққий этиши ўлқада маърифатчилик харакатини ривожлантириди. Ўрта Осиёдаги тараққийпарвар кишилар орасида янгича фикр тарафдорлари “жадид”, эски тузум эгалари “қадимийлар” деган номлар билан юритиладиган атама пайдо бўлди. Гарчанд бу сўзлар арабча бўлса-да Ўрта Осиёга та-

⁴ Мухаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. 139-б.

⁵ Расулов А. Н. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся средноволжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. Казань, 1990. 204-206-бетлар.

⁶ Беҳбудий М. Фарёд Туркистон // Вакт газетаси. 1907. № 132., Ўша муаллиф: Дума ва Туркистон мусулмонлари // Вакт газетаси. 1907. № 239.

⁷ Шакурий А. Туркистонда мактаб ва тарбия // Вакт газетаси. 1907. № 147.

⁸ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент: Маънавият, 2002. 55-56-бетлар.

тар зиёлилари билан бирга кириб келди. Улар Ўрта Осиёнинг йирик марказлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғонада жадидчиликнинг ривожланишига ўз хиссаларини кўшдилар”⁹ – дея ёзади.

Диний таълим билан бирга дунёвий таълимдан хабардор бир қатор татар зиёлиларининг Ўрта Осиё ҳудудларига келиши ва ўлкада улар ташкил килган мактаблардаги ўқитиш услуби таълим тизимига сезиларли даражада янгилик бўлиб кира олди. Ёзувчи М. Муҳаммаджоновнинг хотирлашича, “Тошкент шаҳрида усули жадида 1900 йил март ўрталарида Кўшмозор дахмаси билан Кўкча даҳа, Тўкли жаллоб маҳалласидаги домла мактабида бошланған эди”¹⁰. Бу пайтда бундай ўқитиш “нўғойча ўқиш”, деб аталган. Чунки бундай ўқитишни Туркистон аҳолиси нўғай-(татар)лар билан бирга кириб келган деб хисоблаганлар. Татар зиёлиларининг кўпчилиги Туркистон ўлкаларида бўлиб, ўлканинг марказий шаҳарлари ва қишлокларида янги усулдаги мактаблар ташкил этган эдилар. Бу ишни Тошкентда Мунаввар кори Абдурашидхонов оммалаштириди. У дастлаб Шайхонтоҳурда, кейинчалик бошқа даҳаларда усули жадид мактабларини очди. 1908 йилга келиб эса шу мактаблар қошида икки йиллик ўрта таълим мактаблари (Рушдия)ни ташкил этди.

Татар педагоги Салаҳитдин Серазетдинович Мазитов 1900 йил 11 февралда Кўконда дастлабки жадид мактабини очади. Орадан олти ой ўтиб ўтказилган имтиҳондан сўнг мактабдаги болаларнинг сони кескин ортади. Мактабнинг овозаси бутун Кўкон уездига таркалиб кундузи юздан ортиқ болаларни, кечки пайт ёши каттароқ йигитларни ўқита бошлаган. Мактабга ўқувчилар сифмай колгач, Кўконнинг йирик бойларидан Мирзо Умар хожи ўз маҳалласида янги мактаб куриб, Салаҳитдин Серазетдинович Мазитовни ўқитувчиликка таклиф этган¹¹. Туркистонда биринчилардан бўлиб жадид мактаби очган Абдуқодир Шакурийнинг мазкур ҳаракатга кириб келишида С. Мазитов катта ўрин тутган. У 1903 йили С. Мазитов хузурига боради ва унинг ўқитиш усусларини ўрганиб, шу йили ўз мактабига асос солади. А. Шакурий янги усул мактабини такомиллаштириш мақсадида “Таржумон”, “Вакт” газеталари ва “Шўро” журналини доимий равишда кузатиб борган. 1906 йили Қозонга, 1911 йили Қrim ва Туркияга саёҳат килиб ўз малакасини оширади¹².

Бухорода очилган янги усул мактабини адаб Садриддин Айний ўз хотираларида шундай тасвиirlайди: “Бухорода татар муаллимлар ерли

⁹ Хўжаев Ф. Танланган асарлари. I жилд. Тошкент: Фан, 1976. 78-79-бетлар.

¹⁰ Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. 39-б.

¹¹ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. Тошкент: Университет, 2006. 19-б.

¹² Ўша манба. 44-45-бетлар.

татарлар учун янги усул мактабини очдилар. Эски мактаб жонига теккан айрим бухороликлар болаларини татар мактабига ўқишига бердилар. 1907 йилда мен у мактабни бориб кўрдим. Татар тили у ёқда турсин ҳатто ўзбек тилини ҳам билмаган Бухоро болалари (асосан форс-тожик тилида сўзлашганлар – Й. А.) татар тилида ўқишиш эди. Шундай мактабни Самаркандда ҳам кўрган эдим. Мен бу ўқитишни ўрганиш ва Бухоро болаларига татарча дарсларни тожикчада тушунтириш учун олти ой шу мактабга қатнадим. Улардан ўзлаштирганим асосида Мирза Абдулвоҳид билан бирга унинг ховлисида бир мактаб очдим. Мактаб учун Мирза Абдулвоҳид ила алфабит тайёрладик. Мен болалар ўқиши учун бир китоб ёздим. Бу китоб болалар учун хўп маъқул келди. Китобни 1909 йил ёзиб битириб, “Таҳзибус сиёбон” (Болалар тарбияси) деб номладим”¹³.

Хива хонлигига усули жадид мактаблари 1904 йилда Мухаммад Раҳимхон II фармони билан Урганчда Қозондан таклиф этилган муаллим Ҳусайн Кушаев ва ўлка зиёлилари билан биргаликда фаолият бошлиди. 1906 йилда Ҳусайн Кушаевнинг рафиқаси Комила Кушаева Урганчда янги усулда қизлар мактабини ташкил қилди. Хивада очилган янги усулдаги мактабларни ривожлантириш ва таълим бериш учун Қозондаги Олимжон Борудий мадрасасидан муаллимлар таклиф этишган¹⁴.

XX аср бошларида Ўрта Осиёда янги усул мактабларининг кўпчилиги мустамлака хукумати томонидан ёпиб юборилди. Бу билан кифояланмай маърифатпарварлик ҳаракати ва вакиллари кучли кузатув остига олинди, улар ҳақида доимий равища Туркистон генерал-губернатори маъмуриятига маълумот бериб турилди.

Туркистонда чиқарилган “Инкилоб” журналининг 1922 йил 7-8 сонида “Чор хукумати ва Туркистонда татар муаллимлари”¹⁵ номли мақола чоп этилган. Унда Россия империяси подполковники Сизихнинг* Туркистон генерал-губернаторига тақдим қилинган 1913 йил 10 августдаги маърузасида ўлгадаги татар муаллимлари ҳақидаги маълумот берилган. Унда: “Туркистон ўлкасида мактаблар инспекторининг 13 ярим табок коғоздан иборат бўлғон 1913 йил тархли 11897-ракамли далолатнинг ко-

¹³ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. Тошкент, 1960. 73-74-бетлар.

¹⁴ Холбоев С. Туркистон жадидчилиги – миллӣ уйғониш даври тарихи. Наманган, 2012. 43-б.

¹⁵ Чор хукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инкилоб. 1922. № 7-8. 27-30-б.

* Туркистон генерал-губернаторлигига 1907 йил октябрдан 1907 йил августда ташкил этилган “Махсус бўлум” ўрнига “Туркистон район муҳофаза бўлими” ташкил этилган. Унинг таркиби топширик берувчи зобит, суриштирув ишларини олиб берувчи зобит, котиб, сиртдан кузатувчи филёрлар бошқарувчиси ва 10 нафар филёрдан иборат бўлган. Подполковник Сизих анашу Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиги бўлган.

пиясини тақдим қилиб Сиз олий жанобга билдираманки, яширин мухбирларнинг тафтишлари соясида қозоқ ва ўзбек халклари орасида Ру西亚дан келган татар муаллимлари мазкур халкларнинг болаларини ҳар равишда янги тартиб билан ўқитиб турғонлари маълум бўлди. Мундоғ ишларнинг энг тарақкий қилғон жойлари Сирдарё вилояти, Окмасжид вокзали уездларидағи қозоқ ишчилари ораларида бўлиб, унда татар муаллимлари бўлмағон ҳеч бир овул йўқ экан.

Татар муаллимларининг муваффакиятларини навбатдаги ишлардан кўрмак мумкин: маҳаллий халқ шубҳасиз эски тартибдан кўра янги тартиб билан ўқитишининг фойдалик эканини биладир. Чунки ўқиш янги тартиб била бўлғонда енгил ва болалар ҳам тез тушунадирлар. Қозок орасида муаллимлик қилған одамларнинг кўпи Уфадоғи Мадрасаи Олия, Мадрасаи Усмония, Орунбуғдоғи Мадрасаи Ҳусайния, Қозондоғи Мадрасаи Муҳаммадиянинг муаллимлари ва юкори синфларининг шогирдлари дидирлар¹⁶ – дея хисобот беради.

Манбадаги маълумотта эътибор қаратсак, чиндан XIX аср охири – XX аср бошларида ташкил қилинган замонавий ўқитиши тизимини ўзида мужассамлаштирган Уфадаги Мадрасаи Олия, Мадрасаи Усмония, Оренбургдаги Мадрасаи Ҳусайния, Қозондаги мадрасада кўплаб халкларнинг болалари таълим олганлар. Уларнинг мавқеи кучайиши натижасида ҳатто бу ерлардан Бухоро мадрасаларига ўқишига келувчилар сони ҳам камайган¹⁷. Бу мадрасаларнинг аҳамияти кучайланлигини Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Замонавий одамлар етуштирумак учун Ўрунбурғ, Қазон(-га)... талаба юбормоқ керакдур”¹⁸ – деган сўзларидан ҳам кўриш мумкин.

Бошкirdистоннинг Уфа шаҳрида ташкил қилинган “Олия” (“Фолия”) мадрасаси ўқув тизимида янги услубни жорий этган илм даргоҳи эди. Мадрасани Зиёиддин Жамолиддинович Камолиддинов (Зиё Камолий) ташкил қилган. Унинг ўзи Қоҳирада 1904 йилда “Ал-Азҳар” университетининг фалсафа факултетини тамомлаган. 1906 йилда ўз ғоялари асосида Зиё Камол “Олия” мадрасасини очади.

Мадраса талабаси ҳисобланган, бевосита мадрасада истикомат килиб, шу ерда таҳсил олган тошкентлик ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов (Тошкин – тахаллуси билан ижод қилган – Й. А.) ўзининг “Турмуш уринишлари” номли китобида мадраса тузилиши ҳақида: “Мадрасамиз 3 қабат қилиб солинған бўлиб, биринчи қабатида тўрт бўлак уй бор: 1-ош пишириладиган (кухна); 2-томоқ ейдирган (усталавий); 3-ўқув-

¹⁶ Чор хукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инқилоб. 1922. № 7-8. 27-б.

¹⁷ ЎзР МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1315-ийғажилд, 337-варак орка томони.

¹⁸ Ойина. Тошкент: Академия, 2001. 19-б.

чиларнинг кийим-бошлари солинған сандуклар турадирған; 4-устки кийимлар сакланадирған эди. Иккинчи қабатда тўрт бўлак уй ётоқхона (икки қабат каравотлар): бир хона нозир турмак, бир хона кироатхона, бир хона риёзиёт ҳам табииёт яроғлари (ўкув асбоблари) турмак учун, бир таҳоратхона ва бир эшик олди бор. Кўчадан мадраса ичига шул иккинчи қабатдан $x(f)$ ишт ҳам семон билан ишланган 4-5 босқичли зина билан кириладир. Кўчадан киришда ўнг ёқда ҳар бир ўкувчи кавш ва калушларини солиб кўймоқ учун кутича-кутича қилиб шкаф ясалған. Ўқиш, ош, чой, ётиш, туриш хабарларини бериб турувчи кўнғироқ ҳам шунда. Учинчи қабатда олти уй бор бўлиб, бунинг тўрттаси ўқиш уйи (синф). Бири ўқиш уйи ҳам масжид ва бири мадраса бошкармасидир¹⁹ – деган маълумотни келтириб ўтади.

Мадрасадаги дарслар бир қатор хорижий билим юртлари ва ички Россиянинг нуфузли мадраса ҳамда олий ўкув юртларини тугатган мутахассислар томонидан ўқитилган. Уларнинг кўпчилиги Туркистон зиёлилари билан маориф, матбуот соҳаларида яқиндан ҳамкорлик килгандар ва ўлкада ноширилик, фан ҳамда таълим соҳалари ривожига катта ёрдам кўрсатганлар. Хусусан, Абдузаттаров Содик Шарипович* 1913-1916 йилларда “Олия”да мударислик килган. 1916-1922 йилларда Тошкентда мактаб мудири ва ўрта мактабларда ўқитувчилик қилган. 1922-1924 йилларда эса Ўрта Осиё давлат университети ректор ўринbosари лавозимларида ишлаган²⁰. Ахмад Заки Валидий Тўғон 1908-1912 йилларда мадрасада “Туркий халқлар тарихи” фанидан дарс берган. Туркистон миллий зиёлилари билан узвий алоқада бўлиб, Туркистоннинг маданий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларида фаол иштирок этган.

Мадрасада 5 босқичли синфлар бўлиб, унинг иккитаси “таҳзирийя”, яъни бошлангич, учтаси “олия”, яъни юкори синфлар ташкил этган. Бир синфда 25 нафардан 35 нафаргача ўкувчи бўлиб, уларнинг ёшлиари 15 ёшдан 45 ёшгача бўлган оралиқни ташкил қилган²¹. Мадрасани

¹⁹ Мұхаммаджонов М. Тұрмұш уринишилари. Тошкент, Mumtoz so'z, 2015. 163-б.

* Абдузаттаров Содик Шарипович – асли Уфа губернияси Сентовский қишлоғида майда савдогар оиласида туғилган. 1910-1913 йилларда Олий бошлангич билим юртида ўқиган. 1916-1917 йиллари Тошкентда рус ва татар мактабида мудир, 1917-1918 йилларда ўзбек ўрта мактабида ўқитувчилик килган. 1938 йилгача турли лавозимларда ишлаган. Хусусан, 1938 йил 2 январгача Ўзбекистон партия ташкилотида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1938 йил кўлга олиниб 4 октябрда отувга хукм килинган.

²⁰ Шамсұтдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. Тошкент: Шарқ, 2012. 62-б.

²¹ Тузбекова Л. С. Медресе Галия – высшее мусульманское учебное заведение Башкортостана (1906–1919). Уфа, 2007. 38-б.

тамомлаган талабаларга гувоҳнома берилган. Мадрасанинг 10 йиллик фаолияти даврида унда 950 нафар талаба ўқиган бўлиб, шундан 108 нафари мадрасани тамомлашга муваффак бўлган²². Бошка талабалар турли сабаблар, яъни молиявий тақчиллик, 1918 йилда Бошкирдистонда рўй берган инқилоб каби сабабларга кўра ўқиши охирига етказа олмаган бўлишлари мумкин.

Манбада тилга олинган яна бир мадраса Оренбургдаги “Хусайния” мадрасаси бўлиб, унинг фаолияти 1889-1890 йиллардан бошланган. Ушбу мадраса маърифатпарвар aka-ука Ахмадбой, Фанибой ва Махмудбой Хусайновлар томонидан ташкил этилган. Хусайновлар замонасининг йирик савдогарларидан бўлиб, Оренбургда кўплаб хайрия ишларини амалга оширган бойлардан эди. Мадрасанинг дастлабки фаолияти эски бинодан бошланди. Кейинчалик маҳсус ер сотиб олиниб, мадраса учун янги бино қурилди. Бино қурилиши 1905 йилда якунланди²³.

Мадраса ҳақида ёзувчи Мўминжон Мухаммаджонов ўз хотирасида тўхталиб, “Мадрасаи Хусайнияни томоша килмоқ учун бориб, унда ўқиб юрган ўз шаҳардошларимдан Шайх Хованд Тохур даҳа Занжирилик маҳаллалик Сайидолим кори деган бир ўқувчи билан йўликишиб қолдим. Бу қори афанди мадрасанинг у ёғ-бу ёғларини айлантириб кўрсатди. Бу мадраса жуда тартиблик, интизомлик қилиб солинган бўлиб, катталикда бизнинг Олияға ҳеч бўлмағанда уч баробар келур эди. Бу мадрасани курдирувчи миллати учун жон куйдирган Ахмадбой Хусайнов деган бир татар бойи бўлиб, ўзи ўлиб кетган экан”²⁴ – деб ёзади. “Хусайния” 1919 йилгача олий мадраса сифатида фаолият юритган бўлса, худди шу йилдан педагогика институтига айлантирилди. Мадраса фаолияти давомида 2000 нафарга якин ўқувчини тарбиялаган.

Бу даргоҳ кўплаб туркистонлик ёшларни ўзида жамлади. Шу билан бирга ўз замонаси учун кўплаб малакали кадрлар тайёрлашда катта хизмат килди. Мадраса талабаларининг кўпчилиги татар, бошкирд, қозок, ўзбек, кирғиз, қорақалпок ва бошка ерлардан келган мусулмон ёшларидан иборат бўлган. Мадрасада замонасининг етук маърифатпарварлари Қоҳира, Байрут, Истанбулнинг олий ва ўрта маҳсус илмгоҳларида таълим олган муаллимлар ишлаган²⁵.

²² Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Том.1. Ред. С. М. Прозоров. Москва, 2006. 109-110-бетлар.

²³ Ўша жойда. 430-б.

²⁴ Мухаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. 180-181-бетлар.

²⁵ Хабутдинов А. Ю. Медресе мусульманоқруга Оренбургского магометанского духовного собрания как общенациональный институт // PAXISLAMICA 1(2)/2009. 78-б.

Татар мадрасаларида ўқиши баҳор ойларида тамомланиб, октябр ойигача таътил вакти хисобланган ва бу вактда мадрасанинг кўпчилик талабалари турли ҳудудларга бориб ўзга шахар, қишлоқ, овулларда кейинги ўқув йилига маблағ тўплаш учун ўқитувчилик билан шуғулланганлар. Бу маълумотни “Турмуш уринишлари” китобидаги маълумот янада тўлдиради. “1908 йилнинг кўклами бўлди. Уфа шаҳридаги “Мадрасаси Олия”дан бизнинг шаҳарға З шогирд келиб, З даҳадағи З мактабга ерлашганин(и) эшитдим. Булар кузгача бола ўқитишиб, янги тартиб ўргатиб, яна ўқиши чоғида ўқишилариға етиб бориш шарти билан мазкур мактабларга кирибдирлар ва мактабдор домлалар ҳам уларнинг кетишида бир неча сўмдан пул бериб жўнатадирган бўлдилар. Кўича даҳа Тўқли жаллоб маҳалласида мактабдорлик килювчи Наби домла халиги шогирдларидан Вали Ахмад дегани ўз мактабига олған экан”²⁶. Туркистон ўлкаси ва қозоқ овулларига келган “Олия” мадрасаси талабаларининг дарсларни олиб боришлари кўплаб ерли аҳоли болаларига манзур бўлган ва ерлик халиқ ёшлирида кизиқиши ортиб, илм олиш истагида “Олия” мадрасасини танлаганлар.

Юқорида келтирилган Сизихнинг маълумотига кўра, “Мазкур мадрасаларнинг орасида Уфадаги “Мадрасаси Олия” ўзига хос маҳсус мусулмонларнинг олий мактаби саналиб, унда диний китобларгина эмас, бошқа мадрасаларга қараганда дунёвий маълумотлар ҳам жуда кўп бериладир. Бу мадрасалардан ўқиб чиққан кишилар усули қадим мадрасаларида ўқуғон кишиларни олмасдан, янги мадрасаларда ўқиғонлардангина шогирд йиғиб оладирлар. Бу янглиғ шогирдлар мадрасада кўп юқори даражада турадирлар. Агар биз қозокларнинг татарларга бўлган яхши қарашларини, татарларни ўзларидан юқори деб ўйлағонларини ва шунинг соясида қозокларнинг татарлашиб борғонликларини эътиборга олсак, бу ишларда “Мадрасаси Олия” ва унда ўқиб чиққан кишиларнинг қозокларга бўлғон таъсирларининг буюклигини кўрамиз”²⁷.

А. Султангалиевнинг* маълумотига қараганда, “Олия” мадрасасининг фаолияти даврида қозоқ ёшлиридан 154 киши таҳсил олган²⁸. 1913 йилдаги Уфа вилояти “жандарма” идорасининг хабарига қараганда “Мадрасаси Олия”да туркистонликлардан қўйидаги ёшлар таҳсил олаётгани ҳақида маълумот берилади.

²⁶ Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. 138-139-б.

²⁷ Чор ҳукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инкилоб. 1922. №7-8. 27-б.

²⁸ Султангалиева А. Эволюция ислама в Казахстане. //http://www.ca-c.org/journal/cac-05-1999/st-06-sultangal.shtml%. 02.04. 2009.

* Алма Султангалиева. Тарих фанлари доктори. Қозоғистон Республикаси Президенти хузуридаги Қозоғистон Стратегик тадқикотлар институтининг етакчи тадқиқотчisi.

Сирдарё вилояти Оқмасжид уезди, Городов волости 10 – овулдан – Боймуҳаммад Қораниев – 13 ёшда, Али Боймуҳаммедов – 18 ёшда, Бержан Турсунов – 19 ёшда, Тинбой Қолишев – 18 ёшда, Юсуфбой Исмоилов – 17 ёшда, Мухаммадали Ўразаев – 24 ёшда, 7 – овулдан – Эрали Сайдбоев – 14 ёшда, Царский волост 10 – овулдан: Шермуҳаммад Коникбоев – 22 ёшда, 2 – овулдан – Эрали Беев, Нилитулский волост, 5 – овулдан – Қалмуҳаммад Ўразаев 21 ёшда, Еттисув вилояти, Липсик уезди, Олғуз волости 1 – овулдан – Абулғози Йўлчибеков – 22 ёшда, Копол уезди, Оқсув волости 5 – овулдан – Мехвар Эрмактошев – 23 ёшда, Неъматулло Муртазин – 20 ёшда, Арасан волости, 5 – овулдан – Абубакр Жойчебеков – 18 ёшда, Ёкуб Имонов – 21 ёшда Семиполот области, Павлодар уезды Анукузнецки волости 4 – овулдан – Неъматулла Куздимбоев – 20 ёшда, Шайх Ҳожибеков – 26 ёшда²⁹.

Қозон вилояти “жандарма” идораси раҳбарининг хабарига қараганда, Қозон мадрасаларида шогирдларнинг баъзилари ва шуларнинг орасида ҳам Қозонда ўқиб юрган козоклар ёз кунларида қозок саҳроларига чикиб, қозок болаларини ўқитганлар. Шунингдек, киши куни ўзларини иқтисодий таъминлаш учун пул йигиб қайтганлар. Агар қозоклар орасида тарқалган қозок адабиётига келсак, улар асосан йирик татар савдогарлари Каримов ҳамда Ҳусайниновларнинг фирмалари тарафидан нашр килинади. Бу кунгача мазкур фирмалар тарафидан 70 қадар китоб нашр килинган. Бу китобларнинг ҳар қайсиси жандарм идораси тарафидан кўрилиб чиқилган. Мухим китоблар ҳақида Қозон матбуот кўмитаси раисига хабар килинган³⁰.

Ушбу маълумот давомида Туркистон ва қозоқ овулларида муаллимлик фаолиятини олиб бораётган татар муаллимлари ва уларнинг фаолияти кузатув остига олинниб уларга доир маълумотларга ҳам тўхталиб ўтилган. Гарчанд татар олий мадрасаларида таълим олган Туркистон ёшларига қарши чора кўрилмаган бўлса-да, уларнинг фаолияти ўлка генерал-губернаторлиги охранкаси томонидан доимий назорат қилиб борилган.

Юкорида тилга олинган татар мадрасаларида таълим олган Туркистон ёшлари ўлкага қайтиб жамиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб борганлар ва Туркистон ўлкасининг тараккиёти учун курашганлар. Жумладан: “Ҳусайния” мадрасасида ўқиган Ҳасан, Нормуҳаммад, Ҳасан Зиёбов, Миржалил, Шоҳкарим, Абдулаҳад, Раҳмат Мажидий, Шоқир Сулаймон каби туркистонлик ёшлар шулар жумласидандир.

²⁹ Чор ҳукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инкилоб. 1922. № 7-8. 28-б.

³⁰ Ўша манба, 29-б.

“Олия” мадрасасидаги ўқитиш тизими ҳам кўплаб туркистонлик ёшларни ўзига жалб эта олди ва турли йилларда бир қатор ёшлар мадрасага бориб таълим олишга муваффақ бўлдилар. Турли мусулмон халклари фарзандлари каторида Туркистон ўлкасидан Ахмадхўжа, Муҳаммаджон Мўминжонов, Мирсайд³¹, Лутфулла Олимий, Абдулхай Тожиев, Тоҳир Шокир (Чигатой)³², Абдулқаҳор Ҳошимбоев, Собиржон Иброҳимжонов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мазҳариддин Муфтиев³³, Вадуд Махмуд³⁴, каби кўплаб ёшлар мадрасада таълим олиб замонавий дунёкараш билан Туркистон ўлкасига қайтдилар.

Уларнинг кейинги фаолияти ўлка ривожига тўқсиналиқ қилаётган мутаассиблик, бидъатларга карши кураш ва ҳукмрон мағкуранинг оғир сиёсатига қарамай, юрт тараққиёти учун фаол ҳаракатдан иборат бўлди. Кўпчиликлари мадрасадаги 5 йиллик таълимни тўлиқ тамомламаган бўлсалар-да, мадраса томонидан ўкув йили якунида топшириладиган шаходатномаларга эга бўлганлар.

Хулоса килиб айтганда, татар зиёлилари ва улар ташкил этган замонавий таълим муассасалари Туркистонда маърифатпарварлик харатининг юксалишида амалий жиҳатдан катта рол ўйнади. Замонавий таълимга интилиб “Хусайния”, “Олия” ва бошқа татар илмгоҳларида ўқиган Туркистон ёшлари янгича қарашлар билан ўлкага қайтиб, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилдилар. Уларнинг ҳаракатлари натижасида Туркистонда замонавий илм-фан, маориф, матбуот ва маданият ри-вожланди, янгича дунёкарашга эга ёшлар сони ортди.

³¹ Тузбекова Л. С. Медресе Галия – высшее мусульманское учебное заведение Башкортостана (1906–1919). Уфа, 2007. 119-б.; Мухаммаджонов М. Турмуш уринишлари Тошкент, Mumtoz so'z. 2015. 137-145-бетлар.

³² Қосимов Б. Милллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, Маънавият. 2002. 29-б.

³³ Аъламова М. Пирмуҳаммад Аълам Насабнома. Тошкент, 2011. 69-73-бетлар.

³⁴ Вадуд Махмуд Танланган асарлар. Тошкент, Маънавият. 2007. 5-б.

* Пирмуҳаммад Аълам – Бароқхон мадрасаси мударриси, шоир, котиб. “Уламо” жамиятининг етакчиларидан.

А. ЙЎЛДАШЕВ

**XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛИК
ХАРАКАТИ РИВОЖИДА ТАТАР ЗИЁЛИЛАРИ ВА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ушбу мақолада XX аср бошларидаги Туркистон маърифатпарварлик ҳаракати ривожига таъсир кўрсатган татар миллий зиёлилари ва замонавий таълим муассасалари хамда мазкур илм даргоҳларида ўқиган Туркистон ёшлари ва уларнинг ўлқадаги фаолияти ўрганилган.

Калим сўзлар: Нўғайча, ўрта таълим, мактаб, “Осие”, газета, “Taxзibus siёbon”, татар, муаллимлар, “Хусайния”, мадраса, “Олия”, Зиё Камолий, таҳзирий.

А. ЙЎЛДАШЕВ

**РОЛЬ ТАТАРСКОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ И УЧЕБНЫХ
ЗАВЕДЕНИЙ В РАЗВИТИИ ТУРКЕСТАНСКОГО
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО ДВИЖЕНИЯ В НАЧАЛЕ ХХ ВЕКА**

В этой статье рассматривается деятельность представителей татарской интеллигенции и учебных заведений, повлиявшие на развитие просветительского движения в Туркестане, а также оказавшие влияние на Туркестанскую молодежь, обучавшуюся в этих образовательных учреждениях.

A. YULDASHEV

**THE ROLE OF TATAR INTELLECTUALS AND EDUCATIONAL
INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE TURKESTAN
ENLIGHTENMENT MOVEMENT AT THE BEGINNING
OF XX CENTURY**

This article examines the activities of representatives of the Tatar intelligents and educational institutions, which influenced the development of the educational movement in Turkestan, and also influenced on the Turkestan youth, who studied at these educational institutions.

М. ТУХТАЕВА**ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИДЕОЛОГИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ
И ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА
В 30–40-е ГОДЫ XX ВЕКА**

«История человечества показала, что реальная власть в обществе – это прежде всего власть над процессами формирования картины мира. Вот почему любая власть заинтересована в унификации картины мира подвластного ей населения»¹. Эта фраза очень точно характеризует ситуацию, которая сложилась в советском искусстве Узбекистана.

В 1930-е годы творческим методом культуры и искусства был объявлен «социалистический реализм», суть которого заключалась в идеализации существующего строя. Это обусловило возрастание роли идеологического фактора, а центральный орган партии выступил как главный цензор по творческим вопросам. Творчество было подчинено принципам партийности².

Понятие «социалистический реализм» было конкретно определено в 1934 г. на I Всесоюзном съезде советских писателей. В Уставе Союза художников, принятом на съезде, было дано развернутое определение нового творческого метода в искусстве: «Социалистический реализм требует от художника правдивого, исторически-конкретного изображения действительности в ее революционном развитии. При этом правдивость и историческая конкретность художественного изображения действительности должны сочетаться с задачей идейного воспитания трудящихся в духе социализма»³. Далее подчеркивалось, что «социалистический реализм обеспечивает художественному творчеству исключительную возможность проявления творческой инициативы, выбора разнообразных форм, стилей и жанров». Последние положения носили иллюзорный характер, т. к. были разработаны базовые принципы «социалистического реализма», основой которых являлась государственная идеология. Сложилась жесткая программа соцреализма, основанная на прославлении социалистического строительства и трудового энтузиаз-

¹ Жидков В. С., Соколов К. Б. Искусство и общество. СПб.: Алтейя, 2005. С. 385.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. С. 400.

³ Манин В. С. Искусство в резервации: художественная жизнь 1917–1941 гг. М., 1999.

ма. Культура и искусство стали частью государственной пропаганды и агитации⁴.

Считалось, что, развивая гуманистические и реалистические традиции предшествующего искусства на основе социалистического содержания, социалистический реализм представлял собой новый тип художественного сознания⁵. Это, конечно же, отрицательно сказалось на развитии изобразительного искусства, как и в целом на культуре. Постепенно используемые образы становились все более стереотипными, ма- нера творчества – академичной, отвечающей требованиям властей. Сло- жилась жесткая и безапелляционная линия соцреализма, основанная на прославлении революционной борьбы народа и его вождей, советского строя, социалистического строительства и трудового энтузиазма.

Социалистический реализм сразу же превратился в орудие политической борьбы в сфере искусства. Поскольку определение метода было очень расплывчатым, его реальные границы на практике устанавливались теми, в чьих руках находилось административное руководство искусством. К концу 30-х годов социалистический реализм стал главным стилем советского искусства. Искусствовед М. А. Чегодаева выделяет такие ос- новные «стилистические признаки» соцреализма, как «возвеличивание и прославление компартии и ее вождей; пропагандистская ложь в формах натуралистического представления жизни; ориентация на примитивные вкусы и низкую понятливость малообразованных «масс»»⁶. Она отмечает, что на этих «принципах» сформировалось стилистическое направле- ние, просуществовавшее с первых лет советского строительства до конца восьмидесятых – эпохи «перестройки». Эти «принципы» определяли гра- ницы, в которых позволялось функционирование советского искусства⁷.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. С. 400.

⁵ См.: Избавление от миражей: соцреализм сегодня. М., 1990; Голомшток И. Тоталитар- ное искусство. М., 1994; Знакомый незнакомец: социалистический реализм как исто- рико-культурная проблема. М., 1995; Манин В. С. Искусство в резервации: художест- венная жизнь 1917–1941 гг. М., 1999.

⁶ Чегодаева М. А. Социалистический реализм: мифы и реальность. М., 2003.

⁷ Для историографической ситуации 1990-х гг. характерна пластичность данной тер- минологии. Понятие «социалистический реализм» оказалось поводом для дискуссий, имеющих прямое или косвенное отношение к истории советской культуры 1930–1950-х годов. Ни российские, ни западные исследователи не смогли дать единое определение термина «социалистический реализм». Соцреализмом называли: 1) все официально признанное искусство советского периода, 2) любые реалистические течения 1920–1980-х гг., 3) искусство, созданное в годы правления Сталина, 4) догматы официаль- ной эстетики и культурной политики.

Соцреализм как метод был строго предписан всем деятелям культуры во всех сферах искусства, что создало жесткие творческие рамки и привело к творческой изоляции многих выдающихся мастеров.

О том, как происходило утверждение основ социалистического реализма в Узбекистане, позволяет судить статья Б. Веймарна и Б. Никифорова⁸. В ней авторы описывают этот процесс, как «рушение стен туземных кварталов», борьба с двумя важными составляющими, мешающими утверждению основ соцреализма, «великодержавным шовинизмом» и «местным национализмом», которые, по мнению авторов, противопоставляли себя пролетарской культуре и были широко представлены в искусстве Узбекистана. Следует отметить, что эти два постулата большевистской идеологии касались всех сфер жизни. Борьба с ними проявлялась в области и культуры, и экономики, и в кадрах, исключительно во всем. Под огонь критики авторов статьи попали такие художники, как М. Курзин и Н. Каравай, А. Волков, творческим методом которых являлся импрессионизм. В их картинах, по мнению авторов статьи, «советская действительность преломляется карикатурно». Художника П. Бенъкова обвинили в «экзотической трактовке национальной тематики», а в отношении А. Волкова отмечалось, что его творчество находится на стыке буржуазного формализма и социалистической реконструкции⁹. Творчество Курзина расценивалось как опасное, так как художник не понимает советской действительности и не знает, как передать героические образы советского народа¹⁰. Именно эти художники в 1930-е годы находились в центре внимания искусствоведов, как не желавшие встать на путь соцреализма.

В начале 30-х годов для искусства советского Узбекистана были характерны такие тенденции, как стилизаторство и декоративизм. В известной работе Б. Веймарна и Н. Черкасова «Искусство советского Узбекистана» отмечалось, что «декоративизм как проявление неверного понимания художниками национальной формы в искусстве Советского Востока был свойствен в 20-х – начале 30-х годов не только ряду живописцев Узбекской республики. Он получил распространение также и в творчестве некоторых художников Туркменистана, Армении, Азербайджана и других республик. Все эти художники понимали национальную форму в искусстве как извечно существующую, застывшую и неизменную и искали особенности этой формы лишь в яркости старинных на-

⁸ Веймарн Б., Никифоров Б. Рушатся стены туземных кварталов. Советское искусство 1931 г. 18 октября, № 54 (125).

⁹ Советское искусство 1931 г. 18 октября, № 54 (125).

¹⁰ За пролетарское искусство. 1932. № 3.

родных декоративных росписей и вышивки, в декоративной условности средневековой миниатюры и т. п. Этот ограниченный, формалистический путь поисков национальной формы в феодальном искусстве прошлого не мог привести к созданию полноценных образов, отражающих реальную действительность»¹¹. С позиции современной искусствоведческой науки это была абсолютно неверная трактовка. Художники Узбекистана все же пытались найти национальную форму в изобразительном искусстве и приспособить ее к требованиям современности, и хотя эти работы были искусственно подчинены идеологии времени, они содержали свое художественное своеобразие. В этой связи можно отметить ряд работ У. Тансыкбаева, Н. Каражана, Н. Кашиной и др. Таковы были, например, картины Н. Каражана – «Окучка» (1932) и «Женская ударная бригада на хлопке» (1933), Н. Кашиной – «Автопробег Москва – Каракумы – Москва», эскизы росписей У. Тансыкбаева на тему раскрепощения женщины и борьба с басмачеством¹². Несмотря на то, что темы картин были идеологизированы, их решение было условным и статичным.

Постановление партии от 23 апреля 1932 «О перестройке литературно-художественных организаций»¹³ имело большое влияние на всю художественную жизнь Узбекистана. Борьба различных взаимоисключающих течений начинается в искусстве Узбекистана с началом 30-х годов, что нашло отражение в первых республиканских выставках в Ташкенте.

Прямыми следствием постановления ЦК явилась организация в 1932 г. 1-й Республиканской художественной выставки. На этой выставке произведений художников Узбекистана были подвергнуты жесткой критике работы М. Курзина, Н. Кашиной, А. Волкова, Е. Каравай, так как их картины адекватно показывали советскую действительность, жизнь дехкан и тяжелые будни рабочих, за что художников обвинили в искажении действительности. Пытаясь подчинить их официальной идеологии, власти направляли их на курсы по повышению идеологической грамотности. Это оказалось «результивативным» и уже на выставке «Художники Узбекистана», открытой в Москве в 1937 году во время Декады узбекской литературы и искусства, они получили одобрение за «овладение методом социалистического реализма».

Поворот к темам социалистического строительства и историко-революционным сюжетам характерен для всей советской живописи с сере-

¹¹ Веймарн Б. В., Черкасова Н. Искусство советского Узбекистана. Очерки живописи, графики, скульптура. М., 1960. С. 23.

¹² Там же.

¹³ РЦХИДНИ, ф.17, оп. 3, д. 881, л. 6,22; оп. 163, д. 938, л. 37-38.

дины 30-х годов. В изобразительном искусстве стали усиливаться тенденции приукрашивания сложных социальных проблем, умалчивание ошибок и недостатков. Началась скрытая борьба идеологий – социалистической и буржуазной, борьба мировоззрений, требовавшая внутренней перестройки многих мастеров. Художники не были едины в своих мнениях о путях развития художественной культуры на основе метода социалистического реализма. Большая часть художников ставила перед собой задачу поиска самобытного национального искусства, который для многих из них был поиском своего индивидуального почерка. Однако требование изучать современность и революционное прошлое с позиций марксизма-ленинизма, отображать социалистические изменения в тематических картинах на современные и исторические темы, развивать жанр портрета, изображать вождей и героев своего времени, противоречило взглядам художников.

«Наступила пора, когда художникам пришлось многое забыть и многому научиться. Теперь центр тяжести тематики лежал не в старых феодальных городах, не у мечети Биби-ханум в Самарканде, не у медресе Регистан. Кадырьинская ГРЭС, «Чирчикстрой», Ташкентский сельмаш, борьба за хлопок и воду, совхозы и колхозы – вот группа главнейших тем, к которым должно было быть устремлено внимание художников»¹⁴, писал об этом времени В. Чепелев. В итоге художники начинают много ездить по колхозам, различным стройкам республики и устраивать отчетные выставки, которые всегда сопровождались бурными дискуссиями о том, каким должно быть социалистическое искусство и в то же время дали властям возможность контролировать творческий процесс.

Составной частью борьбы за социалистическое искусство были факты изъятия из библиотек книг, начиная со времен импрессионизма, включая все западное искусство. Так, к примеру, преподавание истории искусства в изоучилищах заканчивалось Г. Курбе¹⁵, не давались сведения о русском авангарде, был запрещен Врубель. Если ученики хотели знать больше об истории искусств, им приходилось самостоятельно находить материал, но таких учеников были единицы. Так, художник А. Волков-младший вспоминал «я больше знал об истории искусств по сравнению с моими друзьями по училищу, так как у нас дома сохранились кое-какие книги по искусству до и первых лет послереволюционно-

¹⁴ Чепелев В. Живопись советского Узбекистана // Искусство. 1934. № 6. С. 35.

¹⁵ Гюстав Курбе – французский живописец, пейзажист. Его творчеством в истории искусства Франции завершается период романтизма. Он был основателем реализма в живописи.

го издания. «Лишние знания» провоцировали мой протест, и я вступал в спор с педагогами, доказывая, что импрессионизм и постимпрессионизм – это дальнейшее естественное развитие путей искусства. За это меня выгнали из класса и я попадал на заметку администрации как «свободомыслящий»¹⁶.

В целях постоянного контроля творчества художников и закрепления основ соцреализма был осуществлен ряд крупных мероприятий в 1938 и 1939 годах. В частности, в 1938 г. Постановлением ЦК ВКП(б) состоялся первый съезд художников Узбекистана, а также приняты постановления по вопросам искусства ЦК КП(б) об образовании Союза советских художников СССР¹⁷. Эти два важных мероприятия окончательно «связывали руки» художников и ставили перед ними главную задачу – выполнение плана популяризации и пропаганды идеологии посредством произведений искусства, организацией выставок, диспутов, докладов, лекций и издание специальной литературы – все, что должно было пропагандировать социалистическое искусство среди трудящихся. А созданный Постановлением ЦК ВКП(б) от 4 марта 1939 г. художественный совет (Худ совет)¹⁸ при Всесоюзном Комитете по делам искусств СНК СССР должен был осуществлять функции контроля и цензуры. Он состоял из трех секций: 1. театра и драматургии, 2. музыки и 3. изобразительного искусства. Секцию изобразительного искусства возглавляли неоднократно награжденные и заслужившие доверие власти художники А. М. Герасимов, В. И. Мухина, Б. В. Иогансон, И. Э. Грабарь, В. А. Веснина. Академик Герасимов¹⁹ сам лично выезжал в союзные республики для контрактации художников, утверждал темы и эскизы, контролировал весь процесс создания произведений для крупных выставок союзного значения.

Основными контролирующими органами в борьбе за соцреализм были две управленческие организации: Союз советских художников и Управление по делам искусств СССР. Эти организации обладали общенациональным статусом, являлись одновременно заказчиками и исполнителями заказов, собственниками имущества, хранителями худо-

¹⁶ Мастер «Гранатовой чайханы». Живопись. Поэзия. Друзья/коллектив авт. Нурида-мед. М., 2007. С. 184.

¹⁷ РЦХИДНИ, ф.17, оп. 3, д. 967, л. 7. Подлинник. Машинопись.

¹⁸ РЦХИДНИ, ф.17, оп. 3, д. 1007, л.1. Подлинник. Машинопись.

¹⁹ А. Герасимов – председатель оргкомитета союза художников СССР, народный художник СССР, академик и президент Академии художеств СССР, доктор искусствоведения, лауреат Сталинской премии 1941, 1943, 1946 и 1949 годов.

жественных произведений, решали вопросы социального обеспечения художников²⁰.

В рассматриваемый период все аспекты социальной жизни страны, включая организационные и творческие, строго контролировались и регламентировались государством. Административно-командная система под прикрытием партийных лозунгов вмешивалась в творчество художественной интелигенции.

Государственная цензура подвергала преследованиям и критике художников, которые стремились оторваться от внешних атрибутов проявлений жизни и проникнуть глубоко в ее сущность, создавая ее своим творческим воображением.

Многие художники, особенно старшего поколения, со сложившимися идеино-творческими позициями, такие, как А. Волков, М. Курзин, Усто Мумин (А. Николаев), В. Еремян, З. Ковалевская, не шли на компромисс и сохраняли свое индивидуальное творческое кредо. В своих картинах А. Волков, П. Беньков, О. Татевосян, несмотря на требования советской идеологии, давали реальную интерпретацию образа жизни народов Узбекистана. Эти художники обращаются к народному искусству Узбекистана и культурному наследию Востока, его декоративности цвета, плоскостности и орнаментальности построения, на которых веками воспитывался художественный вкус населения. Яркий индивидуализм этих художников начинает мешать государственной идеологии, для которой главное – выработка принципов искусства, развивающегося на основе единства идейного содержания советской культуры.

Проявлением этого было обвинение О. Татевосяна в «политической близорукости, в связях с буржуазными националистами, троцкистами, в результате чего он был исключен из СХУз». На заседании оргкомитета СХУз жесткой критике подверглась его картина «Колхозный той» (Свадьба) в 1937.

Каждая последующая выставка показывала преодоление художниками формализма и борьбу за овладение ими методом соцреализма. Особенno показательна была IV отчетная выставка (1936), где целый ряд художников, бывших формалистов и натуралистов (Е. Каравай, А. Волков) показывали свои успехи овладения реализмом.

На основе тематических указаний или «социального заказа» вышестоящих органов составляли план работы Союза художников. Планы художественных выставок и конкурсов были подчинены текущим по-

²⁰ Янковская Г. А. Искусство, деньги и политика: Художники в годы позднего сталинизма. Пермь, 2007. С. 312.

литическим и идеологическим событиям, включая в себя следующие 9 номинаций:

- Гражданская война в Узбекистане и Средней Азии.
- Земельная реформа.
- Раскрепощение женщин.
- Коллективизация.
- Индустриализация.
- Культурное строительство.
- Оборона.
- Социальное сельское хозяйство.
- Борьба с врагами народа, «наймитами фашизма».
- Сталинская конституция.
- Содружество народов²¹.

Написание этюдов и пейзажей было нежелательным. На заседаниях СХУз работы таких художников, как А. Волков, У. Тансыкбаев, А. Подковыров, Г. Никитин, Уфимцев и др., критиковались, их обвиняли в том, что они гонятся за количеством, а не за качеством работы («зачем на выставках выставлять акварели, бесконечные пейзажи»)²². Тем самым от них требовали больших тематических картин. «Надо рисовать людей, занятых ликбезом в какой-нибудь обеденный перерыв. Писать колхозника, которому некогда сидеть часами пить чай, а только короткое время с часу до двух они бывают в чайхане и занимаются ликбезом, показать женщин, бодро идущих по полю, оставивших своих детей в яслях²³. Ясли – это как раз новый момент, современная тема. Нужно показать, как женщины могут оставить своих детей в яслях и идти на работу и могут участвовать в соцсоревнованиях, борясь за высокие темпы»²⁴ – вот основная канва выступлений идеологических работников.

Как видно из этих фактов, новаторские методы художников и отображения ими советской действительности были объектом постоянной критики. А указания со стороны руководства о том, как они должны были работать, принимали самые нелепые формы. Отсутствие твердых установок, попытки введения художниками своих методов творчества – все это вызывало резкую реакцию, принимавшую порой самые грубые формы и ухудшающую моральную обстановку в творческих коллективах.

²¹ ЦГА РУз, ф. Р-2320, оп.1, д. 26, л.18. РГАЛИ, ф. 965, оп.3, д. 408, л.60.

²² ЦГА РУз, ф. Р-2320, оп.1, д. 33, л.15.

²³ Там же, л.16.

²⁴ Там же, л.16 об.

Индивидуализм художников начинает мешать государственной идеологии. Против тех, кто был в оппозиции к существующему строю, власть проводила политику репрессий. Основные обвинения против многих талантливых художников были стандартными: «политическая близорукость, идеологическая расплывчатость, мелкобуржуазный уклон в творчестве, организация группировок и связь с контрреволюционными националистами»²⁵. Карательная политика в области культуры и искусства в Узбекистане началась в середине 1930-х годов.

Очередной виток идеологического прессинга начался в 1946 г. с Постановления ЦК ВКП(б) о журналах «Звезда» и «Ленинград». В постановлении отмечалось, что произведения, печатающиеся в этих журналах, бездействны и идеологически вредны. Особо отмечается рассказ Зощенко «Приключения обезьяны» («Звезда» № 5-6 за 1946), именуемый «грязным пасквилем», который являлся пародией на советский быт и повседневную жизнь советских граждан в годы войны. Журнал обвиняли в предоставлении своих страниц для «чужих», «несоветских» писателей, таких, как Зощенко, Ахматова и др. Итогом стало закрытие журнала «Ленинград» с формулировкой о том, что «для издания двух литературно-художественных журналов в Ленинграде не имеется надлежащих условий, и необходимо сосредоточить литературные силы Ленинграда вокруг журнала «Звезда»». Улучшить содержание журнала, следить за идеально-политической направленностью и качеством публикуемых произведений и усилить работу среди писателей. Контроль за выполнением постановления был возложен на Управление пропагандой ЦК²⁶. Это стало грозным предостережением и для художников.

В докладной записке Управления пропаганды и агитации ЦК ВКП(б) секретарю ЦК ВКП(б) А. А. Жданову о неудовлетворительном состоянии изобразительного искусства художников критиковали за то, что они живут своим творчеством, в мире своих картин и находятся далеко от реалий советской действительности. Приводился пример повести Г. Гора «Дом на Моховой», где главным героем являлся художник, которого в дни войны тревожит только судьба его картин²⁷.

Постановление ЦК ВКП(б) о журналах «Звезда» и «Ленинград» было проработано во всех управлении по делам искусств, в том числе и в Союзе художников Узбекистана. Сам Александр Герасимов, председатель Союза художников СССР, прибыл «наводить порядки» в Ташкент.

²⁵ ЦГА РУз, ф. Р-2305, за 1920–1957 г. ЦГА РУз, ф. Р-2305, д. 129 за 1917–1957 гг.

²⁶ РЦХИДНИ, ф.17, оп.116, д. 272, л.7-11. Подлинник. Машинопись

²⁷ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 117, д. 628, л. 10-17. Подлинник. Машинопись.

Основная критика была обрушена на художника А. Волкова. А. Герасимов назвал его творчество «кривлянием и ерничеством»²⁸. На самом деле А. Волков был всегда в творческом поиске и, будучи против халтуры, не желал удовлетворять московскую критику «заказными картинами».

Таким образом, 30-е – 40-е годы – период установления государственной монополии на искусство и постепенного утверждения соцреализма. «Мирная борьба» за утверждение соцреализма продлилась до 1936 года, вплоть до террора, направленного против инакомыслия.

Утверждение единого художественного метода в искусстве было необходимо для выявления идеологического лица художников. Особенно это касалось художников-авангардистов, которые имели свое собственное видение развития советского искусства. Власть зачастую не понимала скрытый смысл произведений, которые выбивались из установленных рамок, их было тяжело осмыслить и это вызывало у них опасение, так как художники рассматривались как ретрансляторы государственной идеологии во все сферы общества. Соцреализм как единый художественный метод был орудием распространения этих идей и давал возможность управлять сознанием художника.

М. ТУХТАЕВА

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИДЕОЛОГИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ И ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА В 30–40-е ГОДЫ XX ВЕКА

В статье представлена история государственной политики советской власти в сфере искусства в Узбекистане. Особое внимание уделено тому, как путем идеологического давления советской власти на художников утверждался единый стиль в искусстве – социалистический реализм, вынуждавший менять их свои творческие взгляды и отношение к создаваемым произведениям. Также рассмотрены организационные мероприятия, предпринятые советской властью в 30–40-е годы для контроля и подчинения изобразительного искусства.

Ключевые слова: Государство, идеология, советская власть, политика, изобразительное искусство, картины, постановления, социалистический реализм, художники Узбекистана, творчество, контроль, социальный заказ, репрессии, А. Волков, О. Татевосян.

²⁸ Мастер «Гранатовой чайханы». Живопись. Поэзия. Друзья/коллектив авт. Ньюодиамед. М., 2007. С. 58.

М. ТУХТАЕВА**СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 30–40 ЙИЛЛАРИДА
ТАЪСВИРИЙ САНЪАТ**

Мақолада Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг тасвирий санъатга соҳасидаги давлат сиёсати тарихи акс этган. Совет ҳукуматининг рас-сомларга ўтказган мафкуравий босими, социалистик реализмни ягона стиль сифатида тасдиқланиши, шу билан санъат арбобларининг ижодий карашларини ва яратилган асарларгага муносабатини ўзгартиришига мажбур қилганлигига алоҳида эътибор берилган. Ундан ташқари, XX асрнинг 30–40 йилларда тасвирий санъатни назорат килиш учун ташкил қилинган чора тадбирлар моҳияти очиб берилган.

M. TUKHTAEVA**STATE IDEOLOGY OF SOVIET POWER
AND FINE ARTS IN UZBEKISTAN
IN THE 30–40 YEARS OF THE TWENTIETH CENTURY.**

The article presents the history of the state policy of the Soviet power in the sphere of art in Uzbekistan. Particular, how the ideological pressure of the Soviet government on the artists established and a single style in art – socialist realism, forced them to change their creative views and attitude to the created works. Also author considered organizational measures which has taken by the Soviet authorities to control and obedience the fine arts in the 30–40 years.

И. ҲАЙДАРОВ

1945-1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИГА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон урушигача ўзбек ишчиларининг саноат соҳасидаги улуши нисбатан юқори бўлган эди. Урушдан кейинги йилларда эса, йирик шаҳарларда саноат корхоналари курилиб, улар асосан совет давлатининг бошқа республикаларидан келган ишчилар ҳисобига тўлдирилди. Натижада, туб ерли миллатларнинг ишчилар сафидағи миқдори камайиб кетди. Урушдан кейинги йилларда совет ҳукумати ҳалқ ҳўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш билан бир қаторда, соҳаларга малакали мутахассислар тайёрлашни кескин кўпайтириш юзасидан катта дастурлар белгилаган бўлса-да, амалиёт кутилган натижани бермади.

Хусусан, 1947 йилда республикадаги олий ўқув юргларини турли йўналишларда жами 2536 нафар талаба битириб чиқсан бўлса, улардан 589 нафари ўзбек миллатига мансуб эди¹.

Холбуки, республиканинг ўсиб бораётган саноатига маҳаллий миллат вакилларидан юқори малакали мутахассислар етишмас ва улар Ўзбекистонда умуман тайёрланмасди. Биргина металлсозлик корхоналарида етишмайтган ишчилар сони 1880 киши ёки 7%ни ташкил этган бўла, “Ташельмаш” корхонасида 405 киши ёки 25%, экскаватор заводида 120 киши ёки 25%, электрокабель заводида мутахассисга тақчиллик 25%ни ташкил этарди². 1947 йил кузида 158 нафар ўзбек ёшларидан иборат гурӯх Москва ва Ленинград институтлари ҳамда Магнитогорский индустриал техникумiga юборилди. Уларнинг кўпчилиги рус тилини яхши билмас ва моддий таъминоти борасида ҳам етарлича муаммолари бор эди. Айни даврда РСФСРнинг олий ўқув юрглари ва техникумларида Ўзбекистондан атиги 138 нафар талаба таҳсил олган эди³.

Халқ ҳўжалигига ўрта малакали мутахассисларни тайёрловчи 88 та техникум мавжуд бўлган бўлса, 1947 йилда яна 6 та ўрта ўқув муассаси очилди. Шу йили республикадаги жами ўрта маҳсус ўқув юргларини 26999 нафар турли миллатта мансуб ўқувчилар тугаллаган бўл-

¹ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 981-йигма жилд, 21-22 вараклар.

² Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 1125-йигма жилд, 16-варак.

³ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 981-йигма жилд, 24-варак.

са, улардан 33%и ёки 8939 нафари ўзбеклар эди⁴. 1948 йилда кадрлар масаласидаги етишмовчиликнинг очими сифатида хукумат томонидан Ўзбекистон саноат корхоналари ва ўқув муассасаларига яна 1149 нафар олий маълумотли мутахассисларни бошқа республикалардан юборишга карор қилган эди⁵.

Саноатда раҳбарлик лавозимида ишлаб турган ходимларнинг амалий кўниммага умумий тайёргарлиги паст даражада (махсус маълумотсиз) эди. Республикага бўйсунувчи корхоналар директорларининг 40%идан кўпроғи олий маълумотга эга эмасди. 36 нафар республика ва вилоят трести раҳбарларидан атиги 10 нафари ёки 28%и олий маълумотга эга бўлиб, қолган 13 киши ёки 36%и бошлангич маълумотга эга эди. Иттифоққа бўйсунувчи корхона директорларидан кам кисми, яъни 7 фоизи (4 киши) паст маълумотта эга бўлиб, 3 нафар инженер (10%и) тугалланмаган олий маълумотга эга эди⁶.

Саноатга раҳбарлик қилган кадрларнинг миллый таркиби тўғрисида шуни айтиш мумкинки, баъзи министрлик ва бош бошқармалардаги (Главка) масъулиятли лавозимларда бирорта ҳам ўзбеклар ишламасди. Мисол учун текстил саноати аппаратининг 30 нафар масъулиятли вазифада ишловчи ходимларидан атиги 4 нафари ўзбек бўлса, озиқ-овқат министрлигига ҳам – 4 нафар, саноат кооперациялари бошқармасидаги 44 нафар масъул вазифада ишловчи ходимларнинг бор-йўғи 3 нафари ўзбек эди. Балик саноати бошқармаси, “Ўзбекуголь” трести ҳамда бошқа бир канча ташкилотларда эса бирорта ҳам ўзбек миллати вакили ишламасди⁷.

Саноатни инженер техник ходимлар билан таъминланаш масаласи 1947 йилда 88–97 фоизга таъминланган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги маҳсус тайёргарликни ўтамаган эди. Айниска, улар орасидаги ўзбекларнинг олий ва ўрга маҳсус маълумотга эгаларининг кўнимма ва малакаси жуда паст эди. Металлургия саноатида ишловчи инженер техник ходимларнинг саломги атиги 2,8%-ни ташкил қилган бўлса, текстил ва озиқ-овқат саноатида эса зўрға 10%га етган эди⁸.

Яна бир масала. У ёки бу саноат корхонаси етарлича билим (ўрта маҳсус ёки олий маълумотга) ва малакага эга бўлган маҳаллий қишлоқ ахлини ишга қабул килар экан, уларни уй-жой билан таъминламас, имкон бўлгандан умумий ётоқхонадан жой берарди. Лекин бошқа респуб-

⁴ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 981-йиғма жилд, 26-варак.

⁵ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 163-рўйхат, 24-йиғма жилд, 252-варак.

⁶ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 1125-йиғма жилд, 3-варак.

⁷ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 1125-йиғма жилд, 8-варак.

⁸ Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 23-рўйхат, 1125-йиғма жилд, 13-варак.

ликалардан келган ишчи ё инженер кўп вақт ўтмасданоқ алоҳида уй (квартира) билан таъминланарди. Шунинг учун ҳам бундай шароитда маҳаллий кадрлар ўз қишлоқларига кайтиб кетишга мажбур бўлган.

Бунинг исботини 1961 йилдаги енгил саноат бошқармасининг ҳисоботи орқали кўриш мумкин, унда келтирилишича 1961 йилда енгил саноат корхоналарига 5497 киши ишга қабул қилинган ва 6172 киши ишдан бўшатилган бўлиб, улардан 3972 таси ёки 64,4%ни ишдан бўшаҳ сабабини уй-жой шароитининг йўқлиги, болалар боғчаси ва шу каби бир қанча муаммоларни сабаб қилиб кўрсатишган⁹.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ахвол анча мушкул эди. Мисол учун, Қашқадарё вилоятида 1956 йилда саноат ишлаб чиқаришда жалб бўлган ишчиларнинг умумий сони 3,8 минг кишини, Сурхондарё вилоятида эса 4,7 минг, Тошкентда 161,7 минг, Фарғонада 38,9 минг, Самарқандда 26,4 минг кишини ташкил этди. Ўзбекистон бўйича бу кўрсаткич 284,4 минг кишини ташкил этган бўлса¹⁰, 1958 йилда бу микдор 300 мингдан ортди¹¹ (бундан бир оз вакт ўтиб, яъни 1959 йил 1 январда ги аҳолини рўйхатга олиш бўйича маълумотга кўра Ўзбекистон аҳолисининг сони 8 261 минг кишига етган).

Бундан кўринадики, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари республикада саноат ишлаб чиқаришнинг йўлга кўйилиши бўйича энг охирги ўринлардан бирида турган. Шунинг учун ҳам ишчилар сони жанубий вилоятларда республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан кам эди. Ишчилар орасида маҳаллий миллатга мансублари ҳам озчиликни ташкил этди. Масалан, XX аср 50 йилларда оғир саноатда ўзбек ишчилари 10-12%ни ташкил этган бўлса, 60-70-йилларда бу кўрсаткич 20-25%гача ошди, холос. Кимё саноатида эса 19%ни ташкил этар эди¹². 1958 йилда Ўзбекистонда умумий ишчилар таркибининг 36,4%ни ўзбеклар ташкил этди¹³. 1959 йилда республика саноатидаги ишчилар салмоғининг 26,7%ни ўзбеклар ташкил этган бўлса, 1967 йилда бу кўрсаткич 32%га етди¹⁴. 1962 йилда озик-овқат, енгил саноат нефт-газ, саноатида маҳал-

⁹ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 937-иш, 13-варак.

¹⁰ История рабочего класса Узбекистана. Том III. Ташкент, 1966. 64-бет.

¹¹ Узбекистан за 40 лет советской власти. Стат. сборник. Ташкент: Узбекистан, 1958. 13-бет.

¹² Шистер Т. А. Промышленные рабочие Узбекистана. Изменение в численности и составе. (1959–1970 гг). Ташкент, 1975. 79-бет.

¹³ Камилов Т. Р. Развитие рабочего класса в УзССР // Развитие рабочего класса в национальных республиках СССР. Москва, 1962. 286-бет.

¹⁴ Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы советской власти. Ташкент, 1984. 85-бет.

лий миллат вакиллари ишчилари сони 30%ни ташкил этган¹⁵. Шунингдек машинасозлик, металл ишлаш саноати ва оғир саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам уларнинг сони жуда оз эди. Жумладан, 1963 йилда Тошкент таъмирлаш заводидаги ишчи ва хизматчилар орасида маҳаллий миллат вакилларининг улуши 20 фойзни ташкил этган холос¹⁶.

Саноат корхоналарида меҳнатга иш ҳақи тўлови борасида ҳам номутаносибликлар мавжуд эди. Статистика матълумотларига кўра, 1950 йилда Ўзбекистон ишчиларининг иш ҳақи фонди 1940 йилга нисбатан 27,4%га ўсган бўлса, иттифокка бўйсунувчи саноат корхоналари ишларининг иш ҳақи бундан анча юқори, яъни бу давр оралиғида 590%га ўси. Ўзбекистон ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи фондининг ўсиши уларга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи нисбатига караб кўпаярди. 1950 йилда тўғридан-тўғри иттифокқа¹⁷ бўйсунувчи корхонада ишлаган ҳар бир ишчига тўланадиган ўртача йиллик иш ҳақи 133%га ўсган бўлса, иттифок-республика тасарруфидаги корхонанинг ҳар бир ишчисига тўланадиган ўртача йиллик иш ҳақи 122%га, республикага карашли корхонанинг ишчисига тўланадиган ўртача йиллик иш ҳақи эса атиги 73%га ўси. Бу каби номутаносибликтини республиканинг турли жойларидаги саноат корхоналари ишчиларига тўланган иш ҳақи мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун 50-йилларда республика тасарруфидаги бўлган Бухоро саноат корхоналари ишчиларига тўланган иш ҳақи 10-12%га ўсан бўлса, марказга бўйсунувчи Тошкент абразив заводи ишларининг ўртача йиллик иш ҳақига тўлов 77%га ўсан¹⁸.

1963 йилга келиб ҳалқ ҳўжалигида ишловчи ишчилар сони 380833 кишига етди (улардан 155316 таси аёллар, 292743 нафари соф ишчилар эди). 1962 йилда ишчилар сафи 2295 нафар малакали ишчилар, 26109 нафар ҳунар-техника билим юртларини тамомлаган ёшлар хисобига тўлдирилди. Айтиш жоизки, ўша пайтда ҳунар-техника билим юртлари (ПТУ)да ёшлар асосан ҳалқ ҳўжалиги тармокларининг ўзига хос хусусиятларига мос тушувчи анъанавий касбларга ўргатилган. Назорат-ўлчаш асбоблари, дастур ёрдамида бошқариладиган станок ҳамда курилмаларни автоматик тизимларини, электрон-хисоблаш машиналарини

¹⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 год статистический ежегодник. Ташкент: Узбекистан, 1981. 56-бет.

¹⁶ Ўша жойда. 58-бет.

¹⁷ Ўша пайтда саноат корхоналари ишлаб чиқариш аҳамиятига кўра: иттифокка (яъни марказга), иттифок-республикага ҳамда республиканинг ўзига бошқарув жиҳатдан бўйсундирилган эди.

¹⁸ Узбекистан: страницы истории. Ташкет: Фан, 1991. 61-бет.

созловчилар жуда кам миқдорда тайёрланган. Ҳолбуки, бундай кадрларга талаб ўсиб бораётган эди.

Шу билан бирга, 45327 нафар ишчи халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида ўз малакасини қайта ошириди. 1963 йилда олий маълумотли мутахассислар таркиби 1131 кишига, ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган мутахассислар таркиби 1368 кишига тўлдирилди. Корхоналарга йўналтирилган ёш мутахассисларнинг 1155 нафари олий ўқув юртлари ва турли техникумларни тамомлаган эди. Қолган 1344 таси корхоналар ишидан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта маҳсус ўқув муассасаларини тамомлаган эди¹⁹.

Ишчилар сонини орттириш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида муайян ишлар килинса-да, бироқ йилдан-йилга меҳнатдан фойдаланиш самараси пасайиб борди. Мисол учун 1962 йилда ишга сабабсиз келмаслик ва тўлов ҳақсиз таътил муносабати билан 942 минг ишчи куни ёки 1,43% ишчи фонди вакти йўқотилган эди. Бунинг окибатида ҳафтасига 3400 киши ишламай, 1,24% меҳнат ишлаб чиқариши йўқотилган эди²⁰. Бундай ҳол кейинги йилларда ҳам давом этди.

Саноатда ишчилар сонининг ортиб боришига яна бир омил янги саноат тармоқларини намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ эди. Бунинг натижасида саноатдаги ишчилар ва хизматчилар сони 1958 йилдаги 299,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 1965 йилга келиб уларнинг сони 481,9 минг кишига етган эди²¹.

Республикада янги саноат корхоналарининг кўплаб бунёд этилиши ҳамда бу завод корхоналарида меҳнат қиласидан ишларни четдан кўплаб жалб килиш натижасида республикадаги шаҳар аҳолисининг ортиқ даражада кўпайиб кетишига йўл кўймаслик бобида олиб борилган ишлар натижасиз бўлди. Янги корхоналар учун ишчилар маҳаллий миллатлар вакиллари ичидан эмас, балки тайёр ишчиларни четдан (иттифок маркази ва бошқа республикалардан) келтириш натижасида шаҳар аҳолиси улар ҳисобига ортиб борди²².

Маҳаллий хотин-кизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, аввало, совет тузумининг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун зарур эди. Аввал бошдан социализмнинг бош мақсади ўз иқтисодини ривожлантириш бўлиб, шу мақсадда хотин-кизлардан ҳам ишчи кучи сифати

¹⁹ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 1025-иш, 39-варак.

²⁰ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 1025-иш, 32-варак.

²¹ Ўзбекистан за 7 лет (1959–1965 гг). Ташкент: Узбекистан, 1966. 105-бет.

²² Бу ҳақда батафсил қаранг: Хоназаров Х. К. Социализмни янгилаш ҳамда СССРда тил муаммолари // Ўзбекистон коммунисти. 1989. № 9. 55-б.

да фойдаланиб, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этди. Совет хукумати хотин-кизларнинг ишлаб чиқаришдаги оммавий иштирокисиз уларнинг тўлиқ озодлигини таъминлаб бўлмаслигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг оиласдан ҳам кўпроқ ишлаб чиқаришда қатнашишидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам “Иқтисодий мустакиллик – жамиятда хотин-кизлар тенг ҳуқуқлиигини таъминлашда асосий, бош ютуқ”, “иқтисодий мустакилликни таъминлашдаги бош вазифа эса, хотин-кизларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишдан иборат”, деб хисобланди²³.

Урушдан кейинги дастлабки (1945-1949 йилларда) йилларда республика хотин-қизларидан саноат корхоналарида ўзбек аёл ишчилари сони биргина Андижондаги “Володарский” номли фабрикада 3,5 баравар, “Строммашина” заводида 3 бараварга кўпайди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, саноатда банд бўлган ўзбек хотин-кизларининг миқдоридан қониқиши ҳосил қилинмади (айни пайтда республика йирик саноат ишлаб чиқаришида ишчилар синфи умумий миқдорининг 17,4%ини ўзбек хотин-кизлари ташкил этган) ва буни хотин-кизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилишдаги камчилик сифатида танкид қилинди²⁴. Шундан кейин ўзбек хотин-кизларини саноат ишлаб чиқаришига жалб қилишни янада кенгайтириш максадида уларнинг ўқишини, малака ошириши, раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши учун барча шароитларни яратиш ҳамда жамики имкониятларни ишга солиши борасида сиёсат олиб борилди. Агар 1960 йилда енгил саноатга тегишли корхоналардаги 43 нафар директорлик лавозимида гилардан 6 нафари аёллар бўлса (улардан 3 таси маҳаллий миллат вакиласи бўлган), 1961 йилда эса аёллар сони 10 тага етди (улардан 6 таси маҳаллий миллат вакиласи бўлган)²⁵. Совет ташкилотлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 1960 йилда хотин-кизлар республика ишчи ва хизматчилар умумий миқдорининг 39%ини, 1965 йилда 40%ини, 1970 йилда 41,5%ини, 1971 йилда 42%ини, 1977 йилда 42%ини ташкил этган бўлиб, 1985 йилда бу кўрсаткич 43%га етди²⁶.

Совет хукумати халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш билан бир қаторда малакали мутахассислар тайёрлашни кескин

²³ Худжум – значит наступление. Ташкент, 1987. 22-бет.

²⁴ Народное хозяйство УзССР в 1958 г. Статический ежегодник. Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. 151-бет.

²⁵ Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 937-иш, 20-варак.

²⁶ Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (ХХ асрнинг 40-80 йиллари). Тарих фан. номз... дис. автореф. Тошкент, 2009. 16-19-бетлар.

кўпайтириш юзасидан ҳам катта дастур белгилаши билан 1941 йилдан 1961 йилгача СССР халқ хўжалигида банд бўлган инженер-техник ходимлар сони 5,4 баравар ўсган бўлса, Ўзбекистонда атиги 5,8 баравар, Қозогистонда 9,5 баравар, Қирғизистонда 9 баравар, Тоҷикистонда 7 баравардан зиёдроқ ошди. 1940 йилда республика олий техника ўкув юртлари Ўзбекистон халқ хўжалигига 487 инженер юборган бўлса, 1969 йилда 4604 нафар ёки кариб 10 баравар кўп инженер юборди²⁷.

Ўзбекистон халқ хўжалигида дипломли инженерлар сони 1968 йилда 42398 кишига етди. Техникумларда саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа учун мутахассислар тайёрлаш 1940 йилдаги 341 кишидан 1969 йилда 12 078 кишига ёки 35,4 бараварга кўпайган эди. Республикада 1968 йилда дипломли техниклар сони 78 633 кишига етган эди. 1969 йилда республика олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари халқ хўжалиги тармоқларига олий ва ўрта малакали 56 300 мутахассис, шу жумладан, 16600 дан ортиқ инженер ва техник юборган эди. Бундан ташкири Ленинград ва бошқа иттифоқдош республикалардаги олий ўкув юртларига конкурсиз қабул килиш учун 1969 йилда 1168 киши, 1970 йилда эса 1168 юборилган эди²⁸.

Юкорида таъкидланганидек, урушдан кейинги йилларда йирик шаҳарларда кўплаб саноат корхоналари қурилиб, улар асосан четдан келган ишчилар хисобига тўлдирилди. Натижада, туб ерли миллатлар вакилларининг миқдори ишчилар орасида камайиб борди.

Кўчиб келган аҳолининг аксарият қисми катта-катта шаҳарларга ўрнашган. Чунки шаҳарларда яшаш турмуш тарзи қишлоққа нисбатан анча яхши бўлган. Республикада янги саноат корхоналарининг кўплаб бунёд этилиши ҳамда бу завод корхоналарида меҳнат қиласидан ишчиларни четдан кўплаб жалб қилиш натижасида республикадаги шаҳар аҳолисининг ортиқ даражада кўпайиб кетишига йўл кўймаслик бобида олиб борилган ишлар натижасиз бўлди. Янги корхоналар учун ишчилар маҳаллий миллатлар вакиллари ичидан эмас, балки тайёр ишчиларни четдан (иттифоқ маркази ва бошқа республикалардан) келтириш натижасида шаҳар аҳолиси улар хисобига ортиб борди. Натижада 1961-1975 йиллар кариб 400 минг киши Ўзбекистонга кўчиб келганлиги қайд этилди. Ваҳоланки, Тошкент шаҳрида 200 минг ортиқча ишчи кучи бўлгани ҳолда 125 минг ишчи ҳамда мутахассислар иттифоқнинг бошқа республикаларидан келтирилди²⁹.

²⁷ Химов Н. Ўзбекистонда инженер-техник кадрларнинг шаклланиши // Ўзбекистон коммунисти. 1970. № 10. 54-бет.

²⁸ Ўша жойда. 11-бет.

²⁹ Правда Востока. 1990 г. 3 января.

Республикада саноатни юксалтиришнинг энг муҳим омили бу ма-лакали мутахассислар эди. Олий ўқув юртлари тармоғи 1940 йилдан 1985 йилгача бўлган давр мобайнида бир ярим баравар кенгайди. 1985 йилда олий ўқув юртларини битириб чиқсан 13 минг нафар киши саноат корхоналарига курилиш ташкилотлари ва бошқа хизматлардаги мутахассислар сафини тўлдирган³⁰. Аммо республика таълим тизимида-ги маҳаллий миллат вакиллари жуда камчиликни ташкил этган. 50-йил-лар ўрталарида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган 309,3 минг мутахассис раҳбар кадрлардан бор йўғи 82,7 минг ёки 26,7 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, 95,5 минг ёки 30,8 фоизи ўрта маҳсус маълумот-га эга эди³¹. Шунингдек, бу йилларда халқ хўжалигида банд бўлган мутахассисларнинг бор йўғи 34 фоизини, саноатда эса 20%ини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қиласлар эди³².

1970-1980 йиллар мобайнида европа халқларига мансуб миллатлар сони республика саноат корхоналарида айниқса тез ўси. Уларнинг сал-моғи “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида 63,1%га, машинасоз-лик тармокларида, жумладан, Тошкент трактор заводида 50,8%га ўси. Енгил саноат тармокларида, жумладан, Тошкент тўқимачилик комбина-тида 1972 йили 12897 кишидан иборат 46 миллат вакили ишлаган бўлса, уларнинг 6782 таси руслар, 2448 таси татарлар, 392 таси украинлар ва 2276 таси ўзбеклар, қолган кисми эса бошқа миллат вакилларидан ибо-рат эди³³.

Саноат корхоналарининг баъзиларида ўзбеклар салмоғи сезилар-ли даражада камайиб кетган эди. Мисол учун Чкалов номидаги Тош-кент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 21,0%, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводида 19,0%, “Эфтalon” ишлаб чиқариш бирлашмасида 22,0%, лак-бўёқ заводида 33,0%, Ўзбекистон қишлоқ хў-жалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 14,0%гина ишчилар маҳаллий аҳолига мансуб эди³⁴.

1986 йилга келиб, саноатда ўзбек ишчиларининг улуши 45,7 %ни ташкил қилгани ҳолда, кимё ва нефть-кимё тармокларида – жами 25%, машинасозликда – 25,2, рангли металлургияда – 31,3, кўумир тармоғи-

³⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР. В. 1980 год. Статистический ежегодник. Ташкент: Узбекистан, 1981. 56-бет.

³¹ Ўзбекистон МДА. 837-фонд, 38-рўйхат, 2404-иш. 8-варак.

³² Ўша жойда. 7542-иш, 28-31-вараклар.

³³ Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1995. 11-бет.

³⁴ Ўша жойда. 12-бет.

да – 30,1 бўлган. Ана шу тармоқлар туб ерли аҳоли ишлайдиган одатий соҳалар эмас эди ва табиийки, уларнинг эътиборини кўпроқ саноат ишлаб чиқаришининг анъанавий соҳалари жалб этган. Масалан, енгил саноат – 67,7 %, озик-овқат – 59 %, ёғочга ишлов бериш саноати – 47,8 %³⁵. Бундай ахволга сабаб хунар-техника таълими тизимида саноат учун малакали ишчи кадрлар тайёрлашга яхши йўналтирилмаганлигида эди. Шу сабали ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари ишдан кетиб қолаётган малакали ишчи кучлари ўрнини тўлдиришда асосий эътиборни туб ерли аҳоли вакилларидан ходимлар тайёрлашга эмас, балки мамлакатнинг индустрисал регионларидан кўчиб келадиганларга қаратишарди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ўстириш муаммоси билан бир каторда, кишиларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва жалб этиш ҳам ишчилар син-фининг ҳолатини белгилайдиган омиллардан эди. Айни вақтда Ўзбекистонда бошқача бир вазият юзага келганди: бир томондан, миллионлаб одам ҳалқ ҳўжалигига банд эмас, бошқа томондан – ўн минглаб бўш иш жойлари мавжуд. Бундай ахволнинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги нуксонлар эди.

Республика миқёсида саноат обьектларининг анчагина қисми асосан вилоят марказларида курилган (ёки ишлаб чиқариш структуралари билан бир вақтда янги шаҳарлар пайдо бўлган) эди. Бироқ мазкур обьектларда ким ишлаши, қандай мутахассислар кераклиги, ишчиларни каердан олиб келиш билан боғлик масалалар энг охирида ҳал килинарди. Масалан, биргина Тошкент шаҳрида 1985-1986 йилларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги 200 минг кишига етганлигига қарамай, янги ишлаб чиқаришларнинг меҳнат коллективларини шакллантириш учун республикадан ташқари жойлардан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар жалб этилди. Бундай амалиёт “тайёр” ишчиларни ва инженер-техник ходимларни четдан қидиришга мажбур этарди. Натижада, масалан, Тошкент шаҳри саноат корхоналарида банд бўлган ишчилар орасида туб ерли миллат кишилари 1989 йилда атиги учдан бир кисмни ташкил этди.

Кўрилаётган муаммо билан боғлик яна бир масала – ишчиларнинг бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрлаш тўғрисида шуни айтиш мумкинки (бу йўлдан дунёнинг кўпгина мамлакатлари аллақачон воз кечган эди), республикада бу усул ишчилар синфи сафини тўлдиришнинг асосий йўлларидан бири эди. 1989 йилда, масалан, шу йўл билан иккинчи касб ва мутахассисларга 199 минг одам тайёрланди, республи-

³⁵ Таксанов А. К. Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса. Ташкент: Фан, 1989. 28-бет.

ка касб-техника билим юргларида эса 142 минг киши тайёрланди. Кимё ва нефть-кимё саноати корхоналарида 4756 одам ишчи касбини эгаллади, ХТБларда эса шундай касбни 800, қора ва рангли металлургия корхоналарида тегишли равища 3676 ва 100 киши эгаллади.

Кадрларни бевосита ишлаб чиқаришда тайёрлаш ўзини окламаслигига сабаб, у ишчиларга зарур билим ва кўнкима бермас, корхонанинг кундалик эҳтиёжларини кондириш максадида уларни фақат ихтисосга ўргатарди. Бу ҳол ишчиларда ўз қобилиятларини намоён этиш ва такомиллаштириш имкониятларини чеклар, уларнинг кайфиятига, ишга муносабатига салбий таъсир кўрсатарди.

Фан-техника тараққиётiga тўғанок бўлган экстенсив иқтисодиёт меҳнаткашларга ўз қобилияти ва хохиши бўйича ишлаш имкониятини бермасди. Улардан кўплари учун меҳнат шунчаки зерикарли вакт ўтказишига айланарди. Масалан, республикада ишчиларнинг 57%дан ортиги кам малакали, оғир жисмоний меҳнат билан банд эди. 1989 йилда енгил, ип газлама, кимё ва нефть-кимё, кўмир саноатида кўл меҳнатининг салмоғи 30-38%ни, электротехника саноатида – 45, озиқ-овқат саноатида 55%гачани ташкил этди. 220 минг киши газланиши, чангланиши, тебраниши юкори даражада бўлган нокулай шароитларда ишлади³⁶.

Ўзбекистон ССР ишчи ва хизматчилигининг ўртacha ойлик иш ҳаки (1990 йилдаги маълумотларга кўра) умуман СССР бўйича ўртacha даражадан 16% кам эди. Республика бу кўрсаткич бўйича иттифоқдаги бошқа республикалар ўртасида 11-ўринда, жамоат секторида жамоа хўжалиги (колхоз) аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса охирги ўринда турарди. Ўзбекистондаги салкам 9 млн киши (аҳолининг 45%) ойига 75 сўмдан ошмаган, яъни ҳаёт кечириш минимумидан ҳам кам бўлган даромадга эга эди. Аҳоли жон бошига тўлов ва имтиёзлар республикада 375 сўмга teng бўлсан, СССР бўйича у ўртacha 554 сўмга teng эди³⁷.

Хулоса қилиб айтганда, қатор йиллар мобайнида республикада мавжуд меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш ва аввало, маҳаллий миллат вакилларидан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масалалари, доимо пайсалга солиниб келди. Жамият тараққиётининг узок даври мобайнида туб аҳолининг республика саноат корхоналари-даги салмоғи жуда паст даражада бўлиб келди. Бу – тоталитар тарғиботнинг миллий республикалар маҳаллий хусусиятларини инкор этувчи маъмурний-буйруқбозлик тизимининг натижаси бўлди.

³⁶ Ҳожимираев М. Ўзбекистоннинг ишчилар синфи // Инсон ва сиёsat. 1991. № 9. 24-бет.

³⁷ Осминин В. Ривожлантиришнинг янги модели: план, бозор, регион // Ўзбекистон коммунисти. 1990. № 2. 35-бет.

Ўзбекистонда Иттифоқ марказининг манфаатларини кўзлаб кўплаб корхоналар қурилди ва шунга мўлжаллаб бошқа минтақалардан минглаб мутахассислар келтириди. Уларга маълум имтиёзлар берилиб, турли қарор, фармойишлар билан химоя килинди. Уй-жой олиш учун навбатда турган маҳаллий аҳолининг минглаб вакиллари эса бир неча йиллар мобайнида ўз навбатини кутишга мажбур бўлди.

И. ХАЙДАРОВ

1940–1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИГА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

Мазкур мақолада Ўзбекистон саноатига кадрлар тайёрлаш масаласи (1940–1990 йиллар) илмий таҳлил қилинган. Маколада кўриб чиқиляётган даврда саноатга республиканинг ўзида кадларни тайёрланиши, уларнинг касбий кўникмалари, ишчиларининг саноат соҳасидаги улушки, таълим тизимидағи нуқсонлар ҳамда кейинги йилларда эса, йирик шаҳарларда саноат корхоналари қурилиб, улар асосан совет давлатининг бошқа республикаларидан келган ишчилар хисобига тўлдирилишининг сабаблари ва окибатлари кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: саноат, корхона, жамоат уюшмалари, кадр, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, иктисодиёт, инженер, техник, ишчи, кооперация, трест.

И. ХАЙДАРОВ

ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА В 1940–1990 ГГ.

В данной статье проанализирована подготовка кадров в промышленной сфере Узбекистана в 1940–1990 гг. В статье рассматриваются проблемы подготовки кадров в промышленности, их профессиональные навыки, роль рабочих в промышленной сфере, дефекты в сфере обучения рабочих, причины и результаты построения промышленных предприятий в крупных городах и заполнение их рабочими, приехавшими из советских стран.

Тарихшунослик ва манбашунослик

Ш. МУСТАФАЕВ

ШЕЙХ АЛИ САМАРКАНДИ – ПРОВОДНИК ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОГО ТРАНСФЕРА МЕЖДУ МАВЕРАННАХРОМ И АНАТОЛИЕЙ (ПО ДАННЫМ ОСМАНСКИХ ИСТОЧНИКОВ)

Многие факты реальной биографии шейха Али Самарканди скрыты за завесой безвестности, поскольку со временем оказались окутаны множеством разноречивых сказаний агиографического характера. Тем не менее в некоторых средневековых османских нарративных источниках, в частности, в трудах Карамани Нишанджи Мехмед-паши, Ходжи Саад ад-Дина, Кятиба Челеби, можно обнаружить краткие биографические данные о нем. Из этих сведений становится очевидно, что шейх Сейид Ала ад-Дин Али бин Яхья ас-Самарканди являлся уроженцем города Самарканда, о чем свидетельствует и его нисба. Он получил здесь основательное религиозное образование у известного шейха и ханафитского факиха Ала ад-Дина ал-Бухари, затем увлекся суфизмом, уже в довольно преклонном возрасте совершил путешествие в Рум (Анатолию), где поселился в столице Караманского эмирата городе Ларенде. Благодаря этому к его нисбе стали часто добавлять и слово «Карамани». Шейх Самарканди получил популярность благодаря своему главному труду – четырехтомному комментарию (*тафсир*) к Корану, который называется «Бахр ал-улум» («Море наук»). По словам Нишанджи Мехмед-паши, это произведение шейха Али Самарканди пользовалось широкой известностью и уважением среди улемов¹. Шейх дожил до глубокой старости и скончался в Карамане чуть ли не в 150-летнем возрасте. По сообщению Кятиба Челеби, датой его смерти является 860 г. х. (1455–56 гг.). Гробница его находится в городке Зейне на территории современной провинции Мерсин и является местом поклонения верующих со всей Турции.

Надо сказать, в Турции жизнь и духовное подвижничество шейха Али Самарканди довольно детально изучаются. Впервые наиболее полную информацию о нем дал известный исследователь древностей Карамана Ибрахим Хаккы Коньялы в своем произведении «История Карамана в монументах и надписях»².

¹ Nişancı Mehmed Paşa. Tevarih-i Al-i Osman. (Hazırlayan M. Yastı). Selçuk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Yüksek Lisans Tezi. Konya: 2005, s. 105

² İbrahim Hakkı Konyalı. Abideleri ve Kitâbeleri ile Karaman Tarihi, Ermenek ve Mut Abideleri. İstanbul, 1967.

Более информативным источником о жизни и святости шейха Али Самарканди является его «Житие» («Менакиб-наме») – средневековое агиографическое сочинение, изданное в Турции в 2009 г., со стороны И.Х. Мерджана. Несмотря на обилие рассказов о «чудесах» и «божественном провидении», при тщательном анализе и критическом подходе это сочинение в определенной степени может служить и в качестве исторического источника. В частности, «Житие» шейха подтверждает, что он родился в Самарканде, однако отцом его был известный религиозный деятель Сейид Яхъя Ширвани, родом из исторической провинции Азербайджана – Ширвана. По преданию, род Сейида Яхъя возводился через Али к пророку Мухаммеду. После переезда в Самарканд Сейид Яхъя женился здесь на «знатной, благородной и образованной» женщине по имени Тадж ат-Мастурат, от брака с которой и родился Али Самарканди. В сущности, переход Сейида Яхъя из Ширвана в Мавераннахр мог быть связан с бурными событиями постмонгольской эпохи, т. е. второй половины XIV столетия в Азербайджане, когда после распада Ильханидской империи весь регион впал в состояние так называемой «политической турбулентности», острой борьбой между различными группировками военно-кочевой знати и походами Амира Темура на запад, во время которых государство Ширваншахов и его правитель Ибрахим Дербенди выступали в качестве близкого союзника.

Опять же, как гласит «Менакиб-наме», в Самарканде к семи годам Али выучил наизусть весь Коран, обучался у знаменитых улемов Центральной Азии, в частности, у шейха Сейида Шарифа Джурджани, а по достижении 20-летнего возраста вместе с отцом совершил паломничество к святым местам – в Мекку, где и остался для продолжения своего религиозного образования. Затем он совершил поездки в Каир, Дамаск, Иерусалим, родину своего отца Ширван, откуда вернулся в Самарканд и прожил здесь многие годы. По словам З.В. Тогана, шейх Али Самарканди посетил многие города Центральной Азии, преподавал некоторое время в медресе «Низамийе» в Герате. Затем он совершил второе паломничество в Мекку и Медину, и даже служил здесь долгие годы смотрителем гробницы (*türbədər*) пророка Мухаммеда. Наконец, в преклонном возрасте он окончательно поселился в Карамане³.

В «Житии» шейха Самарканди этот факт связывается с именем самого пророка Мухаммеда. В частности, отмечается, что однажды в Ме-

³ Ensar Köse. İçel'de Bir Ulu Çınar: Şeyh Ali Semerkandi ve Nesli // Şehirlerin sevdalisi İbrahim Hakkı Konyalı armağanı. Selçuk Üniversitesi TÜRKİYAT Araştırmaları Enstitüsü Yayınları: 7. 2015, s. 338-342.

дине у гробницы пророка, когда ночью шейх находился в полуудремотном состоянии, до него донесся голос Мухаммеда, который увещевал его следующим образом: «О мое счастливое дитя! Мирские и религиозные науки, которые ты познал, не должны пропасть зря. Отныне с моего благословения ты должен направлять мою умму по прямому пути. Население Карамана является правоверными, пребывающими в растерянности и печали, но способными к исправлению и близкими к праведному пути. Сам господь направляет тебя в ту страну для того, чтобы ты вел их по правильному пути»⁴. Якобы после этого обращения пророка шейх Али Самарканди направился в эмират Караман, расположенный в центральной и южной Анатолии, и поселился здесь предположительно в 1428 г.

Надо полагать, выбор Карамана в качестве места постоянного пребывания не был для шейха Самарканди случайным. Караманский эмират являлся одним из тех тюркских государственных образований в Малой Азии, который однозначно стал на сторону Амира Темура в его противостоянии с Османским государством и султаном Баязидом Йылдырымом. Думается, в «Житие» шейха Али Самарканди не случайно особо подчеркиваются его протимуридские настроения и отмечается, что он возносил молитвы всевышнему, желая победу чагатайской армии. В Карамане шейх пользовался покровительством правителя эмирата Ибрахим-бека, одной из самых ярких фигур тюркской истории XV столетия, по признанию Франца Бабингера⁵. Ибрахим, как и все караманские правители, традиционно был противником той политики централизации и экспансии, которую проводили османские султаны в Анатолии, начиная с конца XIV столетия, и, соответственно, был чрезвычайно рад возможности приютить у себя пользовавшегося большим почетом среди духовенства и народа шейха Али Самарканди, выходца из интеллектуальной и культурной среды Мавераннахра, земляка самого Амира Темура. Безусловно, все это поднимало авторитет самого правящего дома Карамана в глазах тюркского общества всей Малой Азии. Свой главный труд «Бахр ал-улум» шейх Самарканди написал в городе Ларенде, столице эмирата Караман.

Между тем, поскольку в нарративных хрониках не так уж много информации о шейхе Самарканди и его потомках, то в этом вопросе более детальные сведения можно почерпнуть из османских архивных документов. В Османском архиве (Башбаканлык Османлы Аршиви) в Стам-

⁴ Там же. С. 342.

⁵ Babinger F. Fatih Sultan Mehmed ve zamani. 4 baski. İstanbul: Oğlak Bilimsel Kitaplar, 2003, s. 237.

буле хранится большая коллекция документов, имеющих отношение, в частности, к его потомкам и последователям, распространении учения шейха в различных областях Османской империи, и т. д. Во время недавней работы в архиве нам удалось познакомиться с частью этих документов. Введение их в научный оборот позволит более детально оценить вклад шейха Али Самарканди и его последователей в духовно-религиозную жизнь тюркского общества Анатолии в средние века.

В частности, усыпальница шейха Самарканди находится, как отмечалось, в городке Зейне рядом с мечетью, которая была возведена в 1421 г. Его гробница стала местом поклонения верующих, над ней был построен мавзолей, ставший местом сбора дервишей – *завие*. И в одном вакфном реестре эпохи султана Сулеймана Великолепного отмечено, что для содержания усыпальницы и завие шейха Самарканди был создан вакф, который получал доход в 885 османских акче. Потомки шейха от его сына по имени Зейналабидин стали известны в османской среде как Зейне-огуллары и они занимались религиозно-благотворительной деятельностью. Известно множество мечетей и медресе, которые были учреждены ими в этом регионе Турции.

Также, согласно архивным источникам XVIII столетия, становится известно, что одна линия потомков шейха Самарканди, известная как род Сунуллах Пашазаде, являлись представителями наиболее знатной прослойки провинции Ичель в этот период – так называемых *айянов*⁶.

Однако наиболее обширная коллекция документов, даты которых доходят аж до начала XX столетия, связана с темой так называемой «скворцовой воды» (по-турецки – *siğircık suyu*). Дело в том, что в средневековой Анатолии на честь быть местом упокоения шейха Самарканди претендует, кроме городка Зейне в бывшем Карамане, и небольшой поселок Чамлыдере недалеко от Анкары. В османских архивных документах, начиная с XVIII столетия, источник так называемой «чудодейственной» воды, находящийся в этом районе, связывается с именем шейха Али Самарканди. По преданию, эта вода была обнаружена благодаря духовной силе и святости шейха и она помогает в предотвращении нашествий саранчи и различных эпидемий. Привилегия распоряжения этой водой была предоставлена османскими властями, как полагается, потомкам шейха Али Самарканди, и этот порядок отражен в османских архивных документах XVIII – начала XX вв. Так, выясняется, что эти люди также носили титул шейхов, были освобождены от налогов и в

⁶ Ensar Köse, Ayanlar çağında İçel sancağında sosyal hareketlilik. İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Doktora Tezi, İstanbul: 2013, s. 169 vd.

